

Таъсисчи:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ушбу сон муҳаррирлари

М.С.Раҳмонова, И.В.Солохина

Саҳифаловчи

Д.Х.Хамидуллаев

Ахборотнома Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган.

Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568

Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68-уй,

Тел.: 265-23-56, 265-23-52.

e-mail: akadmvd@uzsci.net, qonun@doda.uz.

Оригинал-макет таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳрир ҳайъатининг фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин. Қўлёзмалар мазмуни ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф жавобгар.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашриёт табағи 10,5. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. «Академия» ноширлик маркази» давлат унитар корхонасида чоп этилди. 100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68-уй. Тел.: 265-17-50

Босишга рухсат этилди 09. 01. 2010.

Буюртма № 1.

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ

Илмий-амалий ҳуқуқий нашр

2010 йил, 1-сон

МУНДАРИЖА

Янги нашрга оқ йўл!

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг генерал-лейтенант Б. А. Матлюбовнинг кириш сўзи.....3

Юридик фанни ривожлантириш**Развитие юридической науки***Одилқориев Х. Т.*

Ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш ва юқори малакали юристлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари.....4

Тулътеев И. Т.

Становление и развитие теории конституционализма в Узбекистане: проблемы и решения.....15

Саидов А. Х.

Теория прав человека как юридическая наука и учебная дисциплина.....20

Якубов А. С., Кабулов Р.

Современные тенденции в уголовной политике Узбекистана.....29

Азизов Н. П.

Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихини ўрганишнинг методологик муаммолари.....37

Касимов Б. Э., Исмоилов Н. Т.

Маъмурий қонунчилик: бугунги ҳолати ва истиқболлари.....40

Мамасиддиқов М.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанининг долзарб масалалари.....44

Оқюлов О.

«Хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқи» тушунчаси, предмети ва тизими тўғрисидаги концепциялар.....51

Учредитель:

Академия МВД Республики Узбекистан

Редакционная коллегия

Т.Р.Саитбаев (ответственный редактор),
Х.Т.Адилкариев, И.Исмаилов, Э.Х.Нар-
бутаев, Ш.Р.Кабилов, А.А.Таджиев,
С.А.Раззаков, Г.К.Батыров, Р.Р.Тум-
паров

Редакторы номера

М.С.Рахмонова, И.В.Солохина

Верстка

Д.Х.Хамидуллаев

Вестник зарегистрирован Узбекским агент-
ством по печати и информации 18 июня
2009 г.

Свидетельство о регистрации средства мас-
совой информации № 0568

Адрес редакции:

100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.

Тел.: 265-23-56, 265-23-52.

e-mail: akadmvd@uzsci.net, qonun@doda.uz.

Оригинал-макет подготовлен в редак-
ционно-издательском отделе Академии
МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым
способом полностью или частично ссылка на
на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Мнение редакции может не совпадать с точ-
кой зрения авторов публикаций. Ответствен-
ность за содержание публикаций и досто-
верность фактов несут авторы материалов.

Редакция не вступает в переписку с авторами
писем, рукописи не рецензируются и не
возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 10,5. Печать
офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в
государственном унитарном предприятии
«Издательский центр „Академия“». 100197,
г. Ташкент, ул. Интизор, 68. Тел.: 265-17-50.

Подписано в печать 09. 01. 2010.

Заказ № 1.

© Академия МВД Республики Узбекистан,
2010.*Нарбутаев Э. Х.*

Концептуальное осмысление институтов
досудебного производства59

Миразов Д. М.

Жиноят процессида суд контроли институтининг
шаклланиш босқичлари.....66

Саитбаев Т. Р.

Основные направления исследований
методологических основ оперативно-
розыскного права.....70

Рўзиназаров Ш. Н.

Молиявий-иқтисодий инқирозни бартараф этиш
шароитида юридик фан ва таълимнинг долзарб
муаммолари.....74

Хамдамов А. А.

Жиноятчиликка қарши курашда хорижий мам-
лакатлар полициясининг ахборот излов тизими.....84

Нарматов Н. С.

Ҳозирги шароитда хизмат кўрсатиш соҳасининг
ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш
муаммолари.....91

Ички ишлар органлари учун кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш

Совершенствование подготовки кадров для органов внутренних дел

Мамадалиев Ш. О.

Ватанпарвар малакали кадрларни тайёрлаш —
миллий ғоя талаби.....97

Арифджанов Э. К.

Культура общения сотрудников органов внут-
ренних дел — важный фактор повышения эффек-
тивности их профессиональной деятельности.....102

Танқид ва библиография

Критика и библиография

Тошқулов Ж. Қ.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х . Т. Одилқориев,
И. Т. Тультеев, А. А. Таджиев ва бошқ.108

ЯНГИ НАШРГА ОҚ ЙЎЛ!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жамоасининг саъй-ҳаракатлари натижасида илмий-амалий ҳуқуқий журнал — «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»нинг илк наشري босмадан чиқди.

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш долзарб вазифалар ҳисобланган бугунги кунда ушбу журналнинг ташкил этилиши айни муддаодир.

«Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»ни чоп этишдан мақсад жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотлар, улар натижасида юзага келаётган ҳуқуқий вазият, фуқаролик жамияти ва кўппартиявийлик тизимининг шаклланиш жараёнлари, давлат бошқарувини модернизация қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд идораларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолияти, жаҳон мамлакатларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги илғор тажрибаларини илмий-назарий жиҳатдан ёритишдан иборат.

Ахборотномада, шунингдек таниқли ҳуқуқшунос олимлар ва ёш мутахассис тадқиқотчиларнинг жиноят, жиноят-процессуал, маъмурий, фуқаровий-процессуал, меҳнат, оилавий ҳуқуқ соҳаларида олиб бораётган илмий ва амалий изланишлари натижалари мунтазам ёритиб борилади.

Сиз «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» орқали ИИВ тизимидаги ва бошқа юридик олий ўқув юртлари, муассасаларида амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар, қонун чиқариш соҳасидаги янгиликлар, тайёрланаётган қонун лойиҳалари, ҳуқуқшунослик илмида янгилик бўлган рисола, монография ва дарсликлардан хабардор бўлиб борасиз.

Шу билан бирга, ахборотномада мутахассисларнинг қабул қилинаётган қонунлар ва бозор муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга доир фикр ва мулоҳазаларини, шарҳларини, илмий изланишлар олиб бораётган адъюнкт, аспирант ва тадқиқотчиларнинг илмий мақолаларини, шунингдек ички ишлар идораларида кўп йиллар хизмат қилиб, катта тажриба орттирган таниқли мутахассис ходимларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид материалларни ҳам ўқийсиз.

«Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш, қонунчилик, халқаро ҳуқуқ, таълим-тарбия, экология, ҳуқуқшунослик тарихи каби соҳаларга қизиқувчи журналхонларнинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб берувчи илмий-назарий, фундаментал нашр бўлиб қолади, дея ишонч билдирамиз.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазири
генерал-лейтенант
Б. А. МАТЛЮБОВ

Х. Т. Одилқориев*

**ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ВА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ЮРИСТЛАР
ТАЙЁРЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳаётида амалга оширилаётган залворли ислоҳотлар ҳуқуқшунослик фанининг жадал ривожланиши, юридик соҳадаги илмий тадқиқотлар ва таълим тизимининг янада фаоллашувига салмоқли таъсир кўрсатмоқда. Табиийки, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни, хусусан давлат қурилишини эркинлаштириш, ҳуқуқий ва суд тизимларини либераллаштириш, мавжуд қонунчиликни янгилаб бориш эҳтиёжлари ҳуқуқшунослик фани олдида долзарб вазифаларни қўймоқда. Ўз навбатида, юридик фан ушбу муаммоларнинг илмий ечимларини топиш йўлида изчил изланиб, айна вақтда, ўз ички салоҳиятини бойитиб, муттасил ривожланиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари И. А. Каримов таъкидлаган қуйидаги фикрлар ҳуқуқшунослик илмига бевосита тааллуқлидир: «Илм-фан соҳасидаги ҳаракатларимиз ҳам, илмий ишларимиз ва ютуқларимиз ҳам дунёдаги энг илғор мезонлар билан ўлчаниши лозим. Олимларимизнинг эртанги ҳаётга татбиқ этиладиган фикр-таклифлари жаҳоннинг илғор тажрибаларини ўзида мужассам этган тавсиялари бўлмоғи керак. Илму фан тараққиёти биз учун энг устувор соҳалардан биридир»¹.

Ҳуқуқшунослик фани — давлат ва ҳуқуқнинг барча жиҳатларини ўрганиш асосида ҳосил қилинадиган билимлар тизимидир. Лекин муфассалроқ тавсифланса, ҳуқуқшунослик — ўта мураккаб ижтимоий ҳодисалар бўлмиш давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, ривожланиш истиқболи, моҳияти, вазифаси ва функцияларининг намоён бўлиш қонуниятлари, ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни муҳофаза этиш жараёнлари, қонунларни яратиш, низоларни ҳуқуқий ҳал этиш тизими ҳамда тартиб-таомилларини ўрганувчи, ҳуқуқий тафаккур ва дунёқарашни шакллантирувчи фандир. Замонавий ҳуқуқшуносликнинг таҳлил доирасига, шунингдек давлат ҳокимиятини оқилона ташкил этиш, демократияни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, ҳуқуқий тизимни либераллаштириш, қонунчилик ва юридик амалиётни такомиллаштириш, ҳуқуқий маданият ва тарбияни юксалтириш каби муаммоларни тадқиқ этиш киради.

Юридик билимларга интилиш, ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш давр талабига айланди. Давлатчилигимиз ва ҳуқуқий тизимимизда жўшқин ислоҳотлар амалга ошаётган, жамиятимиз демократик тарзда янгиланаётган паллада рўй бераётган барча воқеа ва жараёнларни ҳуқуқий мушоҳада этиш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжини аниқлаш ва уларни юридик тилда ифодалаш ўзбек ҳуқуқшунослиги фанининг муҳим вазифасидир.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедрасининг бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.

¹ Каримов И. А. Фан равнақисиз буюк давлат куриб бўлмайди // Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. — Т., 1996. — 88-бет.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг: «Илмга, ижодга, кашф этишга интилиш — бу олижаноб интилишдир. ...Мамлакатнинг иқтисодий қудратини, унинг эртанги кунини, боринги, тақдирини ҳам пировард натижада ақл-заковат, маънавият ҳал қилади. Зеро, илмга интилиш йўқолса, фан тараққий этмайди, илму фан ривожланмаса — жамиятнинг келажагини тасаввур этиб бўлмайди»¹, — деган фикри ниҳоятда ибратлидир.

Ҳуқуқшунослик фанининг бугунги *асосий вазифаси*, аввало, Ўзбекистонда қарор топаётган янги демократик давлатчиликнинг моҳиятини, унинг келгусида ҳуқуқий давлатга айланиши қонуниятларини, мазкур мақсад йўлидаги ислоҳотлар мазмуни ва асосий йўналишларини чуқур илмий таҳлил ҳамда талқин этишдан иборат. Шу билан бирга, миллий ҳуқуқий таълимотни шакллантириш, ижтимоий муносабатларнинг қонуниятларини ва ҳуқуқий қоидаларни ўрганиш, уларга илмий баҳо беришда янги жамиятнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш ҳамда амалиёт учун мукамал асосланган назарий хулосалар, таклифлар беришдир. Бу эса юридик фан соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш ва ташкил қилишда кескин ўзгаришлар яшашни, янги шакл ва усулларни ўзлаштиришни талаб этади.

Ҳуқуқшунослик ислоҳотларни, айниқса, ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини оддий шарҳлаб, улар ортидан эргашиб борувчи фан мақомига тушиб қолмаслиги лозим. Миллий истиқлол руҳи билан йўғрилган ҳуқуқий мафкурамиз, юридик фанимиз ўзининг «йўл кўрсатувчи маёқлик», давлат-ҳуқуқий ривожланиш истиқболларини *башоратлаш (прогноз қилиш)* функциясини адо этиши муҳимдир.

Юридик амалиётнинг энг динамик қисми бўлган қонун чиқариш фаолиятини башорат қилиш (прогноزلаш) — бу қонунчиликнинг ривожланиш тенденциялари, муҳим хусусиятлари, асосий йўналишлари тўғрисида илмий ахборот тўплаш, қонуниятларни очиш ва унинг келгусида қандай қиёфага эга бўлиши мумкинлиги ҳақида маълумот яратиш жараёнидир.

Қонунчилик фаолиятининг ривожланишини прогноزلаш қуйидагиларни назарда тутати: қонунчилик ривожланишининг тенденциялари, йўналишлари, усул ва шакллари ҳақида илмий ахборот тўплаш; қонунчиликни такомиллаштириш, унга ўзгартиш ва тўлдиришлар киритиш билан боғлиқ бўлган биринчи даражали ва ўта долзарб ижтимоий муаммоларни аниқлаш ҳамда уларнинг ечимини таклиф этиш; келажакда қонун воситасида тартибга солишга эҳтиёжи туғилиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатларнинг кўламини аниқлаш; ҳуқуқий тартибга солишнинг истиқболли ҳамда илгор усул ва шакллари ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Ҳуқуқшуносликнинг ютуқлари, илмий хулоса ва тавсиялари қонун ижодкорлиги жараёнида алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу фан мутахассислари янги *қонунларнинг илмий концепциясини* яратишда, қабул қилиниши режалаштирилаётган қонунларнинг зарурлигини исботлашда, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда беқиёс ҳисса қўшиб келмоқдалар. Икки палатали парламентнинг шакллантирилиши қонун ижодкорлигининг демократик салоҳиятини ва илмий асосларини кучайтиришни кун тартибига қўйди. Ўтган давр мобайнида қонун лойиҳаларини тайёрлашда, уларни ҳуқуқий экспертиза

¹ Каримов И.А. Фан равнақисиз буюк давлат қуриб бўлмайди // Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. — Т., 1996. — 88-бет.

қилишда юридик фаннинг (илмий ва ўқув муассасаларнинг), мутахассис ҳуқуқшунос олимларнинг иштироки сезиларли даражада фаоллашди. Юрист олимларни Қонунчилик палатаси кўмиталарида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти қошида жамоатчи эксперт сифатида расмийлаштириш тенденцияси пайдо бўлди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда салмоқли илмий салоҳият шаклланди. Мустақилликнинг ўн саккиз йили мобайнида ҳуқуқшунослик соҳасида 70 нафар фан доктори, 260 нафар фан номзоди етишиб чиқди. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида 12 нафар юридик фанлар доктори ва 40 нафар юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик институтида 31 нафар фан доктори ва 102 нафар фан номзоди, Ўзбекистон Миллий университетининг юридик факультетида 6 нафар фан доктори ва 30 нафар фан номзоди илмий-педагогик фаолият олиб бормоқда. Умуман республикада 1 нафар ҳуқуқшунос академик, 90 нафарга яқин фан доктори (44 нафар профессор), 300 дан зиёд фан номзодлари (аксарияти доцентлар)дан иборат илмий салоҳият мавжуд. Улар ҳуқуқшуносликнинг энг долзарб мавзулари устида илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Ҳуқуқшунослик фани мустақиллик йилларида мамлакатимизда адолатли ҳуқуқий тизим яратиш ва уни жаҳон андозаларига мослаштириш борасида қуйидаги катта ютуқларга эришди:

— Ўзбекистонда яшовчи барча халқларнинг иродаси, ҳуқуқ ва манфаатларини ўзида мужассамлаштирган Асосий қонун — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси яратилди;

— давлатимизнинг мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамловчи ва халқларнинг тинч-тотув яшашини таъминловчи ҳамда уларнинг фаровон келажагини кафолатловчи қонунлар (кодекслар) ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи вужудга келтирилди ва такомиллаштирилди;

— инсон ҳуқуқларини қатъий ҳимоя қилишнинг изчил, жаҳон андозаларига мос келувчи механизмларини яратиш борасида муайян ижобий қадамлар қўйилди, бир қатор тегишли институционал тузилмалар вужудга келтирилди;

— аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида сезиларли даражадаги илмий-амалий ва илмий-назарий ишлар амалга оширилди;

— юқори малакали ҳуқуқшунослар тайёрловчи олий ўқув юртлари, илмий муассасалар, факультетлар, махсус мактаблар (лицейлар) очилди ва уларда ҳуқуқшунослик илмининг долзарб муаммоларини ҳал қилиш борасидаги фундаментал илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва таълим бериш йўлга қўйилди;

— ҳуқуқшунослик фанларидан таълим ва тарбия бериш соҳасида давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва улар асосида янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари, кўргазмали ўқув қуроллари тайёрланди, қонун ва кодексларга илмий-амалий шарҳлар ёзилди ва ҳ.к.

Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида ўтказилаётган ислохотларнинг ҳозирги талаблари ҳуқуқшунослик фанлари ривожидида бир қатор *камчилик* ва *муаммолар* мавжудлигини

ҳам кўрсатмоқда. Улар объектив ва субъектив хусусиятларга эга бўлиб, қуйидагилардан иборат:

а) ҳуқуқшунослик фани соҳаларининг жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий ҳаётида юз бераётган демократик ўзгаришлардан орқада қолаётганлиги; ҳуқуқий ривожланиш истиқболларини белгилашда башорат (прогноз)лашнинг суствлиги;

б) мустақилликнинг ўн саккиз йили давомида мукамал бўлган миллий ҳуқуқий таълим тизими, уни амалга оширувчи ва ривожлантирувчи ҳуқуқшунослик фанларининг фундаментал илмий мактаблари ҳали яратилмаганлиги;

в) аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида назария ва амалиёт ўртасида ҳанузгача муайян узилишнинг мавжудлиги;

г) жиноятчиликнинг пайдо бўлаётган янги турларини тезликда илғаб олиш ва уларга қарши самарали курашишнинг ҳуқуқий чора-тадбирларини ишлаб чиқишда тезкорлик, изчиллик, олдиндан кўра билиш, илмий режалаштириш ва башоратлашнинг етарли эмаслиги;

д) мамлакат миқёсида ҳуқуқшунослик фанлари ривожини мувофиқлаштирувчи ягона илмий марказнинг шаклланмаганлиги, илмий тадқиқотлар мавзуларида такрорлашлар, майда масалаларга «куч сарфлаб», асосий муаммоларнинг четда қолаётганлиги;

е) ҳуқуқнинг янги устувор йўналишлари бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга изчиллик билан жорий қилишнинг суствлиги;

ё) ҳуқуқшунослик фанларининг долзарб муаммоларига доир очиқ ва кенг баҳс-мунозаралар олиб боришнинг етарли савияда ташкил этилмаганлиги. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳуқуқшунослик соҳасида тайёрланаётган аксарият диссертацияларнинг илмий савияси талаб даражасида эмас. Уларда таҳлил кам, танқидий мулоҳазалар деярли учрамайди. «Очигини айтганда, — дейди И. А. Каримов, — илм-фан соҳасида танқид жуда ҳам хуш кўрилавермайди. Диссертацияларни ҳимоя қилишда ёқловчининг бошини силаш, камчилигини деярли айтмаслик ҳоллари кучли. Ҳолбуки, танқид — тараққиёт омилларидан биридир. Бунга барҳам бериш керак. Фанда ҳақиқий фикр муҳити ҳукм сурсин, фидойи, заковатли одамлар ишласин. Илму фаннинг чинакам равнақига эришиш учун ташқи дунёга эшикни кенг очиш керак. Жаҳон фани ютуқларидан вақтида ва тўла хабардор бўлиш тенгсиз аҳамиятга эгадир»¹;

ж) ҳуқуқшунослик фанларининг бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан интеграциялашув жараёнларига лозим даражада эътибор қаратилмаётганлиги;

з) юридик таълим жараёнини ҳуқуқшунослик илмининг сўнгги ютуқларига асосла-ниб, давлат таълим стандартларига мувофиқ ёзилган ихтисослашган адабиётлар билан таъминлашда жиддий оқсашнинг мавжудлиги;

и) илмий тадқиқотчилар меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатланти-ришнинг самарали тизими яратилмаганлиги ва бошқалар.

¹ Каримов И.А. Фан равнақисиз буюк давлат куриб бўлмайди//Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. —Т., 1996. — 89-бет.

Демократик тараққиёт манфаатлари ҳуқуқшунослик фани олдига бир қатор долзарб вазифаларни қўймоқда. Улар қуйидагилардан иборат:

— демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг қонунчилик базасини вужудга келтириш ва такомиллаштириш борасида фундаментал тадқиқотлар олиб бориш;

— жамиятда инсоннинг эркин меҳнат ва ижод қилишини таъминлайдиган, унинг маҳсулини ўзи мустақил тасарруф этишини кафолатлайдиган муҳитни шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;

— инсон, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи жиноятчилик, айниқса, унинг энг хавфли қўринишлари бўлган уюшган жиноятчилик, коррупция, терроризм, диний ақидапарастлик ва экстремизмга қарши курашнинг самарали усуларини ишлаб чиқиш;

— инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлайдиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун юқори малакали, эркин тафаккурга ва юқори даражадаги ҳуқуқий маданиятга эга ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашнинг илмий заминини мустаҳкамлаш;

— юридик фанларда ҳозиргача мавжуд собиқ мустабид тузум мафкураси акс этган сохта таълимотлардан «покланиш» ва улар ўрнига миллий мафкурага асосланган ҳуқуқий назарияларни яратиш.

Ушбу масъулиятли, долзарб масалаларни ҳал этиш келгусида давлат ва жамият қурилиши соҳасида олиб бориладиган барча ишларни ҳуқуқшунослик илмининг фундаментал тадқиқотлари натижасида олинадиган назарий ва амалий ишланмалар заминида ташкил этишни, айни вақтда, ҳуқуқшунослик фанини пухта ўйланган *истиқболли дастурлар* асосида ҳар томонлама ривожлантиришни тақозо этади.

Ўзбек ҳуқуқшунослиги назариясининг замонавий қиёфасини тавсиф ва таъриф этишда унинг тадқиқот мавзуларига кирувчи масалаларнинг кўлами ва йўналишларини эътироф қилиш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, давлатимиз Конституциясининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, маърифий ва юридик салоҳиятига таянган ҳолда, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий жиҳатларини назарий талқин этишга оид фундаментал тадқиқотларни давом эттириш;

иккинчидан, ҳуқуқшуносликнинг методологик масалаларини чуқур тадқиқ ва таҳлил этиш. Шунингдек, ҳуқуқ фалсафаси ва ҳуқуқ социологияси соҳаларидаги илмий изланишларни фаоллаштириш;

учинчидан, давлат қурилиши соҳасини эркинлаштириш, сиёсий ва ҳуқуқий тизимларни демократлаштириш, шу жумладан судлов тизимини либераллаштиришнинг илмий асосланган оқилона шакл, усул ва йўллари излаш, тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш;

тўртинчидан, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, одил судловнинг демократик асосларини ривожлантириш, суднинг юксак нуфузини қарор топтиришга оид илмий изланишларни авж олдириш;

бешинчидан, фуқаролик жамиятига мос ҳуқуқий қадриятлар тизимини шакллантириш, ҳуқуқнинг (қонуннинг) юксак нуфузли ижтимоий қадрият эканлигини илмий жиҳатдан исботлаш;

олтинчидан, мамлакатда давлат ҳокимиятининг амал қилиш механизми ва тамойилларини ўрганиш, сиёсий ҳокимиятнинг моҳиятини очиш, сиёсий ва ҳуқуқий плюрализм, шунингдек кўп партияли тизим мустаҳкамланишининг ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этиш.

Жамиятимизда рўй бераётган туб ислоҳий ўзгаришлар туфайли ҳуқуқшунослик фанимиз олдида янги марралар очилмоқда. Илмий муаммоларнинг ҳал этилиши эса, ўз навбатида, ижтимоий ҳаёт соҳасида жўшқин ривожланиш имкониятлари кенгайишига олиб келади. Юридик амалиёт билан ҳуқуқшунослик фанининг узвий алоқадорлигини таъминлаш ҳам ўта долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тонгидаёқ демократик Конституция концепциясининг ишлаб чиқилиши ва Асосий қонуннинг қабул қилиниши, сўнги йиллардаги *конституциявий ислоҳотлар* ҳуқуқшунослик фанининг ривожланишига «илҳомбахш сарчашма» бўлиб хизмат қилмоқда. Юридик фан томонидан давлат-ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг конституциявий асосларини, умуман демократик конституциявий тузум воқелигини тадқиқ этиш равон йўлга қўйилди. Шунингдек, Конституциянинг амал қилиш механизми, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, сайлов тизимини такомиллаштириш, давлат идоралари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, сиёсий ва ҳуқуқий плюрализм кабилар илмий таҳлил предметида айланди.

Давлат бошқаруви соҳасида эркинлаштиришга оид ислоҳотларни илмий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш борасидаги тадқиқотлар давр эҳтиёжларидан орқада қолмоқда. Бу борада бошқарув (республика ва маҳаллий) идораларининг функциялари ҳамда ваколатларини оқилона меъёрлаш, уларнинг функцияларини қайта тақсимлаш, уларни марказдан маҳаллий бўғинларга ўтказиш муаммоларини илмий тадқиқ этиш ўз навбатини кутмоқда. Тобора кенгайиб бораётган маъмурий ислоҳотлар давлат бошқарувини мақбуллаштириш, давлат аппаратини ихчам ва камҳаражат қилиш, давлат хизмати, маъмурий судлов тизими ва маъмурий-процессуал қонунчиликни шакллантириш ҳамда такомиллаштириш муаммоларини долзарб мавзулар қаторига қўшмоқда. Ушбу ва бошқа муҳим муаммоларни маъмурий ҳуқуқ фани ўз тадқиқотлари қамровига олиши лозим.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида меҳнат муносабатларининг табиати ва хусусиятлари тубдан ўзгариб бормоқда. Меҳнатни ташкил этиш, унга ҳақ тўлаш, меҳнатнинг самарадор омилларини аниқлаш, меҳнат муносабатларининг шартномавий табиатини орттириш, меҳнатни рағбатлантириш чора-тадбирларини белгилаш илмий изланишлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Хусусий мулкчилик муносабатлари қарор топаётган шароитда фуқаровий-ҳуқуқий, молиявий-ҳуқуқий, хўжалик-ҳуқуқий, тадбиркорлик-ҳуқуқий муаммолари алоҳида долзарблик касб этиб, ушбу мавзулар ҳам ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Юқорида зикр этилган тадқиқот мавзулари билан муштарак тарзда илмий изланишнинг қуйидаги устувор йўналишлари ҳамда долзарб вазифаларини қайд этиш мумкин:

биринчидан, ҳуқуқшуносликнинг методологик, гносеологик, социологик, аксеологик жиҳатларига бағишланган фундаментал тадқиқотларни қатъий ва мунтазам йўлга қўйиш ўта муҳимдир. Шунингдек, «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи хрестоматияси»ни ҳамда шу йўналишда янги дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш даври келди деб ўйлаймиз, чунки ўн саккиз йилдан зиёд тараққиётимиз даврида давлат-ҳуқуқий соҳада мисли кўрилмаган янгиликлар, демократик ўзгаришлар юз берди;

иккинчидан, Ўзбекистонда демократик давлатчилик назариясининг ҳуқуқий асосларини яратиш, умуман давлатчилигимизнинг ҳозирги замон тарихини яратиш муаммолари ҳам долзарбдир;

учинчидан, Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатни яратиш жараёнини, унинг асосий тамойиллари ва белгиларини, конституциявий моделини илмий асослаш ҳам ўта муҳим. Шунингдек, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий жиҳатларини илмий тадқиқ этишни чуқурлаштириш лозим;

тўртинчидан, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида давлат бош ислоҳоти сифатида майдонга чиққанлиги боис, унинг роли ҳамда ижтимоий функциясини очиб бериш лозим. Давлат фаолиятини марказдан олиб, жойларга бериш нуқтаи назаридан давлат идораларининг функция ва ваколатларини қайта тақсимлашга доир илмий изла-нишларни жадаллаштириш зарур;

бешинчидан, қонунийлик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси ва тамойилидир. Ушбу масаланинг назарий ва амалий жиҳатларини, уни таъминлаш механизмларини, аниқ шакл, усул ва воситаларини таҳлил этиш муҳим илмий қадр-қимматга эга. Ҳуқуқий тизимимизда рўй бераётган либераллаштириш жараёнларини, унинг қонуният ва тенденцияларини илмий таҳлил этиш, шунингдек ҳуқуқ ва қонунчиликнинг барча соҳаларини янада эркинлаштириш, инсонпарварлаштириш соҳасида фойдаланилмаган салоҳият ва янги имкониятларни излаб топиш борасида тадқиқотлар олиб бориш лозим;

олтинчидан, Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг шаклланиши, янги шароитдаги қонун ижодкорлиги муаммоларини тадқиқ этиш алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, қонун чиқариш жараёнининг илмий заминини мустаҳкамлаш зарур. Шу мақсадда қонунчилик социологиясидек илмий йўналишни қарор топтириш, қонунчилик техникаси масалаларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ;

еттинчидан, давлат ва ҳуқуқ зоҳир бўлишининг фалсафий муаммоларига ҳам жиддий эътибор қаратиш зарур. Ҳуқуқшунослик билан фалсафа фанларининг узвийлиги замирида ҳуқуқ фалсафаси, ҳуқуқ социологияси каби янги йўналишларни фаол шакллантириш ўта муҳимдир. Ҳозирги вазифалар ҳуқуқ фалсафаси ва ҳуқуқ социологиясининг предмети, услубиёти, тизими, шунингдек унинг фан сифатида объектини ташкил этувчи муаммоларни ўрганишдан иборат. Энг муҳими, давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларини фалсафий ҳамда социологик категориялар ва қонуниятлар нуқтаи назаридан талқин этиш ҳуқуқшунослик фанининг ривожига янги марраларни очиши табиий.

Демак, олимларимиз олдидаги асосий вазифа ҳуқуқшунослик фани ижтимоий нуфузининг юксак бўлишига, унинг жамият тараққиёти ва мамлакатимиз равнақига самарали хизмат қилишига эришишдан иборат. «Илм масканларида фақатгина фикр эркинлиги, чинакам ижод ва изланиш ҳукмрон бўлмоғи зарур»¹. Ҳуқуқшунослик фани

¹ Каримов И.А. Фан равнақисиз буюк давлат куриб бўлмаиди // Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т., 1996. – 91-бет.

ижтимоий ҳаёт қонуниятларини аниқ англашга асосланган ва истиқболга йўналтирилган хулоса ҳамда тавсияларни шакллантириб бера олсагина ўзининг юксак ижтимоий вазифасини адо этган ҳисобланади.

Республика таълим тизимида кечаётган кенг кўламли ислоҳотлар юридик таълим соҳасини ҳам тўла қамраб олган. Юридик соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш масаласи сўнгги йилларда алоҳида долзарблик касб этаётганлиги қувонарли ҳолдир. Зеро, демократик тарзда янгиланаётган жамият шароитидаги *устуворликлар* — инсон ҳуқуқларини қатъий таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш, фуқароларни қонунга итоат ва ҳурмат руҳида тарбиялашни ташкил этишдан иборат.

Эътиборга молик жиҳат шундаки, «Таълим тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, юридик таълим соҳасида ҳам узлуксиз ва узвий тизим вужудга келтирилди. Ўрта мактабнинг бошланғич синфлариданоқ ҳуқуқ ва бурч ҳақида дастлабки билимлар берилди. Айниқса, 2001 йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинган, бошланғич таълим босқичи учун «Конституция оламига саёҳат», «Конституция алифбоси», ўрта маълумот босқичи учун «Конституция сабоқлари», «Давлат ва ҳуқуқ асослари», академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун «Ҳуқуқшунослик», «Конституциявий ҳуқуқ» каби фанлардан дарслар жорий этилди. Мазкур таълим босқичларида инсон ҳуқуқларига оид билим асослари, қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ стандартларини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча вилоятларда ҳуқуқ йўналишига ихтисослаштирилган лицейлар, коллежлар самарали фаолият кўрсатиб, уларда ўрта малакали юрист мутахассислар тайёрланиши йўлга қўйилган.

Ҳозирги кунда юридик олий таълим тизимида 10 мингдан зиёд талабалар таҳсил олмоқда. Ҳар йили Тошкент давлат юридик институти ва университетларнинг юридик факультетларига 5380100 — «юриспруденция» йўналишида бакалавриатга 2400 нафардан зиёд талаба қабул қилинади, шулардан 2300 нафарга яқини ўқишни битириб, малакали юрист дипломини олади. Шунингдек, ҳар йили магистратурага 140 нафарга яқин тингловчи қабул қилинади. Бугун мамлакатда 900 нафардан зиёд магистр даражасига эга ҳуқуқшунос мутахассислар фаолият кўрсатмоқдалар.

Ҳуқуқшунослик соҳасида илмий-педагог кадрлар тайёрлашда аспирантура ва докторантурадан унумли фойдаланилмоқда. Ҳозирги вақтда юридик таълимнинг ушбу босқичларида 60 нафардан ортиқ аспирант (адъюнкт) ва 30 нафардан зиёд докторант таҳсил олиб, долзарб мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Олий юридик таълим муассасаларида 800 нафарга яқин профессор-ўқитувчилар ёшларга ҳуқуқшунослик илмидан сабоқ бермоқда. Улардан 620 нафарга яқини доимий асосда меҳнат қиладилар. Улар орасида 1 нафар академик, 70 нафар юридик фанлар доктори, 260 нафардан ортиқ фан номзодлари дарс беради. Ушбу илмий салоҳият соҳиблари томонидан мустақиллик йилларида умумқасбий ва махсус юридик фанлар бўйича 165 та дарслик ва 230 дан зиёд ўқув қўлланмалари тайёрланиб, нашр этилган. Юридик таълим муассасаларининг моддий-техник базаси, шу жумладан ўқитишнинг

техникавий воситалари ва компьютерлар билан таъминланганлик даражаси йил сайин ошиб бормоқда.

Табиийки, юридик таълим тизимига ҳозирги талаблар нуқтаи назаридан баҳо берганда, унда муайян камчилик ва муаммолар мавжуд. Сўнги йилларда мамлакатда юридик таълимнинг аҳволини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мутахассислар «Мамлакатда юридик таълимни такомиллаштириш концепцияси», «Юридик таълимни янада ривожлантириш чора-тадбирлари комплекс дастури» ҳамда «Юрист кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг сифати ва самарасини янада юксалтириш чоралари ҳақида» ҳужжат лойиҳаларини тайёрлаб, тегишли идораларга тақдим этдилар. Давлатимиз раҳбарининг юридик таълимни ривожлантиришга жиддий эътибор берилаётгани таҳсинга сазовор. Таклиф этилаётган ҳуқуқий ва ташкилий чораларнинг амалга оширилиши замонавий ўзбек ҳуқуқшунослиги мактабини шакллантиришда, шунингдек юридик таълим тизимининг юксак марраларга кўтарилишида ва изчил равнақ топишида муҳим тарихий босқич бўлиши шубҳасиз.

Аввало, юридик таълим тизимида мавжуд камчилик ва муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, ечимини топиш борасида чуқур таҳлил юритиш лозим. Бу борадаги баъзи мулоҳазалар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, сўнги йилларда олий ўқув юртларида юриспруденциянинг назарий, методологик асосларини чуқур ўргатишга эътибор сусайганлиги кузатилмоқда. Давлат ва ҳуқуқ назарияси, ҳуқуқ социологияси, ҳуқуқ фалсафаси ва юридик мантиқ каби фанларни ўқитиш савияси талаб даражасида эмас. Жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий тизимида, конституциявий ва давлат тузуми соҳасида рўй бераётган ислоҳотлар, демократик янгиланишлар жараёни, қонунчиликдаги либераллаштириш тенденциялари ва ютуқлари дарс бериш мобайнида чуқур таҳлил этилмаётир;

иккинчидан, суд тизими ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, жиноий жазо сиёсатини либераллаштириш жараёнларининг мазмун-моҳияти жонли, ҳаётий далил-исботлар асосида талабалар онгига сингдирилишига тўла эришилмаяпти. Мустақил суд ҳокимиятининг шаклланиши, айбсизлик презумпцияси принципининг ҳаётимизга жорий этилиши, фуқароларнинг суд ҳимоясидан баҳраманд бўлиши, суд процессида ярашув институти қандай самара бераётганлиги, санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш каби жиддий масалаларнинг талқини дарсликларда ҳали ўз ўрнини етарлича топгани йўқ;

учинчидан, юқори малакали юрист кадрларни тайёрлаш жараёни юксак савияда, замонавий талаблар ва янги ҳуқуқий доктрина асосида ёзилган дастурлар ва дарсликларга таянган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги сир эмас. Афсуски, мустақил давлатчилик, миллий ғоя, демократик Конституциямиз руҳида ёзилган, назарий ва методологик жиҳатдан пухта дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳали ниҳоятда оз, борлари ҳам давлат таълим стандартлари талабларига тўла-тўқис жавоб бермайди. Янги методика ва интерфаол усуллар асосида яратилган дарслик ва ўқув қўлланмаларига бугун эҳтиёж катта;

тўртинчидан, ўқув жараёнида замонавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиш, компьютер графикаси ва мультимедиа асосида маъруза ҳамда мунозара машғулотларини ўтказиш ҳали педагогик фаолиятимизнинг узвий қисмига тўла айланмаётир. Ҳанузгача

эскича монолог тарзидаги маъруза ўқиш усулларида воз кечилмаяпти. Талабалар билан фаол мулоқот (диалог) тарзида дарс ўтиш усуллари ўзлаштири олмаёпмиз. Булар эса ўқитишнинг сифати ва самарадорлигига жиддий путур етказмоқда;

бешинчидан, олий маълумот беришда бакалаврият ва магистратура босқичларининг жорий этилганлиги дунё тажрибасининг бизда қўлланилаётган ижобий намунаси. Аммо, бу борадаги асосий камчилик бакалаврият ва магистратурада ўқитиладиган ҳуқуқий фанларнинг илмий асосланган ҳолда ажратилмаганлигидир. Бундан эса навбатдаги мантиқий камчилик ва муаммо, яъни бакалаврият ва магистратура учун давлат таълим стандартларининг аниқланмаганлиги ҳамда шунга мос ўқув дастурлари, алоҳида дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг яратилмаганлиги келиб чиқади. Ҳозирги кунда таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, магистратурада ўтиладиган дарсларнинг 85 % бакалавриятдагиларини такрорлайди. Боз устига, ҳар икки босқичда ҳам айтилган бир ўқитувчилар дарс олиб борадилар. Бизнингча, магистратурада дарс ўтадиган профессор-ўқитувчилар алоҳида талаблар асосида танлаб олиниши лозим;

олтинчидан, олий ўқув юртларида берилаётган билимларни баҳолашнинг рейтинг тизими ҳам талабаларда етарли рағбат ҳосил қилмаяпти. Айтилса, тест усулида баҳолаш таҳсил олувчиларнинг назарий мушоҳада қилиш, эркин фикрлаш қобилиятларини муайян даражада сўндириб, бир ёқлама ёд олишни авж олдиримоқда. Талабалар билимини баҳолашга ҳам дифференциал тарзда ёндашиб, бир ўқув предметини ўзлаштириш жараёнида ҳам тест, ҳам ёзма иш, ҳам оғзаки суҳбатни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўларди. Шунда билим савиясини ҳар томонлама аниқлаш имконияти пайдо бўлади.

Юрист кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакаси доимо талаб даражасида бўлишини таъминлаш фундаментал заминга ва тизимли кўринишга эга бўлиши лозим. Бунда юридик таълимнинг ҳар бир босқичи ва йўналиши пухта ўйлаб ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларига (ДТТ — малака ошириш тизими учун) асосланган ҳолда амалга оширилиши зарур. Таълим тизими самарадорлигини ошириб боришнинг энг муҳим талаби ҳуқуқшунослик илми (назарий билимлар мажмуи) билан юридик амалиёт ўртасида чамбарчас алоқадорликни таъминлашдан иборатдир.

Мамлакатда юрист кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг самараси ва нуфузини таъминлаш мақсадида қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш ўринли бўлар эди:

1) ҳуқуқшунослик фанларидан ўқув дастурларини тайёрлашга тажрибали, илмий салоҳияти юқори мутахассисларни жалб этиш. Тайёрланган дастурларнинг ДТС ва ДТТга мослиги, илмийлиги, методика талабларига жавоб бериши, амалиёт билан боғланганлиги, сифатли *ички тақриз* ва *ташқи экспертизадан* ўтказилишини қатъий йўлга қўйиш лозим;

2) ҳуқуқшунослик соҳалари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратишга турли юридик олий ўқув юртларининг юқори малакали, илмий салоҳияти теран педагог олимлари ҳамда амалиётчи мутахассислардан иборат *ижодий жамоаларни* жалб этиш ва *танлов асосида* дарсликлар ёзилишини йўлга қўйиш лозим. Ҳуқуқшуносликнинг магистратура босқичи, шунингдек малака ошириш тизими учун юксак савияли дарсликлар тайёрлаб, нашр этишни устувор вазифа қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, *интерфаол* услубдаги дарсликлар яратишга эътибор қаратиш зарур;

3) *таълим жараёнининг амалиёт билан алоқадорлигини* таъминлашнинг танишув, иш ўрганиш, диплом иши ва магистерлик диссертациясини ёзиш амалиётлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида жамоатчи ёрдамчи бўлиб ишлаш, юридик клиникаларга жалб этиш каби турли шаклларида фойдаланиш зарур. Олий ўқув юртларида маърузалар ўқишга Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа юридик муассасаларнинг раҳбар ҳамда етакчи ходимларини фаол жалб этиш нафақат таълимни амалиёт билан боғлашга, балки талабаларнинг ўз касбига қизиқишини юксалтиришга хизмат қилган бўлар эди;

4) судья, прокурор, терговчи, адвокат ва бошқа ходимларнинг малакасини оширишда *ихтисослаштиришни* чуқурлаштириш, уларга ўқитиладиган фанлар туркумини илмий асосланган ҳолда аниқлаш лозим. Малака оширишга жалб этганда, ушбу тоифадаги ходимларнинг тажрибаси, ёши, иш стажи кабиларни инобатга олиш тўғри бўларди;

5) юридик мавзуларда маъруза ва бошқа турдаги машғулотларни ўтишда илғор *замонавий педагогик технологияларни* жорий этиш, *интерфаол усуллардан*, давра суҳбатлари, «ақллар ҳужуми», «ролли ўйинлар» каби шакллардан унумли ва кенг фойдаланиш таълим сифатини оширишда самарали омил бўлиши мумкин;

6) *ҳуқуқшунос педагог кадрлар меҳнатини*, шу жумладан илмий тадқиқот фаолиятига киришаётган *иқтидорли ёшларни рағбатлантириши* механизмларини такомиллаштириш устида жиддий ўйлаш лозим. Ёш ўқитувчиларнинг ҳам илм билан шуғулланиши, ҳам амалий тажриба ошириши учун қулай шарт-шароитлар яратиш зарур. Хусусан, уларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва бошқа давлат муассасаларига *эксперт сифатида бириктириши*, *Омбудсманнинг жамоатчилик асосидаги вакили* этиб тайинлаш фойдали бўлар эди;

7) мамлакатимиз ҳуқуқшунос педагог кадрларининг *хорижий давлатлардаги тегишли муассасалар ва ўқув юртлари билан фаол ҳамкорлигини*, *мақсадли хизмат сафарларини йўлга қўйиши* лозим. Тадқиқотчи мутахассисларимиз хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқий тизими, қонунчилиги ва юридик амалиётини яқиндан ўрганиб, қиёсий ҳуқуқшунослик усуллари орқали Ватанимиз фани ва таълим тизимини янги марраларга кўтаришга муносиб ҳисса қўшишлари мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, юқори малакали юрист кадрлар тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш давр талабидир. Ҳуқуқий давлат асосларини барпо этишда етук ҳуқуқшунос мутахассислар зиммасига масъулиятли вазифа юкланиши табиий. Шубҳасиз, бугун ана шу хайрли ишларга ишончли пойдевор яратилмоқда.

*И. Т. Тутьеев**

СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ ТЕОРИИ КОНСТИТУЦИОНАЛИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Последние годы правового развития Узбекистана характеризуются активным реформированием отечественной правовой системы. Вряд ли можно найти отрасль права, которой не коснулась бы определенная трансформация и модернизация. Существенные изменения произошли и в конституционном праве. В Конституцию Республики Узбекистан внесен ряд существенных изменений и дополнений, приняты принципиально новые конституционные законы, в действующие законы внесены определенные поправки. Данный факт требует серьезного переосмысления многих ключевых проблем конституционного права, служит стимулом для выработки новых подходов к проблемам правоведения. Модернизация правовой системы (и особенно ее костяка — Конституции) раздвигает горизонты науки конституционного права, создает условия для ее интенсивного развития.

Основными тенденциями развития конституционного права в современных условиях являются: целенаправленное переустройство базовых конституционно-правовых отношений; общая демократизация конституционного законодательства; ориентация конституционного законодательства на общечеловеческие ценности; закрепление в нем черт социального правового государства; формирование правовых основ гражданского общества; институционализация многопартийности. В конституционном праве устоялись такие понятия, как парламентаризм, конституционность, конституционный строй и др. Получили свое развитие такие институты, как избирательное право, парламентское право, конституционный контроль. В этом контексте теория конституционного права способна упорядочить имеющиеся теоретические наработки и дать новый импульс данной отрасли правоведения. Вместе с тем, вопросы теории конституционного права нуждаются в дальнейшем исследовании, а отдельные категории — в уточнении. Так, в отечественном правоведении практически не разработана категория «конституционализм», хотя в большинстве учебников, монографий и научных статей встречаются отсылки к данному термину, рассматриваются те или иные аспекты этого феномена. Следовательно, в обстоятельном научном анализе рассматриваемой категории заложены большие потенциальные возможности. Анализ сущности и содержания конституционализма открывает принципиально новые предпосылки в понимании путей эволюции и потенциальных возможностей конституционно-правового развития Республики Узбекистан.

Магистральный путь общественного прогресса проявляется в динамике конституционализма как явления, имеющего исторически прогрессивную ценность. Еще в XVIII веке возникает и институализируется концепция конституционализма, который

* Начальник кафедры конституционного права Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат юридических наук, доцент.

понимался как правление, ограниченное конституцией. Концепция конституционализма, выведенная из идей естественного права, явилась антитезой тирании, закрепила положение о том, что конституция не только ограничивает пределы государственной власти, но и устанавливает процедуры осуществления властных функций. Иными словами, устанавливалась юридическая граница между сферой приложения верховной государственной власти и правами гражданина.

Термин «конституционализм» происходит от термина «конституция», однако не равнозначен ему и имеет множество интерпретационных значений в юридической науке. Несмотря на различные взгляды относительно вопроса возникновения конституционализма, преобладающим следует признать подход, согласно которому термин «конституционализм» появился впервые в американских политико-правовых учениях в конце XVIII — начале XIX века. Сегодня же политико-правовая система конституционализма, являясь важной институциональной и процедурной гарантией становления и функционирования институтов гражданского общества, выступает как условие построения правового государства.

В современной юридической литературе используются различные подходы к определению конституционализма. Первый рассматривает конституционализм как государственное правление, ограниченное конституцией; второй видит в конституционализме учение о конституции как основном законе государства и общества и их взаимоотношениях; третий подход утверждает, что конституционализм — это политическая система, основанная на конституционных методах правления¹. Понятие «конституционализм» сравнительно ново для нашей юридической науки. Однако несомненно следующее — конституционализм есть синтез конституционной доктрины и практики. Рассматривая его эволюцию, необходимо, на наш взгляд, достичь решения трех важнейших задач. Первая задача — формирование понятия современного конституционализма на основе интегративного сочетания философских, правовых, политических идей и постулатов, отражающих динамику отечественного конституционного развития. Вторая задача — исследование конкретных параметров развития конституционных идей и принципов, установление степени достижения поставленных целей и задач теории конституционализма. Третья задача — выявление проблем формирования юридической основы конституционализма и практики реализации конституционных норм, выработка рекомендаций по их разрешению.

Понятие «конституционализм» означает, прежде всего, особую правовую идеологию, направленную на предотвращение деспотизма и гарантирующую индивидуальные свободы. Как политико-правовой феномен конституционализм проявляется в трех основных принципах: выборное представительство, господство права и разделение властей. Поэтому конституционализм может быть охарактеризован и как определенная практика, соответствующая указанным принципам, поскольку условия, в которых действует конституция, неизбежно оказывают влияние на ее легитимность.

Постановка вопроса о развитии конституционализма закономерна с позиций модернизационного процесса, в котором находятся государственная и общественная системы Узбекистана. Модернизация обостряет проблему эффективности конституционных

¹ См.: *Richards David A. J. Comparative Revolutionary Constitutionalism: A Research Agenda for Comparative Law // N.Y.U. Journal of International Law and Politics. — 1993. — Vol. 26. — P. 1—4.*

норм и институтов и активизирует дискуссию о дальнейшем совершенствовании конституционного законодательства, а также рецепции зарубежного конституционно-правового опыта с учетом нашей национальной самобытности.

В условиях формирования правового государства и открытого гражданского общества конституционализм предстает как минимальный порядок, при котором свобода каждого становится возможной в результате принятия ее в качестве основной ценности всеми другими индивидами. Конституционализм следует понимать как политико-правовую теорию, обосновывающую основные идеи, требования и ценности конституционного строя. Он выступает в виде формально установленных, зафиксированных в важнейших конституционно-правовых актах, конституционно-правовых принципов, норм и процедур. Это такое состояние общественных отношений, которое достигается в результате точного соблюдения конституционных предписаний. Центральным элементом конституционализма фактически выступает понятие «конституционный строй», отражающее конкретное устройство государства и общества, т. е. воплощение теории в реальность. Другими словами, конституционный строй есть определенное состояние общественных отношений, соответствующее конституционным принципам и нормам.

С точки зрения конституционной теории и практики Узбекистана, конституционализм рассматривается как эволюционный и закономерный этап либерализации и демократизации общественной жизни, детерминированный объективными потребностями развития общества и модернизации страны. Он представляет собой объективно необходимый процесс функционирования демократического государства на базе современного конституционного законодательства. Конституционализм есть органическое завоевание институционального оформления демократических ценностей, прав и свобод в механизме конституционно-правового регулирования. Конституционализм выступает оптимальным исходным началом формирования цивилизованного, демократического, правового государства.

Вектор дальнейшего развития конституционализма состоит в закреплении и приумножении важнейших достижений отечественной конституционной практики. Здесь нельзя не присоединиться к словам Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова: «Когда мы говорим о Конституции своей страны, самой актуальной и даже наиважнейшей задачей является полное претворение в жизнь этих основных принципов, обозначенных и зафиксированных в ней»¹.

Процесс становления и развития конституционализма в Республике Узбекистан определяется следующими основными обстоятельствами.

1. Сложность и противоречивость процесса отторжения старых стереотипов и утверждения конституционных отношений в переходный период. Особенности становления конституционализма в Республике Узбекистан, его специфика заключаются в том, что в постсоветский период он формировался в условиях неразвитости гражданского общества, демократических институтов, последствия исторической эволюции конституционной культуры преодолевались непросто.

¹ Каримов И.А. Уважение закона, соблюдение закона должны стать главным критерием нашей жизни // За безопасность и мир надо бороться. Т.10. – Т., 2002. – С. 146.

Идеи конституционализма не сразу были реализованы в общественной практике. Это потребовало определенных усилий и поддержки со стороны государства. Ведь конституционализм утверждается в обществе, где достигнут баланс интересов общества и личности, обеспечена эффективная защита прав и свобод личности. Конституционализм есть там, где наличествует плюрализм идей и мнений, признается институт права как наиболее оптимальный механизм регулирования социального взаимодействия, а демократические, гражданские начала составляют фундамент социальной культуры. Поэтому с обретением независимости Республика Узбекистан провозгласила и закрепила важнейшие начала эволюционно-демократического развития общества — примат единой конституционной законности, демократический правопорядок, соразмерность властных полномочий и правовых ограничений государственной власти.

2. Процесс формирования конституционализма носил системный характер и включал целостную совокупность последовательных действий по внедрению конституционной идеологии государства, конституционных процедур, конституционного контроля, конституционной ответственности в механизмы общественных отношений. Конституционализм в нашей стране формировался эволюционно, на планомерной основе, на базе принятой Декларации независимости, а затем — новой Конституции. Узбекский конституционализм следует рассматривать как одну из своеобразных, исторически оригинальных конституционных моделей на постсоветском пространстве.

Приведем пример несоблюдения принципа согласованности отраслевых норм права, который является одним из основополагающих принципов построения и функционирования отечественной правовой системы. Так, в уголовном праве и уголовном процессе по-разному определяется потерпевший. В уголовном законе нет определения потерпевшего, а в рамках учения о составе преступления он традиционно рассматривается как «одушевленный предмет», что абсолютно неточно. Исходя из задач Кодекса (ст. 2), в качестве потерпевшего могут выступать не только личность, т.е. физическое лицо, но и юридические лица и даже общество и государство. Так, например, при уклонении от уплаты налогов или других обязательных платежей (ст. 184) или нарушении бюджетной дисциплины (ст. 184¹) потерпевшим следует признать государство в лице государственных органов. Вряд ли можно представить в качестве потерпевшего от преступлений против мира и безопасности человечества (глава VIII Особенной части) физическое лицо или даже юридическое лицо, поскольку, несомненно, что затрагиваются интересы общества и (или) государства. Вместе с тем, если обратиться к уголовно-процессуальному законодательству, то при определении потерпевшего (а оно есть лишь в УПК (ст. 54)) им признается только физическое лицо, которому преступлением причинен моральный, физический или имущественный вред. Этот подход достаточно ярко выражен и при определении сущности такой категории, как предмет доказывания, сопоставляемый с составом преступления (ст. 82 УПК), где речь идет только о «личности потерпевшего».

Оснований для таких противопоставлений в понимании потерпевшего по уголовному праву и уголовному процессу нет, поскольку потерпевшим становятся не в силу вынесения

соответствующего процессуального документа, а потому, что в отношении него (физическое лицо, юридическое лицо, общество, государство) совершено преступление.

Второе направление — дифференциация и индивидуализация ответственности. В этом блоке следует обратить внимание на следующие аспекты.

Во-первых, необходимо привести санкции статей Особенной части УК в соответствие с категорией преступления, предусмотренного в диспозиции. Должной системы санкций в действующем УК нет, поскольку она была «сломана» в процессе многократных обсуждений на разных уровнях при подготовке проекта УК в период 1993-1994 гг., а также последующим внесением изменений и дополнений в действующее уголовное законодательство. Так, например, купля-продажа человека путем его похищения, совершенная повторно или опасным рецидивистом либо по предварительному сговору группой лиц, образует квалифицированный вид торговли людьми и подлежит квалификации только по соответствующим пунктам ч. 2 ст. 135 УК, за которые согласно санкции этой же статьи УК предусмотрено лишение свободы от пяти до восьми лет. В то же время, лишь только за похищение человека по предварительному сговору группой лиц в соответствии с ч. 2 ст. 137 УК предусмотрено лишение свободы от пяти до десяти лет. Сравнительный анализ санкций этих статей УК позволяет сделать вывод о том, что наказание за торговлю людьми посредством похищения определено без учета уровня характера и степени общественной опасности такого деяния в сравнении с уровнем опасности только похищения человека. Рассматриваемая проблема еще более ярко высвечивается в процессе анализа санкции ч. 3 ст. ст. 135 и 137 УК. И таких примеров немало, что обуславливает необходимость вернуться к научно обоснованной теории системы санкций в уголовном законодательстве, тщательному анализу корректив действующего уголовного законодательства.

Во-вторых, следует уточнить количество видов уголовных наказаний, что позволит более дифференцированно индивидуализировать ответственность. Зафиксированная в действующем уголовном законодательстве система наказаний в целом отражает основные принципы современного уголовного права, в первую очередь принципы законности, справедливости и гуманизма, а также основные тенденции противостояния преступности в наше время: усиление уголовно-правовых мер в борьбе с тяжкими и особо тяжкими (в особенности с насильственными) преступлениями и ограничение принудительных мер, связанных с лишением свободы, для менее опасных преступлений. В плане последнего с позиции применения наказаний, не связанных с лишением свободы, к лицам, совершившим менее опасные преступления, действующую систему наказаний возможно расширить за счет предусмотрения новых видов наказаний, таких как «обязательные работы» и «ограничение свободы».

Несомненно, что действующая система наказаний за 15 лет своего функционирования подтвердила в целом свою жизнеспособность. Она подвергалась изменениям: исключены из числа наказаний такие виды, как смертная казнь и конфискация имущества. Введен новый вид наказания — пожизненное лишение свободы. Из восьми видов уголовных наказаний фактически «работают» только семь. Такой вид наказания, как арест, за годы существования уголовного закона так и не реализован. И тому есть объективные и субъективные причины, поскольку еще в момент принятия УК 1994 г. следовало бы осуществить экономическое обоснование реализации данного вида наказания. В соответствии с положениями, закрепленными в главе 8 Уголовно-исполнительного кодекса, лица, осужденные к аресту, должны отбывать наказание в специализированных арестных домах по месту осуждения, однако таких арестных домов

до сих пор нет, и вряд ли они появятся в ближайшем будущем. Их надо построить, причем в каждом вилояте и крупном городе. А во сколько обойдется это налогоплательщику? Кроме того, необходимо и кадрово-ресурсное обеспечение таких учреждений. Очевидно, что следует отказаться от нереализуемого вида наказания и исключить его из системы.

В-третьих, целесообразно увеличить количество альтернативных санкций и разработать механизм их применения. В основном это касается санкций, которые безальтернативно содержат такой вид наказания, как лишение свободы.

В-четвертых, необходимо увеличить количество и расширить сферу применения уголовно-правовых поощрительных норм. Реализация уголовной политики в области либерализации уголовных наказаний, безусловно, предполагает развитие института поощрительных норм. Избрание пути либерализации уголовной политики нашим государством обусловило введение в ряд статей Особенной части УК новых специальных уголовно-правовых поощрительных норм. Так, на практике положительно оценивается введение в УК поощрительной нормы о неприменении наказания в виде лишения свободы в случаях возмещения причиненного материального ущерба (ч.ч. 4 ст.ст. 167, 168 УК), возмещения причиненного материального ущерба в трехкратном размере (ч.ч.2 ст.ст. 180, 181, 233; ч.3 ст. 132; ч.ч.4 ст.ст. 173, 198 УК) либо при условии полной уплаты налогов и других платежей (ч.4 ст. 184 УК). Существование таких правовых норм в уголовном законодательстве обусловлено стремлением законодателя восстановить правомочия собственника при одновременном стимулировании позитивного поведения субъекта права. Осуществление позитивного поведения в виде возмещения причиненного материального ущерба, как правило, свидетельствует о личностно-психологических процессах, направленных на исправление виновного, что позволяет судебным органам прийти к выводу о нецелесообразности назначения наказания в виде лишения свободы. Такой технический прием расширяет сферу уголовно-правовых отношений, в рамках которых возможно стимулирование позитивного поведения посредством предоставления возможности избежать применения наказания в виде лишения свободы.

Третье направление — декриминализация. В этом блоке следует выделить следующие аспекты.

Во-первых, на наш взгляд, необходимо исключить из числа уголовно-наказуемых преступления, условием ответственности которых является административная преюдиция, а также деяния, которые в общественном сознании не оцениваются как преступные и не порицаются значительной массой людей даже на уровне морального осуждения. Нужен комплексный системный анализ действующих уголовно-правовых норм и их сопоставление с реальным состоянием правонарушаемости по этим нормам, что позволит оптимизировать ответственность уголовную, передав под административную, а возможно и имущественную, и дисциплинарную ответственность за отдельные незначительные правонарушения.

Во-вторых, следует вывести из категории преступного поведение, предусмотренное в качестве такового в действующих нормах уголовного закона, распространенность которого невелика либо по данным судебной статистики вообще отсутствует, за исключением конвенционных норм и норм, включенных по прямому предписанию Конституции Узбекистана.

В-третьих, необходимо провести анализ норм с бланкетной диспозицией с ревизией всех актов законодательства и ведомственного законодательства, на основании которых эти нормы применяются, для целесообразного сужения круга нарушений, могущих повлечь уголовную ответственность.

В-четвертых, целесообразно сократить вновь возросшие и имеющие тенденцию к увеличению специальные нормы, предусматривающие ответственность за частные случаи, охватываемые общими нормами; минимизировать на уровне уголовного законодательства разновидности конкурирующих норм и исключить из УК коллизионные нормы.

В-пятых, на наш взгляд, следует исключить ответственность за приготовление к преступлениям, не представляющим большой общественной опасности и менее тяжким, поскольку в судебной практике случаи осуждения за приготовление к преступлению встречаются крайне редко, что вполне объяснимо отдаленностью приготовительных действий от окончанного преступного посягательства и в связи с этим отличающиеся незначительной степенью их общественной опасности. Первый шаг на этом пути сделан, поскольку в 2008 г. в ст. 58 УК было закреплено положение об обязательном сокращении сроков и размеров наказаний за приготовление и покушение на преступления, а также невозможности назначения пожизненного лишения свободы. Представляется, что вносимое предложение (в случае его восприятия) будет логически обоснованным продолжением тенденции либерализации в сфере уголовного законодательства.

Четвертое направление — криминализация. В данном блоке необходимо выделить следующие аспекты.

Во-первых, следует возвести в разряд преступных деяния, рассматриваемые в качестве таковых в международных договорах, к которым присоединился Узбекистан.

Во-вторых, нуждается в проработке вопрос об установлении уголовной ответственности юридических лиц. В теории уголовного права предложения о возможности признания юридического лица субъектом преступления стали всерьез обсуждаться с 1992 г. Положительно этот вопрос был решен в проекте нового УК 1994 г. Однако при его обсуждении данное предложение не прошло, и новый УК в этом отношении остался на прежних позициях. Хотя на данные рекомендации уже откликнулось наше административное право. Так, в соответствии с принятым в декабре 2000 г. Законом Республики Узбекистан «Об ответственности юридических лиц за правонарушения в области строительства» такая административно-правовая санкция, как штраф, может налагаться непосредственно на предприятия и организации, виновные в совершении правонарушений в области строительства.

В-третьих, целесообразно повысить и расширить ответственность государственных служащих всех ветвей власти, включая правосудие.

В-четвертых, на наш взгляд, целесообразно дифференцировать с учетом экономической политики уголовную ответственность должностных лиц государственной службы и служащих коммерческих и иных организаций. В связи с этим в УК следует предусмотреть самостоятельную главу о преступлениях против интересов службы в коммерческих и иных организациях.

Настоящая статья не рассматривает, разумеется, всех тенденций в уголовной политике по развитию действующего уголовного законодательства, о чем свидетельствуют десятки, сотни предложений *de lege ferenda*, содержащихся в доктрине уголовного права. Вместе с тем, полагаем, что они заслуживают внимания и обсуждения не только научной общественностью, но и практическими работниками, и, что не менее важно, должны постоянно находиться в «поле зрения» законодателя, поскольку реалистические правовые решения можно выработать только на основе объективной, системной и научно обоснованной информации.

Н. П. Азизов*

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ ТАРИХИНИ
ЎРГАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ**

Ўзбек халқи давлат ва ҳуқуқ соҳасида кўп минг йиллик тарихий тажриба, бетакрор илмий бойликка эга. Мустақиллик туфайли ўз тарихимиз, маданий ва илмий меросимизни холисона, чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унинг бой ва ранг-баранг қирраларини тиклаш, шу асосда халқ, айниқса, ёш авлод тафаккурида ҳаққоний тарихни идрок этиш ва тарихий хотирани шакллантириш имкониятига эга бўлди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, «мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу — табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, ...Ватанининг тарихини билишни истайди»¹.

Ўзбек давлатчилиги ва ҳуқуқининг тадрижий тараққиёти давлат ва ҳуқуқ тарихи фанида ўрганилади. Ушбу фан умумий тарихнинг таркибий қисми бўлиб, ўтмишда муайян ҳудудда амал қилган давлат, ҳокимият ва бошқарув органлари тизими, уларнинг вазифа ва функциялари, ҳуқуқ институтларини тадқиқ этади, улар тўғрисидаги билимларни сақлайди ҳамда ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Давлат ва ҳуқуқ тарихини ўрганиш муайян тарихий вазиятда вужудга келган ва шакланган давлат тузумини, ҳокимиятнинг алмашиш сабаблари, уларни бошқариш усуллари тушунишга ёрдам беради. Аждодларнинг ҳуқуқ тизими билан танишиш замонавий ҳуқуқни ўзлаштиришга кўмаклашади. Ўтмишни англамасдан туриб, ҳозирги замонни англаб этиш ва келажакни кўра билиш мушкул.

Ўзбекистонда қадимги давлатчиликнинг шаклланиши азалдан тадқиқотчилар, олимларни қизиқтириб келган. Илк ўзбек давлатчилигига оид маълумотлар қадимги юнон-рим тарихчилари ва мутафаккирларининг асарларида учрайди. Геродот, Квинт Курций Руф, Плиний, Птолемей, Страбон, Плутарх, Арриан, Моисей, Диодор каби юнон-рим тарихчилари қадимги Ўрта Осиё халқлари тўғрисида жуда кўп маълумотларни ёзиб қолдирганлар.

Юртимизда давлатчиликни ўрганишга ҳар доим алоҳида эътибор қаратилган. Абу ал-фадл ибн Муҳаммад Жамол уд-дин Қарши, Абу Райҳон Беруний, Фирдавсий, Фасиҳ Аҳмад ибн Жалолиддин Муҳаммад ал-Ҳавофий, Наршахий, Абдураззоқ Самарқандий, Шарофиддин Али Яздий, Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий, Муҳаммад Солиҳ, Муҳаммад Юсуф Мунши, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Ризо Огаҳий каби мутафаккирлар давлатчиликнинг вужудга келиши ва ривожланишини тадқиқ этганлар.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси бошлигининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди, доцент.

¹ Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. — Т., 1998. — 32-бет.

Совет тузуми даврида ўзбек давлатчилигининг шаклланиши чекланган тарзда бўлса ҳам ўрганилган. Бунда академик Х. Сулаймонова, фанлар академиясининг мухбир аъзоси О. Эшонов, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби Х. Саматова, академиклар Ш. Ўразаев, Я. Фуломов, Б. Аҳмедов, Н. Бичурин, С. Толстовнинг ҳиссалари улкан. Лекин коммунистик мафкурага таяниб, «европацентризм» таъсирида яратилган асарларда халқимиз давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихи синфий нуқтаи назардан ёритилди. Давлат ва унинг органлари, ҳуқуқ тизими фақат ҳукмрон синф манфаатларига хизмат қилиши, халқнинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилиши таъкидлаб келинди.

Мустақиллик даврида А. Зиё, А. Иброҳимов, профессорлар Ҳ. Бобоев, З. Муқимов, Ж. Тошқулов кабилар Ўзбекистонда қадимги давлатчиликнинг шаклланиши тўғрисида илмий тадқиқот олиб бормоқда. Лекин қадимги ўзбек давлатчилигининг ҳали ўрганилмаган, очилмаган қирралари жуда кўп бўлиб, улар билан ҳозиргача билганларимиз ўртасидаги фарқ ниҳоятда катта. Милоддан аввалги бир неча минг йиллик давлатчилик тўғрисида ҳозирга қадар умумий маълумотлар билан чекланиб келмоқдамиз. Бизга маълум бўлган давлатлар (Бақтрия, Сўғдиёна, Паркана, Юнон-Бақтрия, Кушон, Эфталитлар) тарихига доир чуқур илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Улар ҳақидаги билимимиз эса фақат ушбу давлатларнинг нечанчи асрларда пайдо бўлгани, давлат бошлигининг ким деб аталиши, баъзи мансаблар ва қўшинлар тўғрисидаги узук-юлуқ маълумотлардан иборат холос. Ушбу давлатларнинг вужудга келиши, ривожланиш босқичлари, бошқарув шакллари, амал қилган ҳудудлари, олий ва марказий бошқарув органлари, суд, армия ва ҳуқуқ тизимлари тўғрисидаги билимларимиз жуда кам. Шу сабабли Ўзбекистонда қадимги давлатчиликнинг вужудга келиши ва тараққий этишини тадқиқот объектига айлантириш, ушбу соҳадаги илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Олимларнинг Ўзбекистонда қадимги давлатчиликнинг қарор топиш даври тўғрисидаги фикрларида яқдиллик мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг олимларга берган «Ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлди?», «Қандай тарихий босқичларни босиб ўтди?» каби саволларига ҳанузгача илмий асосланган жавоб берилмади. Манбаларда ўзбек давлатчилигининг вужудга келиши милоддан аввалги VII асрларга тўғри келади, деган фикр кўп учрайди. Бунга асосан хитой, юнон-рим ва ҳинд ёзма манбаларидаги маълумотлар асос қилиб олинган.

Ўзбекистонда давлатчиликнинг шаклланишини тадқиқ этишда тарих, археология, антропология, этнография, тилшунослик, нумизматика фанларининг ютуқлари, маҳаллий тарихчиларимизнинг фикрлари эътибордан четда қолиб келмоқда. Ваҳоланки, Ўзбекистоннинг археолог олимлари сўнгги йилларда қадимги аждодларимиз умргузаронлик қилган манзилгоҳларни ўрганишга муваффақ бўлдилар ва уларнинг даврларини аниқладилар. Жумладан, бундан 4 минг йил аввал мавжуд бўлган Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликлари (Сурхондарё), мил. авв. 2 минг йилликнинг охири ва 1 минг йилликнинг бошида мавжуд бўлган Далварзинтепа, Ашқолтепа, Чимбой ёдгорликлари (Фарғона воҳаси), мил. авв. 1 минг йиллик бошларида мавжуд бўлган Амиробод, Якка Порсон, Тагискен ёдгорликлари (Хоразм) ва бошқа ёдгорликлар ўрганилган.

Ушбу ёдгорликларнинг аксарияти уч қатор мудофаа девори билан ўралган, деворнинг қалинлиги 2 метрни ташкил этган, уларда ибодатхоналар, ҳукмдорлар саройи мавжуд бўлган. Ушбу белгилар бу ерларда давлатлар амал қилганлигини кўрсатади. Таассуфки, ушбу ёдгорликлар ҳали давлатчилик нуқтаи назаридан чуқур тадқиқот объектига айлантирилган эмас.

Тарихчиларимизнинг давлатчиликнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги фикрлари ҳам эътибордан четда қолмоқда. Хусусан, Абу Хафс Нажмиддин Насафи-Самарқандийнинг «Китоб ал қанд фи таърихи Самарқанд» асарида Самарқанд шаҳрининг вужудга келиши тўғрисидаги маълумот берилган. Унда ёзилишича, Самарқанд Қутайба ибн Муслим босқинидан 2250 йил аввал мавжуд бўлган.

Ёки бошқа бир манбада пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.дан 3000 йил аввал бир ҳукмдор 150 минг кишилик аскар билан Самарқанд шаҳрини вайрон қилиш мақсадида ҳужум уюштирганлиги таъкидланади. Агарда ушбу маълумотлар тасдиқланса, Самарқанд 2700 йил эмас, балки ҳозирга қадар 3500 ёки 4500 ёшга тўлган бўлиши керак. Самарқанд шаҳрининг ёши 2700 йил этиб олингани шартли умумлаштирилган сана эканлигини академик Яҳё Фуломов ҳам таъкидлаб ўтган.

Давлатчилик тарихини ўрганувчи фанларнинг эришган ютуқларига таяниб қадимги ўзбек давлатчилигининг шаклланишини янгида даврлаш пайти келди, деб ўйлаймиз. Жумладан, Ҳ. Бобоевнинг ёзишича, «Навоийнинг фикрига кўра, Ўрта Осиё худудида пайдо бўлган дастлабки давлатга Тур исмли шахс раҳбарлик қилиб, унинг номидан Турон давлати келиб чиқади. Бу давлат тахминан милoddан аввалги тўрт мингинчи йилларда шаклланади. Энг муҳими, Афросиёб раҳбарлик қилган давлат Туронда биринчи бор мустақилликни қўлга киритган марказлашган турк давлати бўлган ва унинг пойтахти Самарқанд шаҳридир»¹.

Профессор Ж. Тошқулов Ўзбекистон худудида қадимги давлатчилик бундан 5—7 минг йил аввал шакланган, дея таъкидлайди. Н. Я. Бичурин хитой манбаларига таяниб, Гунвей (Шунвей) милoddан аввалги 1764 йилда Хунлар сулоласига асос солганлигини уқтиради². Турғун Олмоснинг қайд этишича, Хунлар милoddан 1500 йил аввал пайдо бўлиб, милoddнинг V асрларигача икки минг йиллик ниҳоятда катта бир даврда Осиё ва Оврупо тарихи саҳнасига чиққан ва инсоният авлодлари ёдидан мангу ўчмайдиган, теран таъсирлик вақтларни бошдан кечирган бир халқдир. Турк халқларининг аجدодларидан бири бўлган хунлар энг қадимги даврдан бошлаб Урхун дарёси бўйларида, Чугой тоғлари (ички Мўғулистондаги Янган тоғлари)нинг шимоли ва жанубида, Олтой ва Тангритоғнинг шимолида ва жанубида яшаганлар³.

Қисқача айтганда, Ўзбекистон қадимий ва бой тарихга эга давлатдир. Ўзбекистон давлати тарихи «ўз илдишлари билан асрлар қаърига бориб тақалади ва уч минг йилдан кўпроқ даврни ўз ичига олади. Қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон худудида равнақ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган»⁴.

Маълумки, Ўзбекистонда талабага илм ўргатишнинг ўзига хос методлари мавжуд. Бу аجدодларимиз ҳаётида рўй берган ибратли воқеа-ҳодисалар, халқ қаҳрамонларининг келажак авлодга ўрнак бўлувчи хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги ривоятларни баён этишдир. Худди шунинг учун ҳам ҳуқуқшуносликнинг барча тармоқларини ўргатишда тарихга мурожаат этиш, бўлиб ўтган ибратли воқеа-ҳодисалардан мисоллар келтириш ҳар бир талабага аввало Ватан тарихини, шунингдек ўрганилаётган мавзунини янада чуқурроқ ўзлаштиришга ёрдам берса, сўнгра уларни маънавий-руҳий тарбиялашга, уларда ватанпарварлик ҳиссини юксалтиришга кўмаклашади.

¹ Бобоев Ҳ. Амир Темур ва темурийлар салтанати. — Т., 1996. — 148-бет.

² Қаранг: Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х ч. Ч.1. — М.-Л., 1950. — С. 32.

³ Қаранг: Турғун О. Қудратли Хун тангиқутлари // Ўғизхондан қолган мулк: Ватан серияси. — Т., 1995. — 20-бет.

⁴ Каримов И.А. БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маъруза//Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. — Т., 1996. — 8-бет.

Б. Э. Касимов,* Н. Т. Исмоилов**

МАЪМУРИЙ ҚОНУНЧИЛИК: БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг такомиллашуви амалга оширилаётган ҳуқуқий модернизация жараёнларининг муҳим босқичларини белгилабгина қолмай, миллий қонунчилигимизнинг ривожланишида ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Кейинги йилларда маъмурий қонунчилик тизимининг шаклланиши ва такомиллашувида муайян натижаларга эришилди. Бу борадаги ислоҳотларнинг маҳсули сифатида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тасдиқланиши ва амалга киритилиши, шунингдек маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши қонунчиликнинг такомиллашувида муҳим силжиш бўлди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг таҳлиладан маълумки, амалдаги Ўзбекистон Республикасининг МЖТКга 250 дан ортиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутувчи 60 га яқин қонунлар қабул қилинди. Қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши туфайли Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси муайян такомил босқичига етказилди. Жумладан, у ёки бу ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун маъмурий жавобгарликни ёки кучайтирилган санкцияларни назарда тутувчи нормалар киритилиб, бир неча жинойий хатти-ҳаракатлар учун жинойий жавобгарликлар бекор қилиниб, фақат маъмурий жазо қўлланилгандан (маъмурий преюдиция) кейин жинойий жавобгарлик белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар, хусусан, икки палатали парламентнинг ташкил этилиши, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш жараёнлари маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг ҳозирги замон талабларига қанчалик жавоб бера олишини ўрганиш, шунингдек маъмурий жавобгарлик нормаларининг қўлланиш даражасини, ҳолатини аниқлаш, баҳолаш, салбий жараёнларни прогноз қилиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида унинг мунтазам мониторингини ўтказиш заруратини вужудга келтирмоқда.

Шу ўринда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари мониторинги қонун ижодкорлиги фаолиятининг таркибий қисми сифатида мунтазам кузатиш, баҳолаш ва ҳолатининг истиқболи билан боғлиқ яхлит тизимни ифода этади, унинг негизида жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш, уларнинг тўлиқлиги ва сифатини яхшилаш,

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш кафедрасининг профессори, юридик фанлар доктори, профессор.

** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш ва жинойятчиликка қарши курашишдаги долзарб масалалар лойиҳасининг катта илмий ходими, юридик фанлар номзоди, доцент.

келгусида уни ривожлантиришни режалаштиришга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилишини назарда тутлади. Мониторинг натижалари қонун ҳужжатларини тизимлаштиришга ва юридик ҳаққонийлик ҳамда софлигини таъминлашга, улардаги коллизияларни бартараф этишга ёрдам беради.

Бу эса, *биринчидан*, қонун нормаларининг қўлланиш даражасини тизимли таҳлил этиш, ижтимоий ҳаётда юз бераётган жараёнларни кузатишни ташкил этиш, *иккинчидан*, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини қўллаш амалиётида юз бераётган салбий жараёнларнинг олдини олиш ва бартараф этишга доир тавсияларни ишлаб чиқиш, *учинчидан*, мониторинг натижасида қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларини ахборот билан таъминлашга эришиш имконини яратади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни кузатиш, маъмурий-юрисдикциявий органлар маъмурий амалиёти таҳлили амалдаги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади. Қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги ушбу таҳлилий хулосалар амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг қуйидаги нормаларини такомиллаштириш лозимлигини ифода этади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органлар (мансабдор шахслар) мақомини белгиловчи нормалар:

1. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш Концепцияси тўғрисида»ги қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартдаги «Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июндаги қарорига мувофиқ амалга оширилган ислохотлар натижасида профилактика инспекторлари институти жорий этилган. Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 248-моддаси 2-қисми 4-бандида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига «милиция участкаси бошлиқлари, милициянинг участка катта инспекторлари ва участка инспекторлари» эга эканлиги белгиланган. Бу юқорида қайд этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мос келмайди. Шу боис МЖТКнинг ушбу нормасига тегишли ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматбаҳо металлдан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида»ги 2001 йил 7 декабрь қонунининг 7-моддаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 декабрдаги 572-сонли қарорига мувофиқ *Давлат пробир назорати органлари Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси органларига* ўзгартирилган. Шунингдек, юқорида қайд этилган қонуннинг 7-моддасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металл агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси қимматбаҳо металлдан ясалган буюмларнинг асиллик даражасини аниқлаш ва тамғалаш соҳасидаги ваколатли давлат органи, дея белгиланган¹. МЖТКнинг 268-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлар қўмитасининг давлат пробир палатаси органларига МЖТКнинг 219-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати берилган. Ушбу орган юқорида таъкидланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 2002. — № 1. — 17-модда.

тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси ташкил этилган. Бу эса, МЖТКнинг 268-моддасига тегишли ўзгартиш киритишни талаб этади.

3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислохотлар туфайли Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлари тузилмаси тугатилган. МЖТКнинг 258-моддаси 4-қисмидан ушбу органларнинг чиқариб ташланишини талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш натижасида юзага келган коллизия нормалар қуйидагича:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2007 йил 14 сентябрь қонунига асосан Ўзбекистон Республикасининг МЖТКга «Қимор ва бошқа таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар» деб номланган 191-модда янги таҳрирда киритилди¹. Ушбу моддада мусодара қилиш маъмурий жазо чораси қўшимча жазо тариқасида белгиланган. МЖТКнинг 27-моддасига асосан мусодара қилиш маъмурий жазо чораси фақат маъмурий ишлар бўйича судья томонидан қўлланилади. Амалдаги МЖТКнинг 248-моддаси 2-қисми 4-банди ва 191-моддасига кўра, маъмурий жазони қўллаш ваколати профилактика инспекторларига берилган. Бу эса, МЖТКнинг 27 ва 248-моддаларининг мазмунида зиддиятни вужудга келтирган.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2001 йил 29 август қонунига асосан амалдаги МЖТКнинг 164-моддаси «Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини анча миқдорда бузиш» деб номланган иккинчи қисм билан тўлдирилди². Бироқ кодекснинг бошқа нормаларига тегишли ўзгартиришлар киритилмаган. Жумладан, МЖТКнинг 5, 6-моддаларида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари белгиланган. Ушбу нормаларда ёнилғи-мойлаш материаллари, дори-дармон воситалари ёки тиббий буюмлар билан қўлда савдо қилиш ёхуд шаҳарларда белгиланмаган жойларда қўлда савдо қилиш ҳуқуқбузарликлари назарда тутилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сонли қарори билан тасдиқланган «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидалари»нинг 40-бандига Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 6 майдаги 86-сонли қарори билан ўзгартириш ва қўшимча киритилди³. Ушбу банд Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни маъмурий тартибда республика ҳудудидан чиқариб юборишни белгилайди. Назаримизда, МЖТКнинг 23-моддаси учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилиши лозим: *«Қонун ҳужжатларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан содир этилган жиноят учун суд томонидан тайинланган жазони ижро этгандан ёки*

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — Т., 2007. — № 37–38. — 377-модда.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 2001. — № 9–10. — 165-модда.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — Т., 2008. — № 19. — 158-модда.

ўтагандан ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилингандан кейин, кейинчалик келиш ҳуқуқини чеклаган ҳолда Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборилиши мумкин».

4. Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2008 йил 8 апрель қонуни асосида МЖТКнинг 122-моддасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди¹. Ушбу модданинг биринчи қисми маҳаллий ва узоқ масофага қатнайдиغان поездларда, дарё кемаларида белгиланмаган жойларда, шаҳар атрофига қатнайдиغان поездларнинг вагонларида (шу жумладан, тамбурларида), шаҳар ичида, шаҳар атрофига, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда қатнайдиغان автобусларда, шунингдек таксиларда, маршрут таксиларда ҳамда шаҳар электр транспортида чекканлик учун жавобгарликни, иккинчи қисми эса, ҳаво кемаларида чекиш учун жавобгарликни белгилайди. Ушбу норманинг янги таҳрирда баён этилиши МЖТКнинг тегишли моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни талаб этади. Шу сабабли МЖТКнинг 248-моддаси 2-қисми 4-бандида профилактика инспекторларининг қайси турдаги ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқишлари аниқ белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси МЖТКга асосан маъмурий юрисдикция ваколати берилган айрим органларнинг маъмурий *амалиёти таҳлили* ҳам кодекснинг тегишли нормаларига тегишли ўзгартиришлар киритилишини талаб этмоқда. Маълумотларга қараганда, 2008 йилда республикада содир этилган барча маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг 30 фоизидан кўпроғини паспорт тизимидаги қоидабузарликлар ташкил этган ва ушбу ҳуқуқбузарликлар бевосита ички ишлар органларининг Хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати томонидан аниқланиб, тегишли маъмурий жазолар қўлланилган². МЖТКнинг 248-моддаси 2-қисми 3-бандига мувофиқ, Хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш хизматларига бундай ваколатлар берилмаган. Амалиётда аксарият ҳолларда паспорт тизимидаги қоидабузарликлар фуқароларнинг ички ишлар органларининг Хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш хизматига мурожаат этганларида аниқланади ва ушбу хизматларнинг мансабдор шахслари томонидан МЖТКнинг 223-моддаси 1-қисмига биноан маъмурий жазо чораси қўлланилади. Бу эса, МЖТКнинг 248-моддаси 2-қисми 3-бандига зид ҳолатни келтириб чиқармоқда. Шу боис МЖТКнинг 223-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ваколати ички ишлар органларининг Хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш хизматига ҳам берилиши мақсадга мувофиқ.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда юқорида қайд этилган зиддиятларнинг бартараф этилиши маъмурий жавобгарлик нормаларининг тўғри қўлланилишида, ҳуқуқни қўллаш амалиёти субъектлари фаолиятининг самарадорлигини оширишда муҳим асос бўлади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2008. — № 4. — 181-модда.

² Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш хизматидан олинган маълумот.

*М. Мамасиддиқов**

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Одил судлов ҳар қайси даврда ҳам улуғланиб, инсонлар унга ишониб яшайдилар. Рим файласуфларида «Pereat mundus et fiat justitia», яъни «Майли дунё барбод бўлсин, лекин одил судлов қарор топсин», деган машҳур шиор бор. Мазкур шиор гарчи муболағали бўлса-да, лекин уларнинг одил судловга берган юқори баҳосини ифодалайди.

Одил судлов жамият ҳаётида, унинг аъзоларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтиришда, инсонларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисида «суд — одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён»¹ эканлигини таъкидлаган эди.

Юридик фанларнинг муҳим тармоғи ҳисобланган фуқаролик процессуал ҳуқуқи давлат-ҳуқуқий фаолиятнинг алоҳида тури сифатида одил судлов институтини ўрганади, уни ривожлантириш ва янада такомиллаштириш, жамият учун тўлиқ ва самарали хизмат қилиш йўллари белгилаб беришга кўмаклашади.

Дарҳақиқат, фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанининг ёрдамсиз одил судловнинг моҳиятини тўғри тушуниш ва уни тўлиқ амалга ошириш, шунингдек судларнинг одил судлов фаолиятини амалга ошириш давомида юзага келувчи қоидаларга тўлалигича риоя қилишларини таъминлаш мушкул.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи юридик фанларнинг асосий ва муҳим бўғинларидан бири ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустақамлаб қўйилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустақамлаш, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва амалиётда қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, унинг мустақиллигимизни мустақамлаш, жамиятимизда амалга оширилиб келинаётган кенг кўламдаги иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотларини жадаллаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини юксалтириш, унинг инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини оширишга хизмат қилувчи соҳа сифатида ҳам аҳамияти беқиёс.

* Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг гуруҳ раҳбари, юридик фанлар номзоди, доцент.

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. — Т., 2005. — 187-бет.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш шароитида юридик фанлар, хусусан фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани олдиға қатор талаблар қўйилдики, бу ўз навбатида қонунчилик, ижро ҳоқимияти ва айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни амалға оширишда ушбу фан эришган ютуқлардан янада самаралироқ фойдаланиш заруриятини келтириб чиқарди.

Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда илмий-техник тараққиётнинг аҳамияти муҳимдир.

Илмий-техник тараққиёт фуқаролик процессуал ҳуқуқ фани олдиға муҳим талаблар, яъни суд фаолиятида янги техникалардан фойдаланиш имконияти ва заруратини қўймоқда. Шу боис ушбу фан юзасидан илмий изланишлар олиб бораётган ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассислар олдида қуйидаги назарий вазифалар туради:

— фуқаролик суд ишларини юритишда техник воситалардан фойдаланишнинг мезонларини аниқлаш (белгилаш);

— амалдаги фуқаролик суд ишларини юритиш қоидаларини «техник тажовузлар»дан ҳимоя қилиш ва уларнинг таъсир чегарасини белгилаш;

— фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнларида техник воситалардан фойдаланишдаги чегаралар ва улар билан боғлиқ айрим мезонларни ишлаб чиқиш, масалан, суд фаолияти давомида фуқароларнинг процессуал ҳаракатлари ўрнини техника ютуқлари билан қачон алмаштириш ҳамда қайси ҳолларда бу қутилган натижа ва самарани бериши мумкинлигига боғлиқ мезонлар.

Бу эса ўз навбатида, фуқаролик процессида қўлланилиши мумкин бўлган техника воситаларининг турини ва улардан қайси бирини ушбу жараёнда қўллаш мумкинлигини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бизнингча, ушбу вазифалар даставвал қуйидаги икки йўналишда олиб борилиши лозим:

1) аввало, суд мажлисининг олиб борилишига кўмаклашувчи ва унинг самардорлигини таъминловчи техника турларини (магнитофонлар, диктофонлар, телевоситалар, компютерлар ва бошқ.) аниқлаш;

2) ишға доир далилларни аниқлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида техниканинг янги йўналишлари ва янгиликларидан, яъни исботлаш воситалари сифатида аудио ва видеоёзувлардан фойдаланишни йўлга қўйиш.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фуқаролик процессуал ҳуқуқи назариясида илмий-техник тараққиёт натижалари бўлган аудио ва видеоёзувлар, телефон орқали сўзлашувлардан ишға доир далилларни аниқлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланиш масалалари умуман ёритиб берилмаган ва бу борадаги илмий-тадқиқот ишларини амалға ошириш фан-техника тараққий этаётган ҳозирги даврда долзарб аҳамият касб этади¹.

Шу билан бирга, суд фаолияти давомида айрим турдаги техника воситаларидан фойдаланиш ёки уларни қўллашни тақиқловчи қоидаларни, мезонларни ишлаб чиқиш ҳам талаб этилади. Мазкур мезонлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлигини ҳимоя қилиш мақсадидан келиб чиқиши лозим. Хусусан, фуқароларнинг тарбиясига, шаън ва қадр-қимматига акс таъсир қиладиган бўлса, суд процессларида техника воситаларидан фойдаланиш ва уларни қўллаш мақсадға мувофиқ бўлмайди.

¹ Россия Федерацияси ФПКнинг 55-моддасида иш бўйича далиллар қаторига аудио ва видео ёзувлар киритилган, унинг 77 ва 78-моддаларида аудио ва видео ёзувлар, уларни сақлаш ва эгаларига қайтаришға доир қоидалар ўз ифодасини топган. Қаранг: Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. — М., 2003. — С. 40—41.

Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш мақсадида фуқаролик процессида жамоатчиликнинг иштирокига доир процессуал нормаларни такомиллаштириш ҳам фаннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарорига биноан тасдиқланган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури»да ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этишга алоҳида урғу берилиб, ҳуқуқий маданиятнинг моҳияти, мазмуни, таркибий тузилиши ва намоён бўлишига доир юридик муаммоларни ҳал этиш, уни шакллантириш ва янада юксалтириш усулларини аниқлаш устувор йўналиш деб қаралиши лозимлиги таъкидланган.

Айнан фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанининг долзарб вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашнинг самарадорлигини ошириш ҳамда процессда жамоатчиликнинг фаол иштирокига доир нормаларни янада такомиллаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади. Халқ ҳокимиятчилигининг ёрқин кўринишларидан бири бу — фуқаролик процессида бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат бошқарув органлари ва ташкилотларининг иштироки ҳисобланади¹.

Мазкур соҳада ҳам муаммолар мавжуд бўлиб, бу давлат бошқарув органлари ва бошқа ташкилотларнинг фуқаролик процессида иштирок этишининг шакл ва усулларини тўғри белгилашдан иборат. Шу ўринда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишда, суд процесси иштирокчиларини қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашда, қолаверса, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда давлат бошқарув органлари ва ташкилотларнинг фуқаролик процессидаги иштирокининг кўламини кенгайтириш ёки уларга кенг ваколатлар бериш эмас, балки энг муҳими, уларнинг фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадидаги иштирокининг самарадорлигини ошириш, процессда мазкур шахслар иштирокининг энг мақбул шакллари ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш жуда муҳимдир. Шундагина фақат суд органларига юклатилган мутлақ ваколат — одил судловни амалга оширишнинг вазифалари тўлалигича бажарилиши мумкин.

Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган нормаларни бир тизимга солиш, уларнинг моддий ҳуқуқ нормаларида такрорланишининг олдини олиш ҳам фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанининг долзарб муаммоларидан.

Фуқаролик процессуал қоидаларни тизимлаштириш уларнинг моддий ҳуқуқ нормаларида такрорланишининг олдини олиш ҳамда кодификация қилишни такомиллаштиришни талаб этади. Айрим адабиётларда қонунчиликни кодификациялаш жамият ҳаётида қонунийликни мустаҳкамлашга доир комплекс тадбирларни амалга оширишда муҳим омиллардан ҳисобланиши таъкидланган².

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., 2008. — 7-модда.

² Қаранг: *Чечина Н.А.* Актуальные проблемы науки гражданского процессуального права //Правоведение. —1975. — № 6. — С. 73–79.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, қонун ижодкорлиги борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар ҳамиша долзарбдир. Статистик таҳлилларга кўра, 1991—2006 йилларда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари 258 тани, кодекслар эса 15 тани ташкил этди.

Қабул қилинган айрим кодекслар, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва Оила кодекслари ва бошқа айрим моддий ҳуқуқ нормаларида фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал этишга доир процессуал нормалар ўз ифодасини топди ҳамда уларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикасининг ФПКда ҳам такрорланди. Масалан, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини чиқариш вақтида суд томонидан ҳал этиладиган масалалар (Оила кодексининг 44-моддаси), суднинг никоҳдан ажратиш ҳақидаги ҳал қилув қарорини чиқаришида давлат божи миқдорини белгилаш (Оила кодексининг 45-моддаси), болаларни тарбиялаш билан боғлиқ ишлар бўйича суднинг ҳал қилув қарорларини ижро этиш (Оила кодексининг 89-моддаси),¹ бевосита туман (шаҳар) судларида кўрилиши лозим бўлган меҳнат низолари (Меҳнат кодексининг 269-моддаси), меҳнатга доир айрим ишлар бўйича қарорларни дарҳол ижро этиш (Меҳнат кодексининг 273-моддаси), ходимларни суд харажатларидан озод қилиш (Меҳнат кодексининг 277-моддаси), меҳнат низоларини кўрувчи органларнинг қарорига биноан тўланган суммаларни қайта ундириб олишдаги чекловлар (Меҳнат кодексининг 278-моддаси)².

Шунингдек, моддий ҳуқуқда мустаҳкамланган айрим нормалар процессуал ҳуқуқ нормаларининг талабларига зид бўлган ҳолатлар ҳам учрайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 276-моддасида «Айрим тоифадаги давлат хизматчиларига тааллуқли меҳнат низоларини кўриб чиқиш хусусиятлари» ёритилган бўлиб, унга кўра, айрим тоифадаги давлат хизматчиларининг меҳнат шартномаларини бекор қилиш, бошқа ишга ўтказиш, асоссиз равишда бошқа ишга ўтказиш ёки меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарни ундириш ва интизомий жазо беришга тааллуқли низолар белгиланган тартибларда кўриб чиқилади. Лекин Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг «Суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи» номли 1-моддасида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади³, деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

Фикримизча, юқоридаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясида қуйидаги назарий ҳолатлар тадқиқ этилиши ҳамда тегишли таклиф ва тавсиялар қонунчилик ташаббуси субъектларига тақдим этилиши лозим:

1) процессуал ҳуқуқ нормаларининг айрим моддий ҳуқуқ нормаларида такрорланишининг мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини таҳлил қилиш;

2) моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг биргаликда ифода этилиши мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги масала ижобий ҳал бўлган тақдирда, улардан қайси бири орқали моддий-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган фуқаролик процессуал ҳуқуқ нормаларини танлаш ва кўрсатиш лозимлигини аниқлаш;

3) битта процессуал қоиданинг бир неча қонунчилик ҳужжатларида такроран мустаҳкамлаб қўйилишига асос бўлувчи мезонларни аниқлаш.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. — Т., 1998.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. — Т., 2003.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси. — Т., 2005.

Фуқаролик процессуал қонунчилик ҳужжатларидаги мазкур ҳолатларнинг тадқиқ қилиниши барқарор қонунларнинг кўп йиллар давомида амал қилишини таъминлаши билан бирга, бир хил ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган ва турли хил қонун ҳужжатларида такрорланиб келадиган бир неча қоидаларнинг қабул қилиниш ҳолатларининг олдини олишда муҳим ҳисобланади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқ фанининг долзарб муаммолари ҳақида гапирар эканмиз, унинг институтларининг объектив қонуниятларга асосланган ривожланиш йўналишлари ва ғояларини белгилаб беришга имкон берувчи тарихий ёндашувнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Юридик адабиётларда илмий тадқиқотларнинг тарихийлик принципи — назарий билимлар умумлашмаларининг методологик асосларидир, деган фикр мавжуд¹. Лекин шундай бўлса-да, фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тарихига жуда кам эътибор бериб келинган. Ўқув курслари ва дастурларида фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тарихи тўғрисидаги бўлим умуман мавжуд эмас, қатор тадқиқот ишларида ҳам қонунчилик ва процессуал ҳуқуқ назариясининг тарихи ҳисобга олинмайди ҳамда ушбу масала тадқиқотчиларнинг назаридан четда қолиб кетган. Айтиш жоизки, тарихийлик принципларига эътибор бермаслик ва уни писанд қилмаслик самарасиз тортишувларни вужудга келтиради, қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳам салбий ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Илмий тадқиқотларнинг тарихийлик принципига етарлича эътибор бермаслик натижасида фуқаролик процессуал қонунчиликда ҳам ишламайдиган айрим қоидаларнинг юзага келиш ҳолатлари кузатилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 152-моддаси биринчи қисми 4-бандида «тарафлар ўртасида ушбу низони кўриш учун ҳакамлар судига топшириш тўғрисида шартнома тузилган бўлса», судья аризани қабул қилишни рад этиши кўрсатилган. Худди шундай асос — судда иш юритишни тугатишга олиб келиш ҳақидаги қоида ФПКнинг 100-моддаси биринчи қисми 6-бандида ҳам қайд этилган. Лекин 1997 йил 30 августда қабул қилиниб, 1998 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг ФПК амал қилган қарийб 10 йил давомида ҳакамлик судлари амалда фаолият олиб бормаган ва ҳатто уларнинг фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатлари ҳам мавжуд эмас.

Шу боис қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш давомида юзага келган тарихий тажриба ва ҳуқуқий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг лойиҳасига ҳакамлик судлари билан боғлиқ нормаларнинг киритилишидан сақланиш лозим эди.

Бундай ҳолатларга йўл қўйилишининг асосий сабабларидан бири, аввало, фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тарихийлик принципига тўлиқ амал қилинмаганлиги ёки ушбу принципга етарлича эътибор берилмаганлигидир. Келажакда бунинг олдини олиш, фуқаролик процессуал қонунчилигини ривожлантириш, қонун ижодкорлигини янада такомиллаштириш мақсадида фан соҳаларининг тарихийлик принципларини чуқур ўрганиш, бу борадаги илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, қолаверса, фуқаролик процессуал ҳуқуқи ўқув курси ва унинг дастурига ушбу ҳуқуқининг тарихига бағишланган махсус бўлим ёки боб киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Замонавий фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанининг бугунги долзарб муаммолари ва уларнинг ечимлари ҳақида қисқача яна қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

¹ Қаранг: *Хутыз М.Х.* Историзм в исследовании проблем гражданского процессуального права // Правоведение. — 1984. — № 1. — С. 92–96.

1) фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанидан чуқур фундаментал тадқиқотлар олиб бориш талаб даражасида эмас. Дарҳақиқат, замонавий ҳуқуқ назариясида фуқаролик процессуал ҳуқуқи фундаментал базавий ва ихтисослашган ҳуқуқ соҳаси ҳисобланишини қатор ҳуқуқшунослар ўз асарларида эътироф этиб келмоқдалар¹. Бундай тадқиқот ишларини кучайтириш мақсадида тадқиқотчиларнинг манфаатдорлиги ва илмий изланишлари натижаларидан рағбатланиш омилларини ишлаб чиқиш ва уни кенг татбиқ этиш;

2) фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани ҳамда процессуал ҳуқуқ назарияси билан амалиётнинг ўзаро алоқасини кучайтириш лозим. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан узвий алоқаларни ўрнатишга имкониятлар яратиш (масалан, фуқаролик процесси соҳасидаги профессор-ўқитувчиларни Олий суд Пленумига мунтазам жалб этиб бориш ёки унинг Илмий маслаҳат кенгаши аъзолигига қабул қилиш) орқали фаннинг амалиёт билан узвий алоқадорлигини таъминлаш;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ходимлари ва Тошкент давлат юридик институти фуқаролик процесси кафедраси профессор-ўқитувчиларининг ўзаро стажировка ўташ ёки малака оширишларини мунтазам йўлга қўйиш, профессор-ўқитувчиларнинг Олий суднинг статистик-таҳлилий ахборот манбаларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ва таъминлаб бориш. Шу асосда келажакда «Фуқаролик ишлари бўйича суд статистикаси» деган мавзунини фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанининг дастурига киритиш;

4) бошқа хорижий давлатлар тажрибасига таяниб, «Фуқаролик ва хўжалик процесси» номли журнал ташкил этиш ва унда фуқаролик ҳамда хўжалик процессининг долзарб илмий-амалий масалаларига бағишланган туркум мақолалар, давра суҳбатлари, илмий-амалий анжуман материалларини мунтазам равишда чоп этиб бориш (масалан, Россия Федерациясида «Арбитражный и гражданский процесс» деб номланган журнал топ этилади). Ушбу журналда мамлакатимиздаги олий ўқув юртларининг юридик факультетлари профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судининг судьялари ва ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вакиллари, тадқиқотчилар ва талабаларнинг мақолаларини чоп этиб боришни ташкил этиш;

5) Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг: «Тошкент давлат юридик институти фақат таълим йўналишидаги ўқув юрти бўлиб қолмай, жиддий илмий база асосида ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилиш билан боғлиқ дастурлар, қарорлар лойиҳалари тайёрланадиган илмий ва ташкилий марказга айланиши лозим»,² — деган фикрига таяниб, ТДЮИда мунтазам равишда юридик фанлар, хусусан фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий конференцияларни ўтказиш. Ушбу тадбирларга мутахассис профессор-ўқитувчилар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вакиллари, бошқа мутахассислар, тадқиқотчилар, қолаверса, хорижий давлатларнинг процессуалист олимларини ҳам кенг жалб қилиб бориш лозим;

б) юридик фанларни ривожлантириш мақсадида хорижий давлатлар, хусусан, МДҲ таркибига кирувчи давлатлар, Россия Федерацияси, Украина, Беларусь, Қозоғистон,

¹ Қаранг: *Зубов М.М.* Ценностный аспект методологии гражданской процессуальной науки. — М., 2004; *Алексеев С.С.* Право: азбука-теория-философия. Опыт комплексного исследования. — М., 1999. — С. 45–46; *Лукьянова Е.Г.* Теория процессуального права. — М., 2003.

² *Каримов И.А.* Адолат — қонун устуворлигида // *Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.* Т. 10. — Т., 2002. — 50-бет.

Тожикистон ва бошқа давлатлар юридик олий ўқув юртлари билан узвий алоқада бўлиш ва бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ва ТДЮИда ташкил этилган Интернет веб-сайтларидан самарали фойдаланиш, улардаги мавжуд маълумотлар базасини кенгайтириш ҳамда уларни мунтазам равишда янгилаб боришни амалга ошириш;

7) фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб бораётган олимларни хорижий давлатларга, хусусан, МДҲ таркибига кирувчи давлатлар, Россия Федерацияси, Украина, Беларусь, Қозоғистон, Тожикистон ва бошқа давлатлар юридик олий ўқув юртларига илмий сафарга юбориб туришни ташкил қилиш (тадқиқотчи фаолият олиб бораётган ташкилот, муассаса ҳисобидан), уларнинг натижалари юзасидан таҳлилий ҳисоботлар беришни йўлга қўйиш ва муҳокама қилиш;

8) «Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанининг долзарб муаммолари» номли махсус курсни ташкил қилиш, ўқув режасига киритиш ва юридик олий ўқув юртларининг магистрлари учун ўқитишни ташкил этиш;

9) мамлакатимизнинг фуқаролик процессуал ҳуқуқига доир илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган ҳуқуқшунос олимлар ва тадқиқотчилардан иборат доимий фаолият кўрсатадиган Мувофиқлаштирувчи гуруҳ тузиб (гуруҳнинг маркази ТДЮИнинг фуқаролик процесси кафедрасида бўлиши мақсадга мувофиқ), ушбу гуруҳ аъзолари томонидан «Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанининг долзарб муаммолари» номли дарслик тайёрлашни ташкил этиш;

10) Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг мамлакатимизда фуқаролик процессуал ҳуқуқини ривожлантириш ва фуқаролик процессуал қонунчилигини янада такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиши, қолаверса, фаннинг долзарб масалаларига доир турли илмий анжуманларни ташкил этиши;

11) ТДЮИнинг магистратура марказида 5380100 — юриспруденция йўналиши бўйича ўқиладиган «Алоҳида турдаги фуқаролик ишларини кўриб чиқишнинг процессуал хусусиятлари» номли махсус курснинг мавзулари бакалавр йўналишидаги фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанида такрорланиб қолишининг олдини олиш, яъни махсус курснинг ўқув дастуридаги мавзуларни қайта кўриб чиқиш лозим. Махсус курс дастурига қуйидаги мавзуларнинг киритилиши мақсадга мувофиқ: фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал қилишнинг процессуал хусусиятларини белгилаш усуллари; маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари; меросга доир низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари; шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишга оид низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари; мулкни рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари.

Ушбу мавзуларнинг киритилиши юридик фаннинг муҳим соҳаси бўлган фуқаролик процессуал ҳуқуқини янада ривожлантиришда, талабаларга чуқур билим беришда, қолаверса, фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанининг долзарб мавзуларига доир фундаментал тадқиқот ишларини олиб боришда аҳамияти муҳимдир.

О. Оқюлов*

**«ХЎЖАЛИК-ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ»
ТУШУНЧАСИ, ПРЕДМЕТИ ВА ТИЗИМИ
ТЎҒРИСИДАГИ КОНЦЕПЦИЯЛАР**

«Хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқи» тушунчаси, предмети ва тизими тўғрисида замонавий концепцияларни тақдим этишдан олдин «ҳуқуқ» тушунчаси, тизими ва таркиби тўғрисидаги илмий қарашларни таҳлил этиш лозим бўлади.

Ҳуқуққа берилган таърифлар ичида академик А. Я. Вишинскийнинг 1936 йилда совет давлати ва ҳуқуқи масалаларига бағишланган биринчи Бутуниттифоқ кенгашида қилган маърузасидаги таъриф узоқ муддат «ҳукмронлик» қилди. Унга кўра, ҳуқуқ қонунчиликда белгилаб қўйилган хатти-ҳаракат қоидалари, шунингдек давлат томонидан санкцияланган одатлар ва яшаш қоидалари йиғиндиси бўлиб, у ҳукмрон синфга маъқул ва фойдали ижтимоий муносабатлар ҳамда тартибни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланади¹.

Ҳозирги вақтда ҳуқуқни норматив-моддий ёки кенг маъноларда тушуниш асосида таърифлашга уринишлар мавжуд.

Профессор М.И.Байтин норматив концепция нуқтаи назаридан «ҳуқуқ — бу умуммажбурий нормалар тизими, жамиятни, давлат эркини, унинг умуминсоний ва синфий характерини ифодалайди, давлат томонидан чиқарилади ёки маъқулланади», дея таърифлаб, давлат мажбурлов чоралари билан ҳар қандай бузишлардан ҳимоя қилиниб, ижтимоий муносабатларнинг расмий-ҳокимият тартибга солувчиси ҳисобланишини таъкидлайди².

Ҳуқуқни кенг маънода тушуниш тарафдорларидан бири академик В. С. Нерсисяннинг фикрича, ҳуқуқ — бу кишиларнинг ижтимоий муносабатларида ялпи умумий ва зарурий эркинлик шакли, формал тенглигидир, ялпи умумий адолатдир. Ҳуқуқнинг объектив хусусиятлари ҳам, улар тавсифлайдиган ҳуқуқнинг моҳияти ҳам «ҳуқуқ» тушунчасининг қонундан фарқига тааллуқли, яъни қонун чиқарувчининг эрки ифодасига боғлиқ эмас, тарихий ва мантиқий жиҳатдан қонунчиликдан олдин келади³.

Яна унинг фикрича, ҳуқуқ дефиницияси «қонун» тушунчасидан фарқланиши ёки у билан мос келиши ҳам мумкин. Ҳуқуқ қонун билан мос келганида давлат томонидан ўрнатилган ёки санкцияланган бўлиб, давлат мажбурлов кучи билан таъминланган нормалар тизимининг формал тенглик принципи талабларига мувофиқлигидир.

Давлат белгилаган ва ҳимоя қиладиган нормалар тизими формал тенглик принципига норматив аниқлаштирилган (яъни муайян нормалар тариқасида аниқлаш-

* Тошкент давлат юридик институти хўжалик ҳуқуқи ва процесси кафедрасининг мудир, юридик фанлар доктори, профессор.

¹ Қаранг: *Вышинский А.Я.* Вопросы теории, государства и права, используемые при конструировании понятия отраслей права. — М., 1949. — С. 84.

² Қаранг: *Байтин М.И.* Сущность права. — Саратов, 2001. — С. 81–82.

³ Қаранг: *Нерсисян В.С.* Общая теория права и государства. — М., 1999. — С. 70.

тирилган) бўлмоғи лозим. «Худди мана шундай ҳолда нормалар тизими ҳуқуқ тизимига айланади, худди мана шунда ҳуқуқ ва ҳуқуқ бўлмаган (ноҳуқуқ) фарқланади»¹.

Таниқли цивилист олим В. Мозолин ҳам ҳуқуққа таъриф беришга уринган. Унинг фикрича, ҳуқуқ давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилинган, санкцияланган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда мавжуд ҳуқуқий нормалар тизими бўлиб, адолатни, мамлакат ҳудудида яшовчи кишилар манфаатларини қаноатлантиришга, жамиятнинг ҳаётий фаолияти ва давлат хавфсизлигини таъминлашга асосланади, ихтиёрий амалга оширилади, бундай бўлмаган тақдирда, суд, давлатнинг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари орқали мажбурий ижроси таъминланади².

Ҳуқуқнинг келажакдаги тақдири тўғрисида умидсиз башоратлар мавжудлигини ҳам қайд этмоқ лозим. Масалан, Г. В. Мальцевнинг фикрича, «ҳуқуқ соҳасида марказлаштирилган бирликлар, йирик яхлит тузилмаларнинг парчалангани» қонун ҳукмронлигига чек қўйиши лозим, у ўз ўрнини мустақил ижтимоий ҳужайралар аъзоларини норматив импровизациялашган ўзини ўзи тартибга солишга бўшатиб беради³. Албатта, бундай кайфият ўзини ўзи тартибга солувчи бозор механизми энг ривожланган даврда — XX аср охири ва XXI аср бошларида ҳукм суришини унутмаслик лозим. 2008 йилдан бошланган жаҳон глобал иқтисодий инқирози иқтисодиётни ўзини ўзи тартибга солиш механизмига мутлақо топшириб қўйиш оқилона бўлмаслигини кўрсатади. Марказлаштирилган тузилмалар, айниқса, давлат бу соҳада ўз назоратини сақлаб қолмоғи лозим. Бироқ, бунда ҳеч қачон оммавий қонунлар билан хусусий нормаларнинг (ўзини ўзи тартибга солувчи тузилмаларнинг норматив ва квазинорматив ҳужжатлари — локал корпоратив нормалар) ўртасида зиддият излаш керак эмас. Улар бир-бирини тўлдирувчи ва яхлит бир бутун норматив массив ҳисобланади.

Албатта, ҳуқуқни ташкил этувчи норматив массив шунчаки оддий мажмуа, йиғинди эмас, балки муайян ички тартиб ва уйғунликка асосланган тизим ҳисобланади. «Хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқи» тушунчасини аниқлаш учун биз, энг аввало, «ҳуқуқ тизими» тушунчаси ва унинг таркибий қисмларини аниқлаб олишимиз лозим. Бу борода Ўзбекистон миллий ҳуқуқ тизими бўйича таниқли цивилист олим, академик Ҳ. Раҳмонқулов ишлаб чиққан ўзига хос методологик қурилма мавжуд⁴. Кейинчалик профессор В. Мозолин ҳам ушбу муаммони махсус тадқиқ этди. Унинг фикрича, ягона мақсадни тавсифловчи ҳуқуқ нормалари институтларга бирлашадилар, институтлар эса қўлланиш соҳалари ва бажарадиган функцияларига қараб янада йирикроқ ҳуқуқий тўпламларга, мажмуаларга бирлашадилар⁵.

Ҳозирги замонавий қарашларга кўра, ҳуқуқ тизими таркиби умумлаштирилган ҳолда уч қатлам ва даражадан иборат: конституциявий ҳуқуқ, ҳуқуқнинг асосий тармоқлари ва ҳуқуқий тузилмалар.

Ҳуқуқ тармоқларидан бири сифатида фуқаролик ҳуқуқи қатъий тан олинади. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети — иштирокчиларнинг тенглиги, эрк мухторияти ва

¹ Нерсеяни В.С. Общая теория права и государства. — М., 1999. — С.75.

² Қаранг: Мозолин В. Современная доктрина и гражданское законодательство. — М., 2008. — С. 8.

³ Қаранг: Мальцев Г.В. Понимание права. Подходы и проблемы. — М., 1999. — С. 397.

⁴ Қаранг: Раҳмонқулов Ҳ.Р. Миллий ҳуқуқ тизими. — Т., 2004.

⁵ Қаранг: Мозолин В. Современная доктрина и гражданское законодательство. — М., 2008. — С.9.

мулкий мустақилликка асосланган мулкий ва номулкий муносабатлар, шунингдек улар билан боғлиқ равишда инсоннинг ўзидан бегоналаштирмайдиган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда бошқа номоддий неъматлар билан боғлиқ муносабатлар (демак, бу муносабатларнинг объекти ўз-ўзидан ашё, интеллектуал фаолият натижалари ва субъектив ҳуқуқлар) ҳисобланади. Унинг ҳуқуқий тартибга солиш усули ҳам ушбу предмет билан узвий боғлиқ ва муайян маънода унинг ҳосиласи ҳисобланади. Фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш усули — бу фуқаролик ҳуқуқий нормалар таъсири доирасида бўлган ижтимоий муносабатларни тенглик асосида ҳуқуқий тартибга солиш (координация, яъни мувофиқлаштириш усули) ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқ предмети давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий муносабатлар бўлиб, у иқтисодиётга давлат таъсирининг шакл ва усуллари қамраб олади. Маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усули субординация, яъни поғонали идора қилиш, буйруқ-бўйсунуш тартибидан иборат бўлади.

Хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқи ҳуқуқ тармоғининг предмети ва тартибга солиш усули нуқтаи назаридан мустақил ҳуқуқ тармоғи бўла олмайди.

Хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқига мансуб бўлган ҳуқуқ тузилмасини ҳуқуқ комплекс (мажмуавий) соҳасининг тармоғи, дейиш ўринли бўлур эди.

«Хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқи» илмий тушунчасини ишлаб чиқишда ҳуқуқнинг умумий таърифларидан (ҳам норматив, ҳам позитив — умумий тенглик ёндашувидан) келиб чиқиб, фуқаролик ва маъмурий ҳуқуқ соҳалари предмети доираси ва хўжалик-тадбиркорлик фаолиятининг норматив ҳуқуқий базасига таянган ҳолда муайян таърифни бериш мумкин. Ушбу ўринда ҳуқуқни кенг маънода таърифлашга бежиз урғу берилмаяпти. Ушбу ёндашувда ҳуқуқнинг субъекти бўлган инсон, унинг манфаатлари, шахси, ҳуқуқ ва эркинликларини нормалар орқали ҳимоя қилиш назарда тутилган.

Хўжалик-тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш, ҳисоботларни юритиш, иқтисодиёт соҳасида тадбиркорлик субъектлари устидан давлат назоратини ва бошқарувни қўллаш, ташаббускорлик, таваккалчилик, мустақиллик асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, фойдани эркин тасарруф қилиш, тадбиркорлик ҳуқуқий ҳимоя тизимини, бозор инфратузилмалари ва институционал тузилмалар ўзини ўзи тартибга солиш механизмининг нормал фаолиятини таъминлашга доир турли соҳавий нормалар мажмуи ҳисобланади.

Ушбу тушунча кенг қамровли тушунча бўлиб, у хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқининг моҳиятини, тартибга солувчи муносабатларнинг доираси ва хусусиятларини ўзида қамраб олган. Ушбу тушунчанинг элементлари хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқининг предмети билан узвий боғлиқ.

Хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқи иштирокчиларининг ташаббускорлиги ва тенглиги асосида тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, фаолиятини амалга ошириш, фойдани эркин тасарруф қилиш, ҳокимият — бўйсунуш асосида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш, ҳисобга қўйиш, ҳисоботини юритиш, давлат назоратини қўллаш соҳасида вужудга келадиган ва хўжалик-тадбиркорлик комплекс ҳуқуқий нормалар таъсир доирасидаги муносабатлар йиғиндиси мажмуи хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқининг предметини ташкил этади.

Хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқи комплекс (мажмуавий) ҳуқуқ соҳаси сифатида хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишда фуқаролик-ҳуқуқий

ва маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усулларидан фойдаланади. Бироқ бу ўринда тартибга солувчи ҳуқуқий муносабат фуқаролик-ҳуқуқий ёхуд маъмурий-ҳуқуқий моҳиятини ўзгартирмайди. Масалан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида хўжалик шартномалари тузиш ва ижро этиш ўз моҳиятига кўра фуқароларнинг ҳуқуқий муносабати ҳисобланади ҳамда уни тартибга солишда фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш усуллари қўлланилади. Ёхуд тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш маъмурий-ҳуқуқий муносабат ҳисобланади. Бироқ уларнинг ҳар иккаласи алоҳида олинса ёки бир-бирлари билан боғланмаса, унга хўжалик-тадбиркорлик муносабатларини мақсадли, узвий тартибга солиш, бир бутун яхлит жараён деб қарашга имконият бўлмайди. Тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқий мақоми, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш усул ва воситалари, тадбиркорлик субъектлари устидан давлат назорати, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоя тизими — буларнинг барчаси иқтисодиёт ва иқтисодий фаолиятнинг асоси, негизи, тадбиркорликнинг доимий, мунтазам, нормал фаолият сифатида ташкил этиш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадларини таъминловчи ҳуқуқий механизмлардир. Уларга ҳар доим бири-бири билан боғлиқ, яхлит ҳолат сифатида қараш ва давлат сиёсати юритиш лозим. Хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқи айнан шу вазифани комплекс ҳуқуқ соҳаси сифатида ҳам, ўқув-таълим предмети сифатида ҳам, илмий-тадқиқотлар йўналиши сифатида ҳам бажаради. Бу вазифани соф фуқаролик ҳуқуқи доирасида ҳам, соф маъмурий ҳуқуқ доирасида ҳам тўлақонли ва сифатли бажариб бўлмайди.

Ушбу омил хўжалик-тадбиркорлик ва айниқса, иқтисодий блок қонунларини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга. Одатда иқтисодий блок қонун нормаларини ишлаб чиқиш ва шакллантиришда соф фуқаролик ёки маъмурий бўлиши талаб этилмоқда, энг асосийси, қонун ёки қонун ҳужжати хўжалик-тадбиркорлик соҳасининг муайян жиҳатини мақсадли ва самарали тартибга солиш, тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиши лозим. Шу сабаб ҳам бир қонунда ҳуқуқ турли тармоқларига мансуб нормаларнинг бўлиши ва уларни қонуннинг мақсад ҳамда вазифалари тизими асосида бирлаштириш одатдаги ҳол ҳисобланади.

Бироқ, бундан хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқининг ўзига хос ҳуқуқий унсурлари мавжуд эмас, деган хулосага келиб бўлмайди. Профессор В. Мозолиннинг фикрича, комплекс ҳуқуқ соҳалари ҳуқуқий тузилма ҳисобланади ва икки хил тузилмадан таркиб топади:

1) турли ҳуқуқ тармоқларининг нормалари ва институтлари;

2) ҳуқуқий тузилмага мақсадли ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятини, хоссасини касб этувчи махсус нормалар¹.

Агарда ушбу мулоҳазани услубий-методологик асос қилиб олсак, у ҳолда хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқи ҳам икки турдаги нормалар бирикмасидан иборат бўлади. Уларнинг ичида махсус нормалар қандай намоён бўлади, деган савол туғилади. Ушбу масалани хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқи тизими билан узвий боғлиқ равишда ўрганиш лозим.

Ҳар қандай тармоқ (у соҳа ёки комплекс соҳа бўлишидан қатъи назар) қуйидаги таркибий тузилма, тартибда жойлашади: тармоқ — кичик тармоқ — институт —

¹ Қаранг: Мозолин В. Современная доктрина и гражданское законодательство. — М., 2008. — С.12.

субинститут — норма — новелла. Албатта, баъзи ҳолларда мегаинститут, суперинститут, квазиинститут иборалари ҳам қўлланади.

Одатда ҳуқуқ институти комплекс бўлиши истисно этилмайди. Бироқ ҳуқуқ нормаси комплекс бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар.

Хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқи тизими деганда, хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқи соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи юридик воситаларнинг муайян боғланиши, кетма-кетлик ва узвий асосда жойлашиши тартиби тушунилади. Бу ўринда юридик воситалар умумлашма тушунча бўлиб, у ўз таркибига институтлар ва нормаларни олади. Ҳуқуқий институт ёки норма хўжалик-тадбиркорлик комплекс ҳуқуқига мансуб бўлиши учун ё тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқий мақоми (албатта, фақат тадбиркорлик субъекти сифатида ҳуқуқий мақоми) ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, тадбиркорлик фаолияти ва субъектлари устидан давлат назоратини қўллашга тааллуқли бўлиши шарт.

Хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқи бугунги ҳуқуқий майдонда қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

— илмий-тадқиқотлар йўналиши сифатида (12.00.03. — тадбиркорлик ҳуқуқи, 12.00.04. — хўжалик ҳуқуқи илмий тадқиқотлар гуруҳларини бирлаштиради);

— юриспруденция соҳасида ўқув-таълим предмети сифатида ҳам бакалавриат, ҳам магистратура босқичларида мавжуд иқтисодий қонунчиликнинг норматив массиви тариқасида.

Уларнинг ҳар бири ўз тизимига эга. Бироқ ушбу тизимларнинг таркиби айнан бир хил институтлар ва нормаларни бирлаштиради. Тизимнинг асосий элементлари деярли бир хил.

Хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқи тизими доимий ривожланмоқда ва такомиллашмоқда. Демак, бу тизимнинг доимий ва бир хилда барқарор бўлиши фақат муайян давр учунгина хосдир. Ҳуқуқ фани юридик амалиёт, қонунчилик ривожланиши билан бойиб, ўзгариб бораверади.

Хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқи тизими муқаддима қисми умумий қоидалар тузилмасидан умумий қисм даражасига тадрижий ўсиб етди деб ҳисоблаш мумкин. Умумий қисм ушбу комплекс соҳанинг тушунчаси, миллий ҳуқуқ тизимидаги ўрни, предмети, тартибга солиш усули, тамойиллари, тизими, манбалари, норматив ва нонорматив массив тавсифи, тадбиркорлик фаолиятининг тушунчаси, моҳияти, белгилари, тадбиркорлик субъектлари тизими, уларнинг тавсифи ва бошқа бўлаклардан иборат бўлиши мумкин.

Махсус қисм тадбиркорлик субъектларининг вужудга келиш тартиби ва асослари (шу жумладан давлат рўйхати, ҳисобга қўйиш, чет эл субъектларини легализация қилиш), тадбиркорлик субъектларининг мулкӣ ҳолати, хўжалик тадбиркорлик шартномаларини тузиш, ижро этиш ва мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик, тадбиркорлик субъектлари банкротлиги, тадбиркорлик фаолияти устидан давлат назоратининг шакллари ва усуллари (антимонопол назорат, текширишлар, ҳисоботлар, солиқ ҳамда молиявий назорат ва ҳ.к.), тадбиркорлик фаолиятини институционал таъминлаш воситалари, қимматбаҳо қоғозлар бозори, инвестиция қурилмалари, ташқи иқтисодий фаолият, низоларни ҳал этиш, ҳуқуқий таъсир чоралари, тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя тизими кабилардан иборат. Баъзи муаллифлар (Е. Дойников ва бошқалар)

ушбу тизимда иқтисодиётнинг айрим тармоқларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш хусусиятларини алоҳида таркиб сифатида ажратиб кўрсатадилар.

Хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқининг таркибида махсус нормаларнинг мавжудлиги унинг тизими билан боғлиқлиги айtilган эди. Одатда бундай махсус нормалар комплекс ҳуқуқ соҳасини тартибга солувчи илмий-таҳлилий ва касбий-амалий ўзига хос функцияларни амалга оширишда намоён бўлади. Масалан, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоя тизими, айрим субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати, айрим хўжалик шартномалари (масалан, ички хўжалик шартномалари) ва шу каби нормаларни махсус нормалар сифатида талқин этиш мумкин. Бироқ ушбу тушунча ниҳоятда нисбий ва унинг моҳияти тўлиқ ўрганиб чиқилмаганлигини ёдда тутиш зарур.

Юқорида хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқи тизими динамик ўзгаришлар таъсири остида ривожланиб бориши таъкидланган эди. Ҳозирги вақтда бундай ўзгаришлар асосан глобал иқтисодий инқироз натижасида давлатнинг иқтисодиётга таъсири кучайганлигида, бозор тизимининг ўзини ўзи тартибга солиш механизмини қайта ташкил этишда, инвестиция институтлари қимматбаҳо қоғозлар бозори ва пул-кредит тизимининг норматив ҳуқуқий негизи жиддий қайта кўриб чиқиляётганлигида намоён бўлмоқда. Бу эса яқин келажакда хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқи тизимида янги элементлар, янги категориялар ва тушунчаларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Маълумки, тадбиркорлик соҳасидаги муносабатлар мураккаб таркибли ҳисобланиб, улар деярли барча ҳуқуқ тармоқлари таъсири остида бўлади. Бошқача айтганда, ушбу муносабатлар ҳам оммавий-ҳуқуқий, ҳам хусусий-ҳуқуқий муносабатлар орқали тартибга солинади. Кўпроқ муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи ва маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинаётганлигини қайд этиш лозим.

Айни пайтда миллий юриспруденция соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг алоҳида мустақил йўналиши сифатида 12.00.04. — хўжалик ҳуқуқи мавжуд. Ушбу йўналиш гарчи Олий Аттестация комиссиясининг расмий ҳужжатларида ўзининг ҳуқуқий асосларига эга бўлса-да, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, шу ихтисослик бўйича илмий тадқиқотлар деярли олиб борилмасдан қолмоқда. Бу соҳада бирорта номзодлик, ёки докторлик диссертациялари ҳимоя қилинмаган. Бироқ тадбиркорлик соҳаси ҳуқуқий тадқиқотлар доирасидан четда қолмаганлигини эътироф этиш лозим. Асосан бу соҳадаги тадқиқотлар фуқаролик хусусий йўналишида (масалан, субъектларнинг ҳуқуқий мақоми, хўжалик шартномаларининг айрим турлари, тадбиркорликнинг мулкый асослари ва ҳ.к.) амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси тадбиркорлик соҳасидаги тадқиқотларни жонлантириш мақсадида 12.00.03. — фуқаролик хусусий ихтисослигига тадбиркорлик ҳуқуқи йўналишини ҳам киритди. Маълумки, 12.00.03. таркибидаги барча ҳуқуқий фанлар — фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, фуқаролик процесси ҳам ҳуқуқнинг алоҳида тармоқлари сифатида эътироф этилган ва бу борада баҳсу эътирозлар йўқ. Бироқ хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқининг мавқеи борасида ягона қарашлар мавжуд эмас. Айрим олимлар хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқини қонунчилик тармоғи, илмий тадқиқотлар йўналиши ва юридик таълимнинг предмети сифатида тан олсалар-да, ҳуқуқ тармоғи эканлигига шубҳа билан қарайдилар. Жумладан, Ю. Х. Толстой хўжалик ҳуқуқига ҳуқуқларнинг комплекс (мажмуи) тармоғи сифатида қарайди. А. С. Алексеев эса фуқаролик ва маъмурий

ҳуқуқни бирламчи тизим, ҳўжалик ҳуқуқини иккиламчи, ҳосила тизим сифатида қараш лозим, дея ҳисоблайди. В. Ф. Яковлев ва В. И. Якушев ҳўжалик ҳуқуқи қонунчиликнинг соҳаси деб кўрсатсалар, О. А. Красавчиков ҳўжалик ҳуқуқини норматив массив деб ҳисоблайди. Академик Ҳ. Раҳмонқулов ҳўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқи миллий ҳуқуқ тизимидаги комплекс ҳуқуқ соҳаси эканлигини таъкидлайди. Академик В. В. Лаптев, профессорлар Б. Ибратов ва В. Мамутов ҳўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқи ҳуқуқнинг алоҳида тармоғи эканлигига далил-исбот келтирадидлар. Жумладан, В. Лаптев ҳўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқига шундай таъриф берган: «Ҳўжалик ҳуқуқи ҳўжалик юритишнинг мақсадга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида, ҳуқуқий бошқаришнинг турли хил усулларида фойдаланган ҳолда корхона, ташкилотлар ва уларнинг бўлимлари ўртасидаги ҳўжалик муносабатларини тартибга солувчи, ҳўжалик фаолиятини амалга оширувчи ва раҳбарлик тартибини белгиловчи қоидалардан иборат». Профессор Б. Ибратов ҳўжалик ҳуқуқи вертикал ва горизонтал ҳўжалик муносабатларини тартибга солади ҳамда улар уч гуруҳга бўлинади (иш бажариш, маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳасидаги муносабатлар, ҳўжалик фаолиятига раҳбарлик ва ички ҳўжалик муносабатлари), деб кўрсатади. Ҳўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи ҳуқуқ соҳаларидан бири бўлиб, мамлакатимизда бозор иқтисодий муносабатларига босқичма-босқич ўтишда давлат ва жамият манфаатларини ҳисобга олган, ҳўжалик субъектлари ўртасидаги юқоридан қуйига (вертикал) ва ён тарафга (горизонтал) бўладиган ҳўжалик (тадбиркорлик) муносабатларини тартибга солувчи ҳамда бозор шароитида давлатнинг иқтисодга раҳбарлик қилиш чора-тадбирларини белгиловчи ҳуқуқий қоидалар йиғиндисидан иборатдир, деб ҳисоблайди.

Фикримизча, тадбиркорлик ҳуқуқининг ҳуқуқ тармоғи ёки тармоғи эмаслиги тўғрисидаги баҳс-мунозаралар жиддий илмий аҳамиятга ва истиқболга эга эмас. Ижтимоий ҳаётда реал муносабатлар тартибга солинганда қонун чиқарувчи қандайдир формал догматик ёндашувлардан эмас, балки эҳтиёж, манфаат, мақсадга мувофиқлик ва самарадан келиб чиқиб ёндашади. Мақсад — иқтисодиётни, тадбиркорликни ривожлантириш ва унга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш экан, ушбу мақсадга хизмат қилувчи барча ҳуқуқий тартибга солиш усулларида самарали фойдаланиш зарур. Тадбиркорлик иқтисодиётдаги муҳим динамик жараён, воқелик. У муайян ҳуқуқий майдонда рўй бериши лозим. Тадбиркорлик жараёни ва фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий, фуқаролик ҳуқуқий қисмларга ажратиб ташлаш ва уларни яхлит, бус-бутун ҳолатда эмас, балки бўлакларга бўлинган ҳолда ҳуқуқий тартибга солиш кутилган самарани бермайди. Масалан, тадбиркорлик субъекти бўлган тижорат юридик шахсининг вужудга келишида таъсисчилар йиғилишини ўтказиш, устав фондани шакллантириш, ижро органини тузиш жараёни фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар, давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар доирасига киради. Лекин улар яхлит жараён. Ушбу жараёнларни ҳуқуқий тартибга солишда бир усул иккинчи усулга оҳисталик билан, деярли сезилмасдан ўтади (трансформация бўлади). Бунда босқичлар кетма-кетлиги, уйғунлиги таъминланади. Уларнинг барчаси пировард мақсад — тижорат юридик шахси — тадбиркорлик субъектини тузиш ва унинг нормал фаолиятини йўлга қўйишга бўйсундирилган. Фуқаролик муносабатларининг иштирокчилари ҳам, маъмурий муносабатлар иштирокчилари ҳам шунга интиладилар, шунга кўмаклашадилар.

Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлари ўзининг мазмунига кўра, мулкীয়-ҳуқуқий, ташкилий-ҳуқуқий, шахсий-ҳуқуқий (номоддий неъматларнинг баъзи турлари билан боғлиқ ва оилавий тадбиркорликдаги қон-қариндошлик асосидаги муносабатлар ва ҳ.к.) бўлиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, бугун цивилистика фанида ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқининг предмети бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги қараш тарафдорлари тобора кўпаймоқда¹. Масалан, тижорат юридик шахслари вужудга келишида бундай муносабатлар яққол намоён бўлади (таъсисчилар умумий йиғилишини ўтказиш), ички хўжалик муносабатлари соҳасида ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар кенг тарқалган дейиш мумкин.

Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлари тарафлар ўзаро муносабатларининг характери ва мақоми билан боғлиқ равишда маъмурий-ҳуқуқий (амр этиш — бўйсунуш, фармойиш — ижро) ва фуқаролик-ҳуқуқий (эрк, мухторият, кенг ҳуқуқлилик, мулкীয় мустақиллик, ташаббускорлик асосидаги) муносабатларга бўлинади.

Тадбиркорлик соҳасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар гоёт кенг қамровли ҳисобланади. Бироқ улар асосан қуйидагича туркумлашда кўпроқ намоён бўлади:

— тадбиркорлик субъектлари бўлган юридик шахсларнинг вужудга келиши (қарор қабул қилиш, устав жамғармасини шакллантириш, ижро органларини тузиш);

— тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, янги товар ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатишни ҳуқуқий расмийлаштирувчи шарномавий-ҳуқуқий муносабатлар;

— тадбиркорлик субъектларини қайта ташкил этиш, қайта тузиш, тугатиш билан боғлиқ муносабатлар.

Тадбиркорлик соҳасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ҳам қуйидаги туркум муносабатларда яққолроқ намоён бўлади:

— тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйиш борасидаги муносабатлар;

— тадбиркорлик субъектлари устидан давлат назоратини амалга ошириш борасидаги муносабатлар (лицензиялаш, режали ва режадан ташқари текширувлар, молия ва статистик ҳисоботлар ва ҳ.к.);

— тадбиркорлик субъектларини мажбурий тугатиш, қайта ташкил этиш, банкротлиги билан боғлиқ муносабатлар.

Тадбиркорлик субъектлари таркибий бўлинмалари ўртасидаги ички хўжалик муносабатларини ҳам икки гуруҳга бўлиш мумкин:

а) ички хўжалик шартномалари (оила пудрати, бригада пудрати ва ички хўжалик ҳисобига асосланган квази шартномалар);

б) меҳнат ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий характердаги муносабатлар (уларнинг кўплари корпоратив муносабатлар таркибига киради).

¹ Қаранг: Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, тизими ва тамойиллари. — Т., 2006.

*Э. Х. Нарбутаев**

КОНЦЕПТУАЛЬНОЕ ОСМЫСЛЕНИЕ ИНСТИТУТОВ ДОСУДЕБНОГО ПРОИЗВОДСТВА

Системный анализ институтов досудебного производства показывает, что в структурном плане они, во-первых, не обеспечивают логическую преемственность и взаимообусловленность, во-вторых, представляют скорее форму, чем содержание досудебного производства, которое заключается в доказательстве и выяснении обстоятельств, подлежащих доказыванию.

1. Возбуждение уголовного дела

Прежде всего, следует определиться: есть ли потребность в сохранении стадии возбуждения уголовного дела?

С одной стороны, доследственная проверка необходима для установления оснований, т.е. сбора данных, указывающих на наличие признаков преступления. Путем доследственной проверки осуществляется «отсев» материалов, не имеющих судебной перспективы, и тем самым регулируется рабочая нагрузка правоохранительных органов. Доследственная проверка рассматривается и как способ упреждения возможных нарушений прав лиц, вовлеченных в уголовно-правовой оборот, и судебных издержек. С другой, доследственная проверка, будучи ограниченной перечнем процессуальных действий, не может претендовать на полноценную стадию досудебного производства. Рамочное положение стадии возбуждения уголовного дела сужает оперативный простор лица, на которое возложено производство доследственной проверки. Более того, выбор в пользу возбуждения либо отказа в возбуждении уголовного дела, в свою очередь, позволяет корректировать судебно-следственную статистику о криминогенной ситуации в обществе.

Эти предварительные замечания позволяют сделать вывод, что стадия возбуждения уголовного дела является атрибутом изжившей модели уголовного судопроизводства, которая препятствует эффективному решению задач по быстрому и полному раскрытию преступлений, изобличению виновных и обеспечению правильного применения закона. О её несостоятельности свидетельствует и упрощенный в процессуальном смысле порядок рассмотрения заявлений, сообщений и иных сведений о преступлениях и возбуждения уголовного дела.

Первое — законодатель стадию возбуждения уголовного дела представляет в виде доследственной проверки, когда при необходимости проверяется законность повода и достаточность оснований к возбуждению уголовного дела непосредственно либо с помощью органов дознания не позднее десяти суток, и без производства доследственной проверки, когда заявления, сообщения и иные сведения о преступлениях рассматриваются немедленно. Спрашивается, при рассмотрении заявлений, сообщений и иных сведений о совершении преступлений какой категории следует проводить доследственную проверку, а в отношении каких нет? Ведь по результатам немедленного рассмотрения может быть принято одно из решений, предусмотренных ст. 330 УПК¹, в том числе об

* Профессор кафедры уголовного процесса Академии МВД Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор.

отказе в возбуждении уголовного дела. Примечательно также то, что доследственная проверка обусловлена лишь необходимостью рассмотрения заявления, сообщения и иных сведений о преступлениях в пределах десяти суток, а в исключительных случаях на основании постановления дознавателя или следователя срок доследственной проверки может быть продлён прокурором до одного месяца. Законодатель предписывает исчислять эти сроки с момента получения сведений о преступлении и до момента принятия решения о возбуждении дела или об отказе в возбуждении. Однако сроки доследственной проверки, как убеждает практика, относительноны во временном и содержательном плане и объясняются издержками производства тех или иных процессуальных действий и видом уголовного правонарушения. Временные пределы и ограниченность перечня процессуальных действий в ходе доследственной проверки не всегда позволяют в необходимом объеме восстановить картину содеянного и принимать подчас недостаточно обоснованные решения по результатам рассмотрения заявления, сообщения и иных сведений о преступлениях.

Второе — не определен статус процессуальных действий, производство которых разрешается в ходе доследственной проверки. Хотя законодатель, вопреки требованиям ст. 87 УПК, истребование дополнительных документов, объяснений, задержание лица, осмотр места происшествия, назначение экспертизы, а также следственный эксперимент при производстве судебной экспертизы относит к разряду следственных действий, они не могут быть возведены в этот ранг по причине их производства до возбуждения уголовного дела, когда на участников доследственной проверки не возлагается обязанность соблюдать процессуальные формальности.

Сведения, полученные без соответствующего процессуального оформления, не подлежат использованию в виде доказательства. Тогда не совсем ясна процессуальная природа данных, установленных в ходе доследственной проверки, указывающих на наличие признаков преступления, и правомерно ли с точки зрения допустимости доказательств принятие решения о возбуждении уголовного дела или отказе в возбуждении, а в последующем в подозрении лица в совершении преступления и предъявление ему обвинения. Весьма проблематична в этом контексте применимость сведений, добытых оперативно-розыскным путем, т.е. документов, представленных сотрудниками органов дознания, о вовлечении которых в проверку законности повода и достаточности оснований к возбуждению уголовного дела упомянуто в ч.1 ст.329 УПК.

Третье — противоречивые по содержанию положения, регламентирующие порядок возбуждения уголовного дела, осложняют правоприменительный процесс, поскольку, с одной стороны, законодатель обязывает следователя и дознавателя направлять прокурору копию постановления о возбуждении уголовного дела, которое может быть отменено в случае признания его незаконным, с другой, предписано немедленно вслед за возбуждением дела принять меры к пресечению дящихся и предотвращению повторных преступлений, а равно закреплению и охране следов преступления, предметов и документов, имеющих значение для дела (ст. 331 УПК). Иными словами, следователь и дознаватель в целях немедленного пресечения дящихся и предотвращения повторных преступлений, а также закреплению и охраны следов преступления, предметов и документов, имеющих значение для дела, должен начать предварительное расследование. Если же прокурор отменит постановление о возбуждении уголовного

¹ Здесь и далее: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан). — Т., 2004.

дела, то действия следователя и дознавателя, точнее производство следственных действий окажется за рамками закона. Обжалование решения прокурора и процедура ее рассмотрения не восполнит упущенное время и возможности пресечения преступления и закрепления следов преступления.

Четвертое — при решении вопроса о возбуждении уголовного дела отдается предпочтение не поводу к возбуждению уголовного дела, а основаниям. Законодатель предлагает критически оценить изложенные в заявлении или сообщении факты о преступлениях путем доследственной проверки, и в случае сбора данных, указывающих на наличие признаков преступления, вынести постановление о возбуждении уголовного дела. Однако отсутствие повода к возбуждению уголовного дела исключает доследственную проверку. Следовательно, на стадии возбуждения уголовного дела повод к возбуждению есть константа, и проверка изложенных в заявлении или сообщении сведений о преступлении доследственным либо предварительным расследованием, на первый взгляд, не столь важна. Вместе с тем, установление оснований для возбуждения уголовного дела, т.е. данных, указывающих на наличие признаков преступления, как императивный атрибут доследственной проверки ей несвойственен ввиду наличия временных и процессуальных ограничений. Поэтому возбуждение уголовного преследования по каждому поводу без предварительной проверки и расследование фактов, изложенных в заявлении или сообщении о преступлении, прекращение уголовного производства в случаях неустановления данных, указывающих на наличие признаков преступления, хотя и скажется на судебной статистике, но позволит избежать ступенчатого «сита» и манипулирования институтом возбуждения уголовного дела.

2. Форма досудебного производства

Законодатель дифференцирует досудебное производство на предварительное следствие и дознание. Однако трудно провести границу между ними, если руководствоваться диспозициями норм, регламентирующих процессуальный статус и функции дознания, которые противоречивы как структурно, так и императивно.

Первое — закреплено, что дознание состоит в производстве неотложных следственных действий, классификация которых по критерию неотложности в УПК не предусмотрена. Комплекс неотложных следственных действий имеет конкретную, но ограниченную направленность: предупредить или пресечь совершение преступления; собрать и сохранить доказательства; задержать подозреваемых в совершении преступления и разыскать скрывшихся подозреваемых и обвиняемых и, наконец, обеспечить возмещение имущественного вреда, причиненного преступлением (ст. 339 УПК). Следственные же действия по выполнению задач уголовно-процессуального законодательства (ст.2 УПК) по быстрому и полному раскрытию преступления, изобличению виновных и обеспечению правильного применения закона при дознании производить не рекомендуется.

Второе — закреплено, что на органы дознания возлагается принятие необходимых мер с использованием научно-технических средств (каких, несвойственных для предварительного следствия?) в целях обнаружения признаков преступления и лиц, его совершивших (что не включено в перечень задач дознания), выявления данных, которые могут быть востребованы в качестве доказательств по уголовному делу после их проверки (хотя дознание есть одна из форм предварительного расследования, а не проверки) в соответствии с правилами УПК (относительно доследственной проверки или же предварительного расследования?). Оговорки к тексту диспозиции ч.2 ст.339 УПК указывают на её взаимообусловленность с ч.1 ст.339 УПК, ибо дознание состоит

не из принятия процессуально неосмысленных мер, а в производстве неотложных следственных действий, что тем более исключает применение отдельными органами дознания оперативно-розыскных мер.

Третье — закреплено, что началом дознания следует признать возбуждение уголовного дела или принятие к производству возбужденное прокурором или начальником органа дознания уголовного дела и производство неотложных следственных действий. Следовательно, доследственная проверка фактов, изложенных в заявлении или сообщении о преступлении, несвойственная для дознания функция. Возникает вопрос: оперируя чем дознаватель либо начальник органа дознания может принять решение о возбуждении уголовного дела, если дознание состоит только из производства неотложных следственных действий? Тогда какой орган осуществляет доследственную проверку и вправе направлять её результаты органу дознания? Хотя в ч. 1 ст. 329 УПК предписано органу дознания оказать помощь (не уточнено кому) в проверке законности повода и достаточности оснований к возбуждению уголовного дела.

Четвертое — закреплено, что дознание оканчивается передачей уголовного дела следователю по истечении десяти суток или же немедленно в случаях, предусмотренных ч.2 ст.342 УПК, что обуславливает схему отношений «дознание — следствие». Если же принять во внимание, что доследственная проверка несвойственна дознанию, а является неотъемлемой частью предварительного следствия, то схема может быть скорректирована: «следствие — дознание — следствие», что парадоксально и по последовательности, и по содержанию, поскольку оперативно-розыскные возможности органов дознания востребованы именно в ходе доследственной проверки. В процессуальном плане органы дознания менее квалифицированы, чем органы предварительного следствия, когда речь идет о производстве и оформлении следственных действий, в том числе неотложных. Обязательное производство дознания по всем категориям уголовных дел, как вытекает из диспозиций ст. ст. 340—342 УПК, особенно на ранней стадии расследования практически не оправдано. В свою очередь, идея передачи органами предварительного следствия материалов доследственной проверки органу дознания во исполнение предписания законодателя для возбуждения уголовного дела не совсем логична.

Пятое — перечень органов, на которые возлагается производство дознания (ст. 38 УПК), объясняет ошибочность законодательной регламентации дознания в качестве стадии, предваряющей предварительное следствие, о чем свидетельствует процессуальная несамостоятельность дознавателя, который решение о возбуждении уголовного дела и по находящемуся в его производстве уголовному делу принимает по согласованию с начальником органа дознания и выполняет поручения следователя о производстве следственных и розыскных действий в соответствии с его указаниями об условиях, порядке и сроках исполнения (ст. ст. 39 и 343 УПК).

По-видимому, законодатель, обозначив процесс расследования фактов, изложенных в заявлении или сообщении о преступлении, совершенном в местах, отдаленных от дислокации органов предварительного следствия (на кораблях, воздушном судне, в учреждениях исполнения наказания и др.), дознанием, попытался тем самым придать особый процессуальный статус органам дознания. Однако, определяя задачи дознания, законодатель сформулировал по сути перспективу преобразования его в единственную форму досудебного производства. Это подтверждается следующими аргументами:

1) дознание по сравнению с предварительным следствием обладает достаточно широким арсеналом и спектром действий: а) правом возбуждения уголовного дела; б) производством следственных действий; в) принятием необходимых мер с использованием

научно-технических средств; г) выявлением данных, которые могут быть использованы в качестве доказательств при помощи оперативно-розыскных мер. Тогда как предварительное следствие ограничено рамками производства следственных действий;

2) на дознание возложены задачи, подчас не свойственные предварительному следствию, в частности, пресечение совершения преступления, розыск скрывшихся подозреваемых и обвиняемых;

3) предварительное следствие, согласно диспозиций норм, регламентирующих дознание и общие условия предварительного следствия, по сути есть стадия процессуального оформления подозрения и обвинения в совершении преступления различной тяжести, приостановления, возобновления и окончания предварительного следствия в виде прекращения уголовного дела либо направления его в суд. Сбор и сохранение доказательств, задержание подозреваемых в совершении преступления, розыск скрывшихся подозреваемых и обвиняемых, обеспечение возмещения имущественного вреда, причиненного преступлением, в соответствии с ч. 1 ст. 339 УПК формируют процесс дознания. Таким образом, если предварительное следствие рассматривается в статике, то дознание — в динамике, т.е. поиск следов преступления, установление и розыск подозреваемого лица путем применения оперативно-розыскных мер и использования научно-технических средств вместе со следственными действиями, производству которых в режиме неотложности безусловно будет препятствовать сохранение стадии возбуждения уголовного дела;

4) процессуальная неопределенность дознания на фоне предварительного следствия объясняется именно наличием не взаимодополняющих, а взаимоисключающих институтов процессуального права;

5) прерогатива суда в установлении виновности лица и реализация основ состязательности на стадии досудебного производства обезличивает институт предварительного следствия;

6) дознание, будучи процессом неравнозначным понятию «орган дознания» по форме и содержанию, вправе претендовать на приоритетную форму досудебного производства.

Составляющие атрибуты дознания — производство неотложных следственных действий, использование научно-технических средств и применение оперативно-розыскных мер в комплексе представляют адекватную криминологическим реалиям конструкцию оперативно-следственной и экспертной службы противодействия общеуголовной и организованной преступности. Мобильная по строению структура способна обслуживать и вызовы о фактах совершения преступлений в местах, отдаленных от места ее дислокации.

Определяя степень соответствия задач досудебного производства задачам, возложенным на дознание (ч. 1 ст. 339 УПК), можно установить их аутентичность. В частности, предупреждение или пресечение совершения преступления; сбор и сохранение доказательств; задержание подозреваемых в совершении преступления и розыск скрывшихся подозреваемых; обеспечение возмещения имущественного вреда, причиненного преступлением, что вписывается в рамки состязательного досудебного производства.

3. Содержание досудебного производства

В последние годы на фоне расширения полномочий защиты все более отчетливо ощущается громоздкость и организационная уязвимость процессуального механизма раскрытия преступлений и изобличения лиц, совершивших преступление. Поэтому по мере обеспечения открытости уголовной юстиции и упрощения досудебного производства в контексте усиления состязательных начал на предварительных стадиях уголовного

преследования система процессуальных действий, разумеется, будет обретать относительно гибкую форму как в структурном, так процедурном аспекте. В свою очередь, акцент на легализацию оперативных аспектов процессуальных действий не только обуславливает необходимость развития доверительных отношений к лицам, осуществляющим дознание, но и реанимирования законодательного порядка производства следственных и иных процессуальных действий.

Первое — закреплено, что некоторые следственные действия (выемка, осмотр, освидетельствование, эксперимент, предъявление для опознания, проверка показаний на месте события, получение образцов для экспертного исследования, эксгумация трупа) производятся с участием не менее двух понятых (ч. 1 ст. 352 УПК). В случае же неучастия понятых при производстве упомянутых следственных действий сведения, полученные в ходе их производства, не могут быть отнесены к числу доказательств ввиду несоблюдения требований о допустимости доказательств. Однако при производстве судебных экспертиз, ревизий, прослушивании переговоров, ведущихся с телефонов и других переговорных устройств, участие понятых не обязательно, хотя они входят в перечень следственных действий, предусмотренный ст. 87 УПК. На первый взгляд, это объясняется процедурными особенностями производства экспертиз и ревизий, а равно прослушивания переговоров, ведущихся с телефонов и других переговорных устройств. Тогда присутствием гражданских лиц, не заинтересованных в исходе дела и вполне способных удостоверить факт производства следственного действия, его хода и результатов (в частности, при эксгумации трупа присутствуют представители органов здравоохранения, места захоронения, врач-специалист или эксперт, родственники усопшего), либо возможностью производства других следственных действий в целях устранения сомнений (к примеру, назначение судебной экспертизы в случаях установления недостоверности хода и результатов освидетельствования или же получения образцов для экспертного исследования) можно объяснить несостоятельность участия понятых при производстве следственных действий, упомянутых в ч.1 ст.352 УПК. По сути, сохранение института понятых означает сохранение искусственного барьера для дознания, неоправданного как с точки зрения производства неотложных следственных действий во время дознания, так и процедуры производства следственных действий. С участием или же без участия понятых, которые, как правило, выполняют миссию «страховщика», вероятность фальсификации результатов высока при производстве практически всех следственных действий. И, как предусмотрено ст. 94 УПК, в подобных случаях «проверка состоит в собирании дополнительных доказательств, которыми могут быть подтверждены или опровергнуты проверяемые доказательства», т.е. достоверность производства и результатов следственного действия могут быть проверены производством дополнительных следственных действий.

Кроме того, институт понятых сужает сферу применения дознанием необходимых мер с использованием научно-технических средств в целях обнаружения признаков преступления и лиц, его совершивших, выявления улик, которые могут быть использованы в суде в качестве доказательств виновности подсудимого (ч.2 ст.335 УПК), а также сдерживает расширение оперативно-розыскных возможностей дознания. Декларативность нормы, регламентирующей вовлечение граждан в качестве понятых, превратила их участие в уголовном процессе скорее всего в формальность. Таким образом, атрибут советской системы досудебного производства мутирует, преобразовываясь в институт материально стимулируемых дознанием штатных понятых.

Второе — законодатель, определяя виды доказательств, в ст. 81 УПК неоднозначно изложил диспозицию ее второй части, признав доказательствами протоколы следственных и судебных действий наряду с показаниями свидетеля, потерпевшего, подозреваемого, обвиняемого, подсудимого, вещественные доказательства, материалы звукозаписи, видеозаписи и кинофотосъемки, которые, как известно, отражаются именно в протоколах следственных и судебных действий. Следовательно, показания, материалы звукозаписи, видеозаписи и кинофотосъемки могут быть получены и без соблюдения формальностей их процессуального оформления, т.е. оперативно-розыскным путем. Кроме того, законодатель, придав иным документам статус доказательства, тем самым поощряет неограниченность перечня процессуальных действий, производство которых при установлении источников фактических данных об обстоятельствах совершения преступления может иметь значение для правильного разрешения дела. Неконкретизация же разновидностей оперативно-розыскных и необходимых мер в целях обнаружения признаков преступления и лиц, его совершивших, с использованием научно-технических средств, которые обновляются и дополняются по мере развития научного прогресса, конечно же, свидетельствует о достаточно солидном арсенале процессуальных действий, производство которых не исключается в ходе дознания. Однако оперативно-розыскная направленность дознания обуславливает необходимость терминологической коррекции относительно понятия «доказательство», ассоциируемое с предварительным следствием, когда фактические данные устанавливаются производством следственных действий и с обязательным соблюдением формальностей при процессуальном оформлении его хода и результатов. Во время дознания, где превалирует производство процессуальных действий оперативно-розыскного характера, фактические данные скорее всего устанавливаются путем сбора улик, которые обретают статус доказательства виновности лица после их исследования сторонами обвинения и защиты в суде.

Третье — закреплено, что доказывание состоит в собирании, проверке и оценке доказательств с целью установления истины об обстоятельствах, имеющих значение для законного, обоснованного и справедливого разрешения дела (ст. 85 УПК). Вместе с тем рекомендовано устанавливать истину в рамках следственных действий, предусмотренных ст. 87 УПК, и в соответствии с условиями и предписанными правилами, изложенными в нормах УПК. С одной стороны, конкретный перечень следственных действий и регламентированная процедура их применения обеспечивают прозрачность уголовно-процессуальных отношений и порядок производства по уголовным делам. С другой, конкретный перечень следственных действий, осуществляемых с соблюдением предписанных законодателем требований их производства, ограничивает возможности участников доказывания и тем самым препятствует установлению истины, поскольку соблюдение процессуального порядка производства по уголовным делам оказывается приоритетнее установления истины об обстоятельствах, имеющих значение. Ко всему, строгое предписание о допустимости тех доказательств, которые собраны в соответствии с условиями, изложенными в ст. ст. 92–94 УПК, способствуют дистанцированию оперативно-розыскных и следственных структур уголовной юстиции, обесценивают усилия оперативно-розыскной деятельности в установлении истины. Поэтому по мере реализации принципа состязательности в досудебном производстве, когда дознание будет обретать более отчетливую функцию обвинения, необходимость в строгой регламентации перечня следственных действий и порядка их производства отпадёт.

Д. М. Миразов*

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА СУД КОНТРОЛИ ИНСТИТУТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўлига бағишланган концептуал нутқида: «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, уни амалга оширишнинг аниқ процессуал механизмини яратиш жиноят процессининг судгача бўлган босқичида жиноий таъқиб қилинадиган фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатига айланади»¹, — дея таъкидлаган эди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши тўғрисида»ги фармонида белгилаб берилди. Ушбу норматив ҳужжатда белгиланган вазифалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунда ўзининг аниқ ифодасини топди. Ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал кодекси, «Судлар тўғрисида»ги ва «Прокуратура тўғрисида»ги қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қонун қабул қилинган, ўтган даврда олиб борилган баҳс ва мунозараларга чек қўйилиб, қонуннинг туб моҳиятини тушуниш ва уни тўғри қўллаш кун тартибидаги долзарб вазифага айланди.

Мазкур қонун Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессида янги институт — суд контроли институтининг жорий қилинганлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб қўйди. Суд контроли институти судларнинг одил судловни амалга ошириш функцияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у энди шахснинг жиноят ишига доир ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг дастлабки тергов босқичида ҳам таъминланишига хизмат қилади.

Фикримизча, жиноят процесининг судга қадар иш юритиш босқичларида суд ваколатларининг кенгайтирилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари,

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят процесси кафедрасининг бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

¹ Каримов. И. А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маъруза // Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий тизимни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. — Т., 2008. — 42-бет.

аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлаш заруриятидан келиб чиққан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини ҳам назарда тутаяди. Хусусан, 1966 йилда қабул қилинган «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт»нинг 9-моддаси 3-қисмига асосан «жиноий айблов билан қамалган ёки ушланган ҳар бир шахс судья ёки қонун бўйича суд ҳукмронлигини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва айбланаётган шахс оқилона муддат ичида иши судда кўрилиши ёки озод қилиб юборилиш ҳуқуқига эга»¹.

Ушбу масала кўп қиррали ва зиддиятли эканлиги барчага маълум. Биринчидан, ушбу институт жиноят процессининг судга қадар босқичларига илк маротаба киритилганлиги боис, уни амалга оширишнинг механизми ҳали амалда синалмаган ва у деталлаштиришни талаб қилади; иккинчидан, у ҳозирги кунда амалдаги прокурорлик назорати институти билан қандай нисбатда бўлиши мавҳум; учинчидан, тан олиш керакки, қонунда бундай фавқулодда эҳтиёт чорасини қўллашда юзага келувчи барча муаммоли ҳолатлар ўзининг мантиқий ечимини топмаган; тўртинчидан, бугун мутасадди идоралар томонидан тайёрланаётган ва ушбу қонуннинг тўғри қўлланилишига доир раҳбарий қоидалар ушбу зиддиятларнинг ечимларини тўла кўрсатиш ўрнига, баъзан уларни чигаллаштирувчи ҳолатлардан ҳам холи эмас.

Бу ерда контрол ва назорат сўзларининг луғавий маъноларини ўзаро фарқлаш ва терминларни қўллашда ягона ёндашувга амал қилиш керак, деб ўйлаймиз. Чунки назорат деганда, бирор ишнинг бажарилишини доимо кузатиш, текшириш тушунилади². Бунга мисол Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи барча прокурорлар амалга оширади», — дея белгиланганидир.

Контрол эса текширишга оид фаолият бўлиб, текшириш мақсадида кузатишни англатади³. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, баъзи муаллифларнинг⁴ «суд назорати» терминини нотўғри қўллаётганларини қайд этиш мумкин.

Чунки жиноят ишлари бўйича судлар тергов органларининг фаолиятини, яъни дастлабки тергов жараёнини, унда амалга оширилаётган ҳаракатларни, қабул қилинаётган қарорларни назорат қилмайди, балки айнан шу ҳаракат ва қарорларнинг қонуний ва асосланган бўлишини таъминлаш мақсадида текширишни амалга оширадilar.

Суд контроли дастлабки тергов идоралари фаолиятининг бир жиҳатини қамраб олиб, судга қадар иш юритиш босқичида гумон қилинувчининг ушлаб турилиши

¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. — Т., 2004. — 40-бет.

² Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — Т., 1981. — 493-бет.

³ Ўша манба. — 397-бет.

⁴ Масалан, қаранг: Раҳмонова С. Суд назорати: у жиноят процессида қандай ўрин тутаяди? // Ҳаёт ва қонун. — 2005. — № 4. — 38-бет.

қонунийлигини текшириш, лозим ҳолларда унинг муддатини узайтириш, ушланган гумон қилинувчи ва айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки уни қўллашни рад этиш, бу эҳтиёт чорасининг муддатини узайтириш ҳамда ушбу масалада суд мажлисини ўтказиш кабиларни қамраб олади.

Суд контроли институти бир қатор чет эл, жумладан МДҲ мамлакатларининг жиноят процессида одил судлов функцияси билан бирга тенг ва кенг қўлланилади. Россия Федерацияси, Латвия, Литва, Эстония, Молдова давлатларида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақат суд томонидан қўлланилмоқда. Украина, Беларусь, Қозғистон, Озарбайжон, Арманистон ва Грузияда эса прокурорнинг бу ҳақдаги қарори устидан судга шикоят билан мурожаат қилиш тартиби белгиланган. Бунда судлар тергов ва суриштирув органларига инсоннинг асосий ҳуқуқларини чеклашга йўналтирилган ҳаракатлари ва қарорларини амалга оширишга рухсат беради ва уларнинг қонунийлигини келиб тушган шикоят ва протестларни текшириш асосида баҳолайди.

Мамлакатимизда судларнинг дастлабки тергов идораларининг фаолияти устидан контролни амалга ошириш функцияси қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш масаласини кўриб чиқиш, ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асосланганлигига баҳо бериш, тергов ва суриштирув органларининг қарорлари ва ҳаракатлари устидан берилган шикоят ва аризаларни ҳал этишдан иборат. Албатта, бунда суднинг жиноят иши бўйича дастлабки терговда иштирок этиши мумкин эмаслиги ва исботлаш жараёнидаги процессуал муносабатларга киришишга ҳақли эмаслигини алоҳида таъкидлаш керак.

Суд контролининг мақсади ҳақида И. Л. Трунов: «... у жинойӣ таъқиб идораларининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклашга йўналтирилган қарорлари ва ҳаракатларининг қонунийлиги ва асосланганлигини таъминлашдан иборат»¹, — дея таъкидлайди. Дастлабки тергов босқичида суд контролининг мақсади, бузилган ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатни тиклаш ҳамда йўл қўйилган қонун бузилиши оқибатларининг олдини олиш ва бартараф этишдан иборатлигини В. В. Горбань ҳам таъкидлайди².

Суд контролининг мақсади ҳақида юқоридаги фикрларни рад этмаган ҳолда, уларга аниқликлар киритиб олиш зарур, деб ўйлаймиз. Демак, жиноят процесининг судгача иш юритув босқичлари устидан суд контролининг мақсадларини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- 1) эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллаш, унинг муддатини узайтириш;
- 2) ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасининг қонуний ва асосли қўлланилганлигига баҳо бериш, унинг муддатини узайтириш;
- 3) суриштирув ва дастлабки тергов идораларининг қарорлари ва ҳаракатларининг қонунийлиги тўғрисидаги шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал этиш.

Суд контроли процессуал доирада амалга оширилиб, дастлабки тергов идоралари томонидан қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш ёки улар томонидан бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларнинг аввалги ҳолатини тиклаш мақсадида амалга

¹ Трунов И. Л. Защита прав личности в уголовном процессе. — М., 2005. — С. 14–15.

² Қаранг: Горбань В. В. Судебный контроль в стадии предварительного расследования. — М., 2004. — С. 39.

оширилади. Суд контроли институти жиноят процессида ҳуқуқни тиклаш функциясининг амалда ишлашини таъминлашга хизмат қилади. Чунки суд, биринчидан, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг ҳаракатлари ва қарорларининг қонунийлигини ҳамда асосланганлигини текшириш имкониятига эга бўлса, иккинчидан, у суриштирув ва дастлабки тергов органларининг ноқонуний ва асоссиз қарорларини (масалан, ушлаб туришга доир) бекор қила олиши мумкин.

Судлар контролни амалга ошириш орқали жиноят процессининг иштирокчисига айланган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг кафолатчисига айланади.

Айнан шу жиҳати билан суд контроли жиноят ишларини судга қадар юритиш жараёнида амалга ошириладиган прокурорлик ва идоравий-процессуал назоратдан бир қанча асосларга кўра устун дейиш мумкин.

Ушбу асослар қуйидагилардан иборат:

— суд жиноят процессининг мустақил иштирокчиси бўлиб, дастлабки терговнинг сифати, яъни суриштирув, дастлабки тергов органлари ва прокурорлар фаолиятининг натижаларига боғлиқ эмас;

— жиноятларнинг очилиши кўрсаткичлари учун курашмайди, дастлабки терговда инсоннинг асосий ҳуқуқларини чеклашга фақат суд рухсат беради (масалан, қамоққа олишга) ва бундай масалалар суд томонидан ҳал этилади;

— уларни ҳал этиш аниқ процессуал тартиб асосида, тарафларнинг тортишувига таяниб амалга оширилади;

— судда масалани кўришда манфаатдор томонларнинг иштирок этиши, албатта, инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатларига қатъиян чек қўйилишига хизмат қилади, бу эса, дастлабки терговда инсон ҳуқуқларига риоя қилишнинг яна бир кафолати пайдо бўлганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, судларга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормалари асосида дастлабки тергов босқичида қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашга рухсат бериш ваколатининг берилиши суриштирув, дастлабки тергов ва прокуратура органларининг инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқларини чеклашга қаратилган ҳаракатлари ва қарорларининг қонунийлиги ҳамда асосланганлигини таъминлашга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Т. Р. Саитбаев*

**ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ИССЛЕДОВАНИЙ
МЕТОДОЛОГИЧЕСКИХ ОСНОВ
ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОГО ПРАВА**

За исторически короткий период в Республике Узбекистан произошли изменения в политической, социально-экономической, нравственно-духовной сферах и достигнуты значительные результаты в деле построения независимого демократического правового государства. Особая роль в этом процессе была отведена преобразованиям в судебной-правовой сфере, в частности, либерализации всей правоохранительной системы, целью которой является обеспечение, в первую очередь, защиты прав и свобод граждан, а также общественной безопасности и борьбы с преступностью¹.

На сегодняшний день «практически на качественно новой основе сформирована вертикальная и горизонтальная структура органов внутренних дел, определены приоритетные направления поэтапного формирования эффективной системы обеспечения общественной безопасности, основанной на использовании современных средств и методов борьбы с преступностью и сохранения правопорядка»². В результате предпринимаемых мер в Узбекистане за последнее время значительно стабилизировалась криминогенная обстановка, тенденция роста преступности значительно ниже, чем в других странах СНГ.

Дальнейшее совершенствование деятельности оперативных аппаратов органов внутренних дел неразрывно связано со многими факторами, одним из которых является углубленное изучение теоретических проблем, напрямую зависящих от научной разработанности методологических основ оперативно-розыскного права. В специальной литературе сформировалась позиция о том, что развитие оперативно-розыскного права невозможно без исследования специфической для деятельности оперативных аппаратов методологической базы, включающей в себя системы мировоззренческих принципов, теоретических концепций, категорий и понятий, методов и связей, определений и терминов³.

* Заместитель начальника Академии МВД Республики Узбекистан, доктор юридических наук.

¹ См.: *Кадыров Р.* Защита прав и свобод граждан — главная цель судебной-правовых реформ // Фуқаролик жамияти. — 2008. — № 2. — С. 44–45.

² *Каримов И.А.* Праздничное поздравление сотрудникам органов внутренних дел Республики Узбекистан // На посту. — 2007. — 25 окт. — № 43.

³ Попытки исследования отдельных методологических проблем предпринимались некоторыми учеными. См.: *Елинский В.И.* Основы методологии теории оперативно-розыскной деятельности. — М., 2001; *Шумилов А.Ю.* Основы уголовно-розыскного права (правовое регулирование оперативно-розыскной деятельности). — М., 2000; Основы оперативно-розыскной деятельности. — СПб., 2002; Оперативно-розыскная деятельность. — М., 2002; *Саитбаев Т.Р.* О необходимости дальнейшего развития теоретических исследований проблем оперативно-розыскного права // Хуқуқ фанни ривожлантириш ва юқори малакали юристлар тайёрлашинг долзарб муаммолари. — Т., 2004. — С. 168–169.

Актуальность и необходимость дальнейшего изучения теоретических основ оперативно-розыскного права обусловлены целым рядом причин.

Во-первых, в настоящее время, к сожалению, в оперативно-розыскном праве, в отличие от других юридических наук, теоретические разработки продолжают основываться на устаревших знаниях и методологии, разработанных еще в социалистический период.

Во-вторых, в настоящее время создана сложная система нормативно-правовой регламентации оперативно-розыскной деятельности в рамках конституционного, уголовно-процессуального, уголовно-исполнительного, таможенного и иных законодательств. Кроме того, рассматриваемая деятельность нашла свое закрепление в целом ряде законов, подзаконных нормативно-правовых актах, а также международно-правовых актах¹.

В-третьих, произошли существенные изменения в структуре преступности и деятельности оперативных аппаратов в условиях появления новых способов совершения преступлений и маскировки их следов, увеличения латентных преступлений.

В-четвертых, в настоящий период возникает острая необходимость научного осмысления новых направлений деятельности оперативных аппаратов в борьбе с терроризмом, религиозным экстремизмом, торговлей людьми, преступлениями в сфере информационных технологий и др., которые невозможны без научной разработки методологических основ и методов познания теории оперативно-розыскного права.

В-пятых, современные реалии развития государственности обуславливают необходимость реформирования системы оперативно-розыскной деятельности, предусмотрение иного порядка осуществления, документального оформления, возможности использования результатов деятельности оперативных аппаратов, введение новых институтов оперативно-розыскного права.

При разработке методологических проблем оперативно-розыскного права необходимо провести теоретический анализ содержания системы оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел, ее структуры, развивающихся научных концепций. Такой содержательный анализ, как справедливо отмечает В.И.Елинский, позволит не только более строго очертить границы предметной области существующей теории оперативно-розыскного права, но и раскрыть потенциальные возможности и тенденции ее дальнейшего развития, выявить пути решения новых научно-практических задач, стоящих на современном этапе перед оперативно-розыскной наукой².

Один из представителей узбекистанской школы оперативно-розыскного права утверждает, что методология оперативно-розыскного права, методы познания и методы самой оперативно-розыскной деятельности являются тождественными понятиями³.

¹ См.: Саитбаев Т.Р. О дальнейшем совершенствовании правовой регламентации оперативно-розыскной деятельности // Узбекистон Республикаси суд-хуқуқ тизимини либераллаштиришнинг асосий йўналишлари. – Т., 2007. – С. 223–226.

² См.: Елинский В.И. Основы методологии теории оперативно-розыскной деятельности. – М., 2001. – С. 101–102.

³ См.: Пулатов Ю.С. Методология развития теории и совершенствования практики ОРП в современных условиях // Теория и практика оперативно-розыскной деятельности в борьбе с преступностью. – Т., 2005. – С. 8-12.

Такой подход глубоко ошибочен, ибо он абстрагируется и не учитывает общетеоретические методологические положения. Как справедливо отмечается в научной литературе, понятие «методология» шире понятия «методы познания». Это обусловлено тем, что методология общей теории права, как определенная область научного знания, не сводится только к методам теоретического познания права. Методы познания составляют лишь центральную часть этой методологии, тот конечный результат, который получен в ходе соответствующих научных изысканий, нашел свое научное признание, а значит, пригоден для практического применения. Другую же ее часть составляют разного рода эмпирические знания, не устоявшиеся теоретические положения, научные предположения, обоснования и объяснения уже признанных методов познания и т.п.¹

В научной литературе методология юридических наук, как правило, трактуется как совокупность определенных теоретических принципов, логических приемов и специальных методов (способов) исследования государственно-правовых явлений². При разработке методологических проблем ученые исходят из того, что каждая конкретная юридическая наука немыслима без своей методологической базы, а разработка методологии составляет непосредственную сферу и важнейшую задачу специалистов в области конкретных юридических наук³.

Разработка методологии оперативно-розыскного права как юридической науки предполагает обязательный учет трех аспектов:

во-первых, исследование общих философских основ юридической науки, особенно тех принципов, с позиции которых следует подходить к определению роли и места этой науки в системе наук об обществе;

во-вторых, разработка методологических основ науки в целом, исходя из предмета юридической науки как обобщенного понятия. Исследования такого рода — сфера теории права, поскольку она исследует такие общие понятия, как право, правовая норма и т.д.;

в-третьих, исследование методологии конкретных юридических наук, решение отдельных проблем науки с позиции познания их гносеологической сущности, понимания связи между ними, использования для такого решения категорий и законов развития, теории познания⁴.

Существование конкретной науки как самостоятельной области знаний оправдано только в том случае, если предметом ее изучения являются объективные закономерности действительности. Указание на эти закономерности как на предмет познания и составляет существенную часть определения предмета каждой науки⁵. Определение

¹ См.: *Тультеев И.Т.* Правотворческая деятельность и прогнозирование. — Т., 2005. — С. 56-57.

² См.: *Керимов Д.А.* Философские основания политико-правовых исследований. — М., 1986. — С. 38-40; *Сырых В.М.* Метод правовой науки: основные элементы, структура. — М., 1980. — С. 6-7; *Хан С.В.* Право как объект философского осмысления // *Методологические проблемы права.* — Т., 1995. — С. 6-7; и др.

³ См.: *Каюмов Р.К.* Теория государства и права как методологическая юридическая наука // *Методологические проблемы права.* — Т., 1995. — С. 40-43; *Джумабаев К.Н.* Методология познания правовой государственности // *Хуқуқ-Право-Law.* — 1999. — № 3. — С. 63-66; *Саидов А.Х.* Сравнительное правоведение на пороге XXI века: итоги и перспективы // *Хуқуқ-Право-Law.* — 1999. — № 2. — С. 3-15; и др.

⁴ См.: *Белкин Р.С.* Криминалистика: проблемы, тенденции, перспективы. Общие и частные теории. — М., 1987. — С. 11-12.

⁵ См.: *Белкин Р.С.* Теория отражения и принципы построения методологических основ конкретных юридических наук // *Труды ВШ МВД.* — М., 1970. — Вып.27. — С. 56.

предмета теории оперативно-розыскного права является основополагающим для выявления методологических основ, но не исчерпывает понятия методологии. Составным элементом методологии является учение о методах познания, в том числе и о методах формирования теоретических положений, о методах конструирования теории. Следовательно, и исследование методов познания также не исчерпывает собой содержание методологии. Более того, в известном смысле любая теория играет роль метода познания, ибо указывает путь исследования и определяет его цели¹.

Предметом любой теории является круг объективных закономерностей действительности, подлежащих познанию и исследованию с целью использования их результатов в практической деятельности. От предмета теории необходимо отличать ее содержание, поскольку последнее возникает в процессе исследования и представляет собой определенную систему научного знания о предмете исследования, включающую в себя научные теории, понятия, служащие источниками разработки практических рекомендаций.

На основе изложенного представляется необходимым определить следующие приоритетные направления дальнейшего изучения методологических и теоретических основ оперативно-розыскного права:

1) исследование теоретических основ оперативно-розыскного права на базе современных достижений в области философии, осуществляемой в республике судебно-правовой реформы, а также новых научных исследований в сфере развития теории государства и права;

2) пересмотр теоретических основ оперативно-розыскного права, таких как:
— роль и место оперативно-розыскной деятельности в системе правоохранительной деятельности;

— полномочия органов, осуществляющих оперативно-розыскную деятельность, и принципы их деятельности;

— оперативно-розыскные мероприятия, основания, условия и ограничения их проведения;

— использование результатов оперативно-розыскной деятельности, а также порядок рассмотрения прокурором постановлений о проведении оперативно-розыскных мероприятий;

— социально-правовая защита работников органов, осуществляющих оперативно-розыскную деятельность, и лиц, оказывающих содействие в ее осуществлении;

— контроль и надзор за оперативно-розыскной деятельностью и др.;

3) научный анализ и исследование правоотношений, возникающих при осуществлении оперативно-розыскной деятельности, и правовых основ деятельности оперативных аппаратов;

4) исследование базисных элементов методологических основ теории оперативно-розыскного права: предмета, методов, языка, системы и др.;

5) разработка организационно-тактических проблем предупреждения и раскрытия отдельных видов преступлений, особенно таких, как терроризм, религиозный экстремизм, торговля людьми, преступления в сфере информационных технологий и др.

¹ См.: Стефанов Н. Теория и метод в общественных науках. — М., 1967. — С. 120–130; Туровский М.Б. Диалектика как метод построения теории // Вопросы философии. — 1965. — № 2. — С. 51–52; Туйчиев Б.Т. Теория познания и ее значение для исследования правовых явлений // Методологические проблемы права. — Т., 1995. — С. 24–25; и др.

Ш.Н.Рўзиназаров*

**МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗНИ
БАРТАРАФ ЭТИШ ШАРОИТИДА ЮРИДИК ФАН
ВА ТАЪЛИМНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Мустақил мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантиришни ижтимоий фанлар, хусусан юридик фан нуқтаи назаридан ўрганиш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этиш шароитида юридик фан ва таълимнинг устувор вазифаларини ҳал этиш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарида баён этилган гоёлар ижтимоий фанлар, шу жумладан юридик фан ва таълим олдиға илмий тадқиқ этиш ва ўқув-услубий жиҳатдан ўрганиш борасидаги гоётда муҳим вазифаларни қўйди.

Ижтимоий ҳаётдаги ҳодиса ва жараёнларни назарий ва ўқув-услубий жиҳатдан теран мушоҳада этмасдан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этиш шароитида ҳуқуқнинг тартибга солувчи восита сифатида роли ва таъсирчанлигини ошириш мураккаб вазифадир.

Ҳуқуқий тафаккур бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этиш шароитида вужудға келадиган муносабатларнинг моҳиятини тўла ва ҳар томонлама чуқур англашда, қолаверса, унинг келгусидаги истиқболини башорат қилишда ҳам ёрдам беради. Зеро, Президент И. А. Каримов таъбири билан айтганда, «фаннинг вазифаси келажакимизнинг шакли-шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат. ... Фан жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим»¹.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этиш шароитида юридик фаннинг асосий вазифаси унинг билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш қонуниятлари ва ҳуқуқий қоидаларини ўрганиш, талқин қилиш, уларға илмий баҳо бериш баробарида қонунни қўллаш амалиёти ва юридик таълимни ривожлантиришға оид ҳар томонлама мукамал, асосланган назарий хулоса, таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Юридик фан олдидаги долзарб муаммоларни изоҳласак, *биринчидан*, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олишда миллий ва халқаро манфаатлар муштараклиги асосида ўзаро ҳамкор давлатларнинг икки ва кўп томонлама келишувлар тузиш чораларини кўришлари талаб этилса, *иккинчидан*, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий воситаларидан оқилона фойдаланиш ҳал қилувчи ўрин тутади.

* Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг гуруҳ раҳбари, юридик фанлар доктори, профессор.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. — Т., 1999. — 149–150-бетлар.

Содда қилиб айтганда, иқтисодий маънода инқирозни иқтисодиётнинг нормал ривожлантириш қонуниятларининг бузилиши деб тушуниш ҳам мумкин. Инқироз иқтисодий ривожланишнинг чегараси ва қўллаб-қувватлашнинг диалектик бирлигини ўз ичига олади. Бир томондан баҳо акция қийматининг, банк фоизининг пасайиши, ишлаб чиқариш ва бандликнинг қисқариши, корхоналар рентабеллик даражасининг тушиб кетишида намоён бўлиши мумкин. Иккинчи томондан эса, инқироз даврида иқтисодиёт объектив ривожланиш қонуниятларининг бузилишини тиклаш ва уни янада жадаллаштириш асослари яратилади. Шу сабабли бугун инқироз билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг роли ва функциясини теран мушоҳада этган ҳолда унинг самарали шакл ҳамда усулларидан фойдаланишни тақозо этади.

Инқироз — молиявий тизим ва иқтисодиётга хавф ва таҳдид соладиган мураккаб, айна пайтда глобал ижтимоий ҳодисадир. Ҳуқуқий маънода инқироз ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги нормал товар-пул муносабатларининг амалда бўлишига, уларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларининг ҳимоясини таъминлашга путур етказди.

Жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирозининг сабаб ва аломатлари мулкчилик муносабатлари билан бевосита боғлиқдир. Хусусан, кўчмас мулк баҳосининг асосиз ошиши, жавобгарликсиз кредитлар берилиши, уни қайтаришнинг таъминланмаслиги, банкларнинг банкрот бўлиши, фонд бозорларида акция қийматининг тушиб кетиши иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатади. Бундай объектив сабаблар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш суръатларининг пасайишига олиб келади. Бу ҳол айниқса, ишсизликни келтириб чиқаради. Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, иқтисодий инқироз нафақат хўжалик юритувчи субъектларнинг банкрот бўлишига, қолаверса, давлатнинг ўз мажбуриятларини бажара олмаслигига, аҳоли қашшоқлик даражасининг ортишига сабаб бўлади¹.

Ўзбекистон шароитида молиявий-иқтисодий инқирознинг олдини олиш пухта, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган истиқболли дастурларда намоён бўлмоқда. Яъни, ўзимизга хос ислоҳот — янгиланиш ва модернизация модели орқали иқтисодиётни барқарорлаштириш, миллий манфаатларнинг устуворлигини таъминлаш изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар ва унинг пировард натижаларида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «ўтиш даврида айнан давлат бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини биз ўзимизга аниқ белгилаб олдик»².

Давлатнинг бош ислоҳотчилиги конституциявий асосга эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасига кўра, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар. Шунингдек, унинг 14-моддасида «давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади», 43-моддада эса «давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди», дея белгилаб қўйилган.

¹ Халқаро молия тизимини ислоҳ қилиш бўйича БМТ эксперт комиссияси бошлиғи Джозеф Стиглицнинг фикрича, бир қанча давлатлар банкрот бўлиб, бутун дунё бўйича 200 миллион киши қашшоқлик даражасига тушиб қолади. Батафсил маълумот учун қаранг: Что уже нанес кризис человечеству // Новости Узбекистана. — 2009. — 8 мая.

² Қаранг: Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т., 2009. — 7-бет.

Давлатнинг бош ислохотчилиги инновацион иқтисодий шакллантириш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ҳуқуқий нормалар уни тартибга солиш учун хизмат қилади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий инновацион иқтисодий инқирозни бартараф этишда муҳим омилдир. Маълумки, ўтмишда ҳам илмий-техника тараққиётида ҳуқуқнинг роли ҳақида тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, инновацион иқтисодий шакллантиришда тизимли давлат сиёсати олиб борилмаганлиги сабабли бундай иқтисодий яратишга тўлиқ эришилмаган. Шу сабабли инқирозга қарши чоралар инновация бозорини шакллантириш билан бевосита боғлиқлигини назарда тутсақ, миллий ҳуқуқий тизимда инновацион қонун ҳужжатларини устувор ривожлантириш тақозо этилади. Яъни, инновацион бозор муносабатларини қарор топтириш баробарида уни ҳуқуқий таъминлаш молиявий-иқтисодий инқирозни бартараф этишнинг муҳим шартидир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этиш шароитида ҳуқуқнинг норматив шакли бўлган Конституция ва қонуннинг устунлигини таъминлашнинг аҳамияти янада ортади. Чунки бундай шароитда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш энг аввало, инқирозга қарши чоралар дастурини бевосита амалиётда татбиқ этиш ва уни ҳуқуқий таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ер кодекси, Шаҳарсозлик кодекси, Меҳнат кодекси, Уй-жой кодекси, Солиқ кодекси, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Ипотека тўғрисида», «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хусусий корхона тўғрисида», «Микромолиялаш тўғрисида», «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўғрисида», «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида» (янги таҳрири), «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Маҳсулот тақсимотида оид битимлар тўғрисида», «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида», «Инвестиция фаолияти тўғрисида», «Техник тартибга солиш тўғрисида», «Баҳолаш фаолияти тўғрисида», «Банкротлик тўғрисида», «Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Валютани тартибга солиш тўғрисида», «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида» (янги таҳрири), «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида», «Сугурта фаолияти тўғрисида», «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурталаш тўғрисида»ги қонунлар инқирозга қарши чоралар дастурини ҳуқуқий таъминлашнинг устувор асослари бўлиб хизмат қилади.

2009 йил I чорагида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларининг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 16 та фармон ва қарорлар, Вазирлар Маҳкамасининг 18 та қарори, фармойиши ва бошқа ҳужжатлари, вазирликлар, идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг 5 та меъёрий ҳужжати қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларнинг ўз вақтида қабул қилиниши ва инқирозга қарши чоралар дастурининг фаол амалга оширилиши иқтисодий барқарор ривожлантиришни таъминлаш имконини бермоқда.

Ушбу ўринда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини Ўзбекистон шароитида бартараф этишда нафақат устувор қонунчилик асослари, балки тарихий, иқтисодий ва

ҳуқуқий аҳамиятга молик Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари муҳим ҳуқуқий асос вазифасини бажараётганлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида»¹ги 2008 йил 13 февраль қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарнинг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹, 2008 йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»², 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»³ги фармонлари, шунингдек 2009 йил 20 январдаги «Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»⁴ги, 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»⁵ги, 2009 йил 27 январдаги «2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»⁶ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 мартда қабул қилинган «2009—2015 йиллар даврида республикада иссиқлик таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепциясини ҳамда иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш ва ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»⁶ги қарори шулар жумласидан.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 февралдаги «2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида»¹ги қарорида «2008—2012 йилларда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва баргараф қилиш бўйича инқирозга қарши чоралар дастури»ни амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш; таркибий ўзгаришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, буни биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан яхшилашга, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг жадал ривожланишига, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқишга, фермер хўжалигини ривожлантиришни ҳар

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — Т., 2008. — № 47. — 461-модда.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — Т., 2008. — № 48. — 471-модда.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — Т., 2008. — № 49. — 477-модда.

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2009. — № 1. — 19-модда.

⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — Т., 2009. — № 5. — 34-модда.

⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2009. — № 1. — 23-модда.

томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган узоқ муддатли, ўзаро чуқур боғлиқ кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш; аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш даражасини оширишнинг муҳим омили бўлган хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш; мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш; банклар ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш белгиланган.

Иқтисодий инқирозга қарши чоралар дастури доирасидаги масалаларни ҳал этиш, ўз навбатида, ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини оширишни талаб этмоқда. Хусусан, кўчмас мулк билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини ошириш зарур. Айниқса, ипотека кредити ва ипотека қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солишнинг таъсирчанлигини кучайтириш, спекулятив амалиётнинг олдини олиш учун банклар устидан назорат ўрнатишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш объектив заруриятдир.

Қимматли қоғозлар бозори муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш, банк ҳуқуқи, валюта ҳуқуқи, инвестиция ҳуқуқининг роли тобора ортмоқда. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларига жалб қилишни давлат томонидан таъсирчан ва узоқ муддатли рағбатлантириш ҳуқуқий механизмларини тўлиқ ишга солиш, банкларнинг инвестиция фаолиятини ривожлантириш, яъни инвестиция лойиҳаларини эспертизадан ўтказиш ва молиялаштиришни ташкил этиш бўйича тижорат банкларининг махсус хизмат кўрсатиш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш тақозо этилади. Энг муҳим муаммо — нафақат иқтисодий воситалардан, балки ҳуқуқий тартибга солиш зарурияти ва афзалликларидан самарали фойдаланган ҳолда банклар ликвидлиги, яъни тўлов қобилияти заифлиги билан боғлиқ муносабатларнинг қонунчилик асосларини ривожланган давлатлар тажрибаси ҳамда миллий қонун ҳужжатларини амалиётда татбиқ этишдан келиб чиқиб, самарадорлигини ошириш зарурияти пайдо бўлмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларни давлат томонидан назорат қилишни янада соддалаштиришда ҳуқуқий воситалардан самарали фойдаланиш зарур. Ташқи иқтисодий фаолият, давлат мулкани хусусийлаштириш, шу жумладан уни ижарага бериш, биржа, суғурта, лизинг ва баҳолаш фаолиятида қатъий ҳуқуқий тартиб ўрнатиш истиқболдаги долзарб вазифалардир.

Айниқса, қимматли қоғозлар бозорида инвесторлар ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлаш, товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш бозорини ҳар томонлама давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизминини такомиллаштириш мақсадида инвестиция, шу жумладан қурилиш ҳуқуқи, хизмат кўрсатиш ҳуқуқи соҳаларини ривожлантириш юридик фан олдида турган долзарб муаммодир. Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобатнинг ҳуқуқий асослари ҳам ўз навбатида инқирозга қарши чораларни амалиётга татбиқ этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилишини таъкидлаш жоиздир.

Бинобарин, аҳолининг даромадларини кўпайтириш, фуқаролар ва тадбиркорлар мулк ҳуқуқининг кафолатлари, касаначилик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятида саноат мулкига бўлган ҳуқуқни, хусусан ихтиро, фойдали модел саноат намунасини ҳуқуқий жиҳатдан

муҳофаза қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, яъни инновацион технологияларни жорий этиш баробарида тежамкорлик тамойилини ҳуқуқий таъминлашга эришиш лозим. Энг муҳими, уларнинг экспортга маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги фаолиятини давлат томонидан ҳар томонлама рағбатлантириш механизмларини юридик фаннинг ихтисослашган йўналишларидан келиб чиқиб тадқиқ этиш лозим.

Ривожланган давлатлар, хусусан Россия ва Украина қонунчилиги тажрибасида «Инқироз ва инқирозга қарши режим тўғрисида»ги, «Мамлакат иқтисодиётида вазиятни барқарорлаштириш учун инқирозга қарши чоралар тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинганлиги ҳам бу борада қонун ижодкорлик фаолияти жадал ривожлантирилаётганлигидан далолат беради. Мамлакатимизда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари қонун лойиҳалари режаларини қайта кўриб чиқиб, инқирозга қарши қонун ҳужжатларининг устувор асосларини яратишга эътибор қаратишлари лозим.

Қонуннинг номи қандай аталишидан қатъи назар, унинг моҳияти инқирозга қарши қонун ҳужжатларининг тушунчаси, принциплари, инқирозга қарши режим, инқироз ҳолати деб тан олиш, инқирозга қарши режим амалда бўлган даврда давлат ҳокимияти органлари ва унинг ваколатлари билан боғлиқ бир қатор нормаларни ифода этиши лозим. Инқирозга қарши муносабатларнинг туси, табиатини аниқлаб, самарали тартибга солиш асосларини яратиш истиқболли вазифадир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобидаги материаллар, қоидалар ва хулосаларни ўрганиш юзасидан чора-тадбирлар комплекси тўғрисида»ги фармойишини олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва шунингдек лицейлар, ўқитувчилар малакасини ошириш тизими, муассасаларда ўргатишни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Фармойишда уни ўрганишни методик таъминлаш, зарур ўқув ва методик адабиётлар, кўргазмалар қўлланмалар ҳамда дидактик материаллар тайёрланишини мувофиқлаштириш, ушбу мақсадлар учун етакчи олимлар ва амалиётчи иқтисодчиларни жалб этиш, машғулотларнинг тизимли ўтказилишини таъминлашга доир вазифалар белгиланган. Фармойиш иловасида назарда тутилган чора-тадбирлар 33 банддан иборат бўлиб, олий таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, илмий тадқиқот муассасалари учун алоҳида тарзда ифода этиб берилган. Ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб чора-тадбирлар белгиланганлиги унинг кенг кўламда ўрганишни ташкил этишдан далолат беради. Фармойишда назарда тутилган чора-тадбирлар ўқув машғулотларини ташкил этиш, оммавий ахборот воситаларида илмий ва илмий-оммабоп мақолалар нашр этиш, давра суҳбатлари ва семинарлар, баҳс-мунозара, илмий ҳамда илмий-оммабоп мақолалар нашр этиш, дарсликлар ва монографиялар тайёрлаш, фундаментал инновацион ва амалий тадқиқотларни амалга оширишни ташкил этиш билан боғлиқ қатор масалаларни қамраб олган.

Инқирозга қарши чораларга оид қонун ҳужжатларини, шу жумладан солиқ қонун ҳужжатларини амалиётга қўллаш механизмини такомиллаштириш зарур. Мамлакатимизда шакланган миллий ҳуқуқий тизимнинг самараси ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам ёрқин намоён бўлади. Маълумки, ҳуқуқни қўллаш — ижодий жараёнدير.

Хуқуқни қўллаш — бу хуқуқни норматив тушуниш демакдир. Хуқуқни қўллаш — хуқуқий муносабат ва хуқуқий онгнинг таркибий элементиدير. Шу сабабли хуқуқни қўллаш амалиётининг нисбатан янги соҳаси бўлган солиқ хуқуқини қўллаш амалиётининг аҳамияти, моҳияти, принциплари, ташкил этиш тартиби, асослари ва ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, солиқ таълим муассасаларида солиқ хуқуқини қўллаш амалиётининг процессуал таомилларини ўрганишни тақозо этади. Хорижий тажриба ва кузатувларнинг далолат беришича, юриспруденция ёки солиқчи хуқуқшунос мутахассислиги бўйича кадрларни тайёрлаш истиқболли вазифа ҳисобланади. Солиқ соҳасидаги замонавий талаба ва кадрлар деб, энг аввало, ўз соҳасини етук эгаллаган талаба ва кадрларга айтилса ҳам, бундай талаба ва кадрларни касбий тайёрлаш тизимини ривожлантиришда уларнинг тегишли ижтимоий билимлар, шу жумладан юридик билимларни пухта эгаллаган бўлишлари лозимлиги барчамизга аён.

Фикримизча, солиқ таълим муассасаларида юридик фанларни ўқитиш ишларини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Янги Солиқ кодекси нормаларини миллий хуқуқий тизимнинг норматив шаклларида келиб чиқиб тавсифласак, уни моддий ва процессуал хуқуқ нормаларига ажратиш мумкин. Мамлакатимиз миллий қонунчилигида муаммолар ва хуқуқни самарали қўллаш амалиёти механизмнинг етарли такомиллашмаганига асосий сабаб моддий хуқуқ нормаларини татбиқ этишнинг процессуал тартиб ва таомиллари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги десак, муболаға бўлмайди. Шу маънода янги Солиқ кодексининг процессуал нормаларини такомиллаштириш истиқболдаги долзарб вазифадир.

Энг аввало, шуни таъкидлаш жоизки, солиқ процесси, солиқ процедураси каби хуқуқий категориялар илмий тадқиқотлар объекти бўлаётганлиги маълум. Процесс лотинча «processus» — олдинга ҳаракат, процедура эса «procedere» — ҳаракат қилмоқ маъноларида тушунилади. Солиқ процесси — қонунийлик режимини таъминлашнинг махсус тизимидир. Хорижий хуқуқда «процесс» тушунчасига нисбатан «процедура» кўп қўлланилади. Хуқуқий адабиётларда «процесс» ва «процедура» ўзаро нисбати бўйича турли хил қарашлар бўлса-да, моҳият жиҳатидан хуқуқий ўхшаш категориялар ҳисобланади. Европа давлатларида солиқ процедурасини тартибга солувчи хуқуқий ҳужжатлар ҳам мавжуд. Хуқуқшунос олимлар тўғри эътироф этганларидек, солиқ қонун ҳужжатлари доирасида процессуал нормаларни алоҳида қонун ҳужжатида киритиш ёки Солиқ кодексининг алоҳида бобида тўлиқ ифодасини топтириш лозим¹. Солиқ процесси — юридик процесснинг тури бўлиб, солиқ хуқуқи субъектларининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, турли даражадаги давлат мақсадли жамғармаларига солиқларни белгилаш, жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш, солиқ ва мажбурий тўловларни тўғри ҳисоблаш ва тўлаш устидан назорат юритиш, солиқ қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик бўйича хуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қўллаш билан боғлиқ фаолиятнинг қонун билан белгиланган шаклини ифодалайди. Бу тизимнинг долзарблиги яна шу билан изоҳланадики, солиқ қонун

¹ Батафсил қаранг: *Винницкий Д.В.* Проблемы правовой регламентации процедурных (и процессуальных) отношений в российском налоговом праве // *Налоги и налогообложение.* — 2005. — №1; *Кузнецкова В.Е.* Современная концепция налогового процесса // *Государство и право.* — 2005. — №1. — С. 39; *Иванова В.Н.* Соотношение правовых категорий «налоговый процесс» и «налоговое производство» и особенности их реализации в Налоговом кодексе РФ // *Юрист.* — 2001. — №2. — С. 67.

хужжатларини эркинлаштириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар ҳали тўлиқ ечимини топганича йўқ.

Солиқ процессуал ҳуқуқининг долзарб муаммоси сифатида *биринчидан*, солиқ процессининг назарий асослари, Солиқ процессуал кодекси концепцияси, *иккинчидан*, солиқ процесси ҳуқуқий категория сифатида, солиқ процессининг элементлари, шунингдек, «солиқ муносабатларини тартибга солишнинг процессуал-ҳуқуқий механизми» тушунчаси, солиқ процессуал ҳуқуқий нормалар, процессуал солиқ муносабатларида юридик фактлар, солиқ процессуал ҳуқуқий муносабатлар, *учинчидан*, солиқ процесси субъектлари ҳуқуқий мақомининг хусусиятлари, хусусан, солиқ тўловчининг процессуал ҳуқуқлари, давлат солиқ хизмати органлари фаолиятининг процессуал ҳуқуқлари, давлат солиқ хизмати органларининг процессуал мажбуриятлари, солиқ агенти ҳуқуқий мақомининг хусусиятлари, солиқ ҳуқуқи ижодкорлик процесси, *тўртинчидан*, солиқ ижро процесси, бунда солиқ мажбурияти чораларини ва мажбурловни қўллаш объекти сифатида, солиқ мажбуриятини бажаришнинг процессуал ижро чоралари, солиқ мажбуриятини бажаришнинг процессуал қафолатлари, давлат мажбурлов чоралари солиқ процессининг элементи сифатида, *бешинчидан*, солиқни қўриқлаш процесси, солиқни қўриқлаш процессини тартибга солиш манбалари, солиқ назоратини юритиш, солиқ ҳуқуқбузарлиги ҳақидаги ишларни юритиш, давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг қарорлари, мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) устидан шикоят бериш юзасидан иш юритиш муаммоларини тадқиқ қилиб ўрганиш талаб этилмоқда. Шунингдек, солиқ қонун ҳужжатларини амалга ошириш механизмида солиқ ҳуқуқини қўллаш процессини устувор жиҳатдан тадқиқ этиб ўрганиш тақозо этилмоқда.

Фикримизча, миллий ҳуқуқий тизимда янги солиқ процессуал ҳуқуқ доктринасига, яъни Солиқ процессуал кодексига асос солиш зарурияти пайдо бўлмоқда. Янги Солиқ кодексининг процессуал тартиб-таомилларини белгилайдиган нормаларини ажратиб олиб, яъни Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик кодекси ва Фуқаролик-процессуал кодекси каби унинг процессуал нормаларини тизимлаштириш солиқ ҳуқуқини қўллаш амалиётини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаради. Умуман олганда, миллий қонун ҳужжатларининг процессуал тартиб ва асослар нуқтаи назаридан мониторингини амалга ошириш лозим. Давлат солиқ хизмати фаолияти билан боғлиқ айрим процессуал ҳуқуқ нормалари нафақат Солиқ кодексига, балки бошқа қонун ҳужжатларида, хусусан, «Хўжалик юритувчи субъектларни давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонун, ҳатто қонун ости ҳужжатларида, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 апрелдаги «Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида божхона режими ҳамда алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори билан тасдиқланган «Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида алоҳида солиқ режимини таъминлаш тартиби тўғрисида»ги Низомда ифода топган. Солиқ муносабатларига оид процессуал ҳуқуқ нормаларининг тарқоқлиги ва тизимлашмаганлиги давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқни қўллаш амалиёти механизминини такомиллаштиришга ижобий ёрдам бермайди.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ процессуал кодексини ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳини тузиб, унинг концепциясини ишлаб чиқишга доир ишларни ташкил этишга алоҳида аҳамият бериш зарур. Солиқ ҳуқуқ нормаларини амалиётда

қўллаш тажрибасидан келиб чиқиб, уни умумлаштириб ўрганиш мақсадида «Солиқ қонун ҳужжатлари мониторинги» амалиётини тизимли йўлга қўйиш талаб этилмоқда. Энг муҳими, бундай таҳлилий амалиёт материалларидан солиқ таълими муассасаларида солиқ ҳуқуқи фанини ўқитиш жараёнида фойдаланишни ташкил этиш соҳа мутахассисларининг амалий кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради. Бошқача айтганда, солиқ таълими муассасаларида солиқ ҳуқуқини қўллаш амалиётини уйғунлаштиришга узил-кесил эришиш лозим.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, гарчи юридик фанларнинг муайян соҳалари асосларидан талаба ва тингловчиларга таълим берилаётган бўлса-да, аммо солиқ ҳуқуқини қўллаш амалиётининг назарий ва ўқув-услубий асосларини тўлиқ ўзлаштиришни такомиллаштириш учун солиқ таълим муассасаларида тизимли машғулотларни ташкил этишнинг долзарблиги янада ортмоқда.

Солиқ муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш асосларини ўрганиш натижаларининг далолат беришича, солиқ ҳуқуқи фанининг долзарб муаммоларини тадқиқ этиш қонун ижодкорлик фаолиятдан ва солиқ қонун ҳужжатларини амалиётга татбиқ этиш даражасидан ортда қолмоқда. Шу боис янги Солиқ кодексининг моҳиятидан келиб чиқиб, «Солиқ ҳуқуқи» дарслигини тайёрлаш муҳим вазифадир. Ушбу ҳуқуқ соҳасидан илмий даражали кадрларни тайёрлаш, юридик таълим муассасаларининг олимлари ва солиқ соҳасидаги тажрибали амалиётчи мутахассислар билан ҳамкорликда ўқув-услубий қўлланмаларни тайёрлаш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Бундан ташқари, солиқ соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш учун «Халқаро ва хорижий солиқ ҳуқуқи», «Давлат солиқ хизматининг ҳуқуқий асослари», «Солиқ процессуал ҳужжатлари», «Солиқ органларида юридик хизмат»дан ўқув ва услубий қўлланмаларни тайёрлаш масалаларини ҳал қилиш тақозо этилмоқда. Шу мақсадда республикамізда солиқ ҳуқуқи муаммолари билан шуғулланувчи ҳуқуқшунос олим ва амалиётчилардан иборат муаллифлар жамоасини шакллантириб, солиқ ҳуқуқи соҳаларига доир ўқув-услубий ишларни амалга ошириш ҳам жуда долзарб вазифадир. Солиқ тизими ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишни қайд этганимиздек, нафақат ўқув қўлланмалар, дарсликлар, битирув малакавий ишлар, магистерлик ишлари, балки Солиқ кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонунларга илмий-амалий шарҳлар, «Солиқ процессуал ҳужжатлари намуналари» тўпламини тайёрлаш истиқболдаги муҳим вазифалар эканлигини алоҳида қайд этиш жоиз.

Шунингдек, ҳамдўстликдаги давлатлар Солиқ академиясида юридик фанларни ўқитиш тажрибасини ўрганиш ва соҳага хос ҳуқуқий фанларни ўқитиш самарадорлигини ошириш мақсадида «Солиқ ҳуқуқи муаммолари», «Тадбиркорлик ҳуқуқи», «Хўжалик процессуал ҳуқуқи», «Халқаро ҳуқуқ», «Норма ижодкорлиги ва қонунчилик техникаси», «Давлат солиқ хизмати органлари хавфсизлиги асослари», «Солиқ ижро ишини юритиш муаммолари», «Жиноят ҳуқуқи», «Жиноят процессуал ҳуқуқи», «Солиқ жиноятларини тергов қилишни ташкил этиш», «Халқаро ва хорижий молия ҳуқуқи» каби фанлар ва махсус курсларини таълим жараёнига татбиқ этиш масалаларини ҳал қилиш олдимизда турган устувор вазифа бўлмоғи лозим. Чунки бугун солиқ тизимига малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш уларнинг бевосита юридик фанларнинг соҳаларидан билим ва амалий кўникмаларини талаб даражасида шакллантиришга боғлиқдир.

Солиқ соҳасига илмий даражали кадрларни тайёрлаш мақсадида Солиқ академиясининг юридик фанлар кафедрасида аспирантура ва докторантурага мустақил тадқиқотчилик шаклидаги илмий ишларни амалга оширишга қодир ҳуқуқшунос кадрларни

жалб этиш, тадқиқот ишларини олиб бориш учун ривожланган давлатларга юбориш, ҳамдўстликдаги мамлакатларнинг солиқ ҳуқуқи бўйича етук ҳуқуқшунос олимлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳам илмий салоҳиятга эга юксак малакали кадрларни тайёрлашга имкон яратади. Бугунги солиқ хизмати ходимининг нафақат назарий, балки амалий кўникмаларга эга бўлиши учун Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия ва Молия вазирликлари, Давлат солиқ кўмитаси ва унинг жойлардаги бошқарма ҳамда инспекциялари билан ҳамкорликда чора-тадбирларни белгилаш, республикамизнинг етук ҳуқуқшунос олимлари ва амалиётчиларини ўқув жараёнларига жалб этишнинг самарадорлигини ошириш керак.

Ҳозирги шароитда янги истиқболли ҳуқуқ соҳаларини ривожлантириш ва бу соҳалар бўйича тегишли илмий даражали мутахассисларни тайёрлаш зарур. Юридик таълим жараёнини ўқув-услубий таъминлашга эҳтиёж бўлса-да, ҳали янги ўқув предметларини ўқитиш ишларини ташкил этишга етарли эътибор берилмаяпти. Шу сабабли юридик ва ноюридик таълим муассасаларида ҳуқуқий фанларни ўқитиш тизимини қайта кўриб чиқиш, энг муҳими, ўқув дастурлари ва мажмуаларини янги қабул қилинаётган қонунларнинг моҳияти, ўқув-услубий асослари нуқтаи назаридан яратишга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. Юридик таълимга тизимли ёндашув заруриятдан келиб чиқиб, бугун мамлакатимиз юридик таълими олдида турган долзарб муаммоларни нафақат илмий, балки амалий жиҳатдан тадқиқ этиб ўрганиш зарур. Бинобарин, юридик таълимнинг илмий, ўқув-услубий асосларини ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасида юридик таълимнинг шаклланиши ва ривожланиши», «Юридик ва ноюридик таълим муассасаларида ҳуқуқий фанларни ўқитишнинг ҳолати: муаммо ва ечимлар», «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишда юридик фан ва таълимнинг долзарб муаммолари» мавзуларида илмий-амалий конференцияларни ўтказиш устувор вазифалардан ҳисобланади.

Инқирозга қарши чоралар дастури ўз моҳиятига кўра иқтисодий-ҳуқуқий чораларни назарда тутганлигини инобатга олсак, қайд этилган муаммолар, айниқса, солиқ муносабатларини тартибга солишнинг ўрганилишига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Иқтисодчилар ва юристлар ҳамкорлигидаги бундай тадқиқотларни фундаментал, амалий, инновацион шаклдаги давлат гранти бўйича амалга оширишни йўлга қўйиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, инқирозга қарши чораларнинг ҳуқуқий муаммоларига доир давлат гранти лойиҳаларининг режаларини тузиб, уларни муҳокама қилиш, имкони борича бундай турдаги тадқиқотларни амалга оширишда тизимли таҳлил ишларига қодир бўлган тажрибали мутахассисларни, етук иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олимларни жалб этиш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, инқирозга қарши чораларни амалиётга татбиқ этишда юридик фан ва таълимнинг олдида долзарб вазифалар турибди. Энг аввало, юридик фанларнинг юқорида қайд этилган устувор йўналишларини фундаментал ва амалий тадқиқ этиб, асослантирилган хулоса, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиб амалиётга жорий этишга эришиш лозим. Шунингдек, инқирозга қарши чоралар дастурининг устувор йўналишларига доир ўқув-услубий ишларнинг яратилиши уларнинг мазмун-моҳиятини талаба, магистрант ва тингловчиларга малакали ҳамда тизимли тарзда тушунтириш имкониятини яратади. Шубҳасиз, иқтисодий инқирозга қарши чораларни кўриш баробарида турли ҳуқуқий ва ўқув-услубий воситалардан самарали фойдаланиш уни бартараф этишнинг муҳим омили ҳисобланади.

А.А.Хамдамов*

**ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА
ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ПОЛИЦИЯСИНИНГ
АХБОРОТ ИЗЛОВ ТИЗИМИ**

Бугун мамлакатимизга уюшган ва трансмиллий жиноятчилик, наркобизнес билан боғлиқ реал таҳдидлар хавф солиб турибди. Ушбу таҳдидларга қарши курашиш зарурати самарали ва адекват (мос, мувофиқ) жавобни, ички ишлар органлари хизматларининг аниқ, уйғун ва тартибли ҳаракатларини таъминлашни, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳар бир ходимининг ўз хизмат бурчини масъулият ва ҳалоллик билан бажаришини талаб этмоқда.

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуришга қаратилган вазифаларни ушбу соҳада нафақат мамлакатда, балки чет эл назарияси ва амалиётида ҳам тўпланган ижобий тажрибалардан кенг фойдаланмай туриб бажаришнинг иложи йўқ¹. Ушбу фикр жиноятчиликка қарши курашга ҳам тааллуқлидир, шу боис Ўзбекистон яқин ва узоқ хориж мамлакатларининг барчаси билан ўзаро фойдали муносабатларни йўлга қўйишга интиломоқда.

Таъкидлаш зарурки, хорижий мамлакатлар полицияси ахборот олишнинг барча даражалардаги манбаларини доимий кенгайтириб бориб, кенг тармоқ отган разведка тизимини яратмоқда, бунда ахборотни излаш, сақлаш ва бериш учун электрон ҳисоблаш техникасидан жадал фойдаланилмоқда. Электрон ҳисоблаш машиналарини ички ишлар органлари тизимларига жорий этиш етакчи хорижий мамлакатларда 1965 йилдан бошланган. Дастлабки ҳаракатлардан ЭҲМ асосида барча тизимларни қамраб олувчи миллий ахборот тизимларини яратиш мақсади кўзланган.

Полиция фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг айниқса истиқболли йўналишини ахборот билан таъминлаш даражасини ошириш ташкил қилади. 1993 йилда ФТБ (Федерал тергов бюроси)да янги таркибий тузилма — Адлия вазирлиги ахборот хизмати ташкил этилди. Ушбу хизмат таркибида Жиноятлар ҳақидаги ахборот миллий маркази, Жиноятларни ҳисобга олиш ва қайд этиш бўйича унификацияланган (бирхиллаштирилган) тизим ҳамда Бармоқ изларини аниқлаш (идентификациялаш) бўйича автоматлашган тизим бирлаштирилди. Мастика ёрдамида дактилоскопия ўтказиш аста-секин эскирмоқда. Унинг ўрнини инсон панжасини (кафтини) электрон сканирлаш усули эгалламоқда. Полицияга қарашли патруль машиналарига ўрнатилиши режалаштирилаган махсус асбоб гумон қилинувчи ҳар қандай шахс бармоқларининг изларини зудликда сканирлаш, ўша заҳоти ФТБ Ахборот хизматига электрон сўровнома юбориш ва бир неча дақиқа ичида дисплей экранда ушланган шахс ҳақида тўлиқ маълумот олиш имконини беради².

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ички ишлар органлари офицерларининг малакасини ошириш факультети махсус фанлар кафедрасининг бошлиғи, юридик фанлар доктори.

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли // Ўзбекистон: миллий мустақиллик, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. Т.1. — Т., 1996. — 289-бет.

² Қаранг: Информационное обеспечение в системе правоохранительных органов США // Борьба с преступностью за рубежом. — 1993. — № 10. — С. 22.

Ахборот тизимларининг асосий вазифаларига полиция хизматлари фаолиятининг, аввало, жиний полициянинг қидирув, ахборот айирбошлаш ва алоқа соҳасидаги ишларининг самарадорлигини ошириш, маъмурий аппарат ишини такомиллаштириш киради.

1979 йилда Австрия ИИВнинг мустақил бўлинмаси сифатида ташкил қилинган полиция ахборот тизими икки таркибий қисми ўз ичига олади. Биринчиси (EKIS) тезкор тузилмаларга, иккинчиси (AS) бошқарув аппаратида хизмат кўрсатади. EKISнинг иши учта операцияни қамраб олади: сўровномалар юбориш, уларга жавоб олиш ва янги маълумотларни қайд этиш. Полиция ахборот-коммуникация хизматини жиддий равишда такомиллаштиришнинг мажбурий шарти марказий ЭҲМнинг бевосита бошқарувида маълумотлар айирбошлашнинг диалог режимини таъминловчи ахборот узатишнинг махсус полиция тармоғини яратиш ташкил қилади. Бундай тармоқни йўлга қўйиш полиция ва жандармериянинг барча хизмат ва бўлинмаларига, жиний ишлар бўйича судларга, чегара назорати идоралари (пунктлари)га ва бир қатор бошқа давлат органларига EKIS тизими орқали ахборотга масофадан туриб ишлов бериш имконини беради. Сўровномалар кечаю кундуз қабул қилинади ва бир дақиқадан кам вақт ичида улар бўйича хизмат кўрсатилади. Қайд этилиши зарур бўлган ҳодисалар ҳақидаги маълумотлар кеча-кундуз мобайнида махсус тайёргарликка эга оператор томонидан марказий тизимга киритиб борилади.

Полиция қидирилаётган шахслар ҳақида тўлиқ маълумотларга кўпинча эга бўлмаганлигини ёки унинг ихтиёридаги маълумотларнинг бир қисми хато эканлигини инобатга олиб, ахборот базасига полиция қидираётган шахсларнинг тўлиқ фамилиялари ва исм-шарифларигина эмас, балки туғилганида олган фамилиялари, аввалги (никоҳ бўйича, бева қолгунича ва ш.к.) фамилиялари, лақаблари, тахаллуслари ҳам ёзиб қўйилади. Шу билан бирга, фамилия ва исмларининг турли вариантлари ҳам базага киритилади. Махсус алгоритм сўровномадаги дастлабки маълумотлар тўлиқсиз ёки қисман хато бўлган тақдирда ҳам, зарур маълумотни олишга имкон беради.

Австрия полициясининг иккинчи ахборот тизими (AS) соф маъмурий мақсадларда қўлланилади. AS тизимида маълумотларга электрон ишлов бериш кеча-кундуз эмас, балки сутка ёки ҳафтада бир марта амалга оширилади. Унинг иш тартиби (даврийлиги) ахборотнинг хусусиятига боғлиқ. AS тизими, жумладан Австрия ИИВ «D» гуруҳининг ишига ҳам хизмат кўрсатади. Ушбу гуруҳ полициянинг фаолиятига раҳбарлик қилади ва айни вақтда Интерполнинг миллий Марказий бюроси ҳисобланади. Гуруҳ ихтиёрида Маълумотларга электрон ишлов бериш марказининг ЭҲМга уланган ва дисплейлари мавжуд бўлган 6 та терминал бор. «D» гуруҳининг ахборотида APID (Интерполнинг «D» бўлинмаси автоматлашган кўрсаткичи)нинг махсус дастури бўйича ишлов берилади. Ушбу дастур ёрдамида ушланган шахснинг содир этилган жиноятга алоқадорлиги ёки унинг Интерполнинг Австриядаги марказий бюроси берган жиноятчилар ҳақидаги белгиларга мос келиши тезлик билан текширилиши мумкин.

APID дастури бўйича ахборотга автомат тарзда ишлов беришнинг оддий автоматлаштирилмаган картотекага нисбатан асосий устунликларидан бири шундаки, у тегишли ҳужжатни фақат битта факт (масалан, гумон қилинаётган шахс ҳақидаги маълумотлар, автомобилнинг давлат рақами, ҳодиса ҳолатлари)нигина эмас, балки фактлар мажмуи бўйича уларнинг ўзаро алоқаларини инобатга олган ҳолда излаш учун имкон беради.

Ундан фойдаланишнинг мазкур соҳасида ахборотга автомат тарзда ишлов бериш ёрдамида муайян оғир жиноятни содир этганликда гумон қилинаётган шахслар билан ушбу ҳодиса ҳолатлари ўртасидаги алоқалар тезда аниқланиши мумкин. Баъзи ҳолларда зарур ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган дастлабки маълумотлар асосида ҳам изланиши мумкин. Стандарт сўровнома билан бир қаторда фонетик сўровномадан фойдаланиш ҳам мумкин бўлиб, унда исмлар турли вариантларда кўрсатилиши мумкин.

АРИДдан халқаро поездлардаги ўғрилиқлар, хуфий тарзда наркотиклар сотиш, банкларга ҳужум қилиш кабиларга оид статистик ҳисоботлар тузишда ҳам фойдаланилади. Ахборот базасидан бевосита фойдаланиш ҳуқуқига фақат Интерпол Марказий бюросининг ходимларигина эгадирлар.

ГФР ўлкалари ички ишлар вазирларининг 1982 йил май ойидаги конференциясида федерал полициянинг миллий тизимидаги ЭХМга киритилиши лозим бўлган мамлакат фуқаролари ҳақидаги маълумотлар базасини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Федерал ички ишлар вазирлигининг маълумотларига қараганда, федерал ва ўлка полициялари ахборот тизимларида шу даврга келиб 3 млн. шахс ҳақидаги маълумотлар сақланган. Умуман олганда, ГФР махфий ва полиция хизматларининг ахборот банкида 8—9 млн. киши, яъни мамлакатдаги вояга етган фуқароларнинг ҳар бешинчиси ҳақидаги компьютер маълумотлари бўлган. Тизимлар ахборот банкларида бошқа маълумотлар билан бир қаторда қуйидаги шахсий маълумотлар ҳам сақланади: туғилган сана ва жой, фуқаролик, яшаш манзили, телефон рақами, шахсий автомашинасининг давлат рақами, банк ҳисобварақларининг рақамлари. Шунингдек, у ерда тергов гуруҳларининг тузилиши ва фаолияти ҳақидаги маълумотларни ҳисобга олишни автоматлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда. ГФРда ахборот тизимлари ёрдамида ҳар куни қидирилаётган шахсларнинг 45 % игача ҳибсга олинади. Америка Кўшма Штатларининг тарқоқ полиция кучларини бирлаштиришга ёрдам берадиган муҳим тадбирни жиноятлар ва жиноятчилар ҳақидаги ахборотларнинг миллий тизимини ишлаб чиқиш ташкил қилди. АҚШда жиноятчилик ҳақидаги маълумотларни тўплаш доимо катта қийинчиликлар билан кечган. Бунда мамлакат бошқарув тизимининг ўзи асосий тўсиқ ҳисобланади, чунки мамлакатда уч даражада — федерал даражада, штатлар даражасида ва маҳаллий даражадаги бошқарувнинг амалга оширилиши асосий қийинчиликни келтириб чиқаради. Мамлакатда содир этилган жиноятчилик ҳақидаги хабарни қуйи даражадан федерал даражагача етказиш ҳақида ҳеч қандай қонун мавжуд эмас.

Жиноят полициясининг ахборот тизимини яратиш зарурлигини АҚШ криминалистлари кўп бора таъкидлаганлар. Адлия вазирлиги маълумотларга электрон ишлов беришга қарор қилди. У жиноятлар ва жиноятчилар ҳақидаги маълумотларни тўплаш борасидаги қийинчиликларни бартараф этишнинг асосий воситасига айланди. Бу борадаги биринчи қадам ФТБ таркибида Жиноятчилик ҳақидаги ахборот бўйича миллий марказ (ЖАММ)ни ташкил қилиш бўлди. Миллий марказнинг вазифасига штатлар ва маҳаллий полиция органлари архивларида шу пайтгача мавжуд бўлган маълумотларни тўплаш кирмайди. Бу марказ сўраётган органга у ёки бу ҳуқуқни қўллаш органида муайян маълумотнинг бор-йўқлиги ва асосий аҳамияти ҳақида ахборот беради.

Марказдаги электрон ҳисоблаш машиналари шундай ўрнатилганки, улар штатлар тизими ва шаҳарлар полициясида ишлатилаётган, шунингдек полицияга алоқадор

бўлмаган ташкилотлар тасарруфидаги компьютерлар билан боғланиши мумкин. Марказ серверида АҚШнинг ҳар қандай штати полициясида жиноятлар ва жиноятчилар ҳақидаги эҳтиёж туғилиши мумкин бўлган маълумотлар, жумладан қидирувдаги шахслар, жиноятлар содир этишда фойдаланилган ўғирланган автомашиналар, ўғирланган ёхуд ашёвий далил ҳисобланган нарсалар, ўғирланган ёхуд жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахздан олиб қўйилган ўқотар қурол, ўғирланган қимматбаҳо қоғозлар ва шу кабилар ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Расмий маълумотларга қараганда, 90-йиллар бошида ФТБ компьютерларининг хотираси ва архивларда 34 млн. нафар АҚШ фуқаролари ҳақидаги маълумотлар сақланган¹.

Ушбу маълумотлар, шунингдек Марказ ва штатлар полициясининг компьютерлари хотирасидаги жиноятларнинг содир этилиш усуллари оид маълумотлардан жиноятларни тергов қилиш ва уларнинг олдини олишда фойдаланилади. 1971 йилда Марказ компьютерининг хотирасига жиноятчилар ҳақидаги маълумотлар киритилди ва улар оператив картотекага айланди. Айки вақтда ЖАММ бўлими сифатида Идентификация бўйича автоматлашган хизмат (ИАХ) ташкил этилди.

Разведка маълумотлари марказ компютерида деярли текширувсиз келиб тушади, чунки, таъкидланишича, бундай текширув — терговнинг иши. Миллий марказ бутун мамлакат бўйича ички разведка тизимининг ядроси бўлиб, у ахборот сақланадиган бошқа базалар билан алоқани огишмай кенгайтириб боради, бутун мамлакатдаги разведка ахборот пунктларини ягона тармоққа боғлайди. Разведка маълумотларининг марказлашган тармоғини ташкил қилиш борасидаги бундай жараён мамлакатнинг барча штатларида ҳам юз бермоқда.

Ахборот тизимида қайд этилган жиноятлар ҳақидаги маълумотлар мавжудлиги сабабли ушбу тизим компютери жиноятчиликнинг кескин кўпайиш вақти ва жойини башоратлаб, умумлашмалар қилади. Тизим жиноятларнинг айрим турларини башоратлашга ҳам мўлжалланган.

Наркотиклар тарқалишига қарши курашиш бошқармаси разведка тармоғини ташкил қилиб, АҚШ жанубидаги Эль-Пасо шаҳрида ўз ахборот марказини яратди. Бу марказ дунёдаги кўплаб мамлакатлар, айниқса, наркотикларнинг катта қисми ишлаб чиқариладиган Жанубий Америка мамлакатларининг ахборот компютер марказлари билан боғланган.

АҚШ Мудофаа вазирлигининг истиқболли тадқиқотлар агентлиги ҳамда АҚШ мудофаа ахборот тизими агентлиги бундай ахборот тизимларини наркомафияга қарши курашиш мақсадида ташкил этадилар. Наркотиклар тарқалишига қарши курашиш бўйича мутахассисларнинг фикрича, энг замонавий компьютерларда жойлашган улкан ахборот тизимлари наркотикларни қўлга олишга доир операцияларни муваффақиятли амалга ошириш имконини бермоқда, бу эса кокаин картелларига жиддий зарар етказмоқда².

АҚШда оператив қидирув вазифаларининг тез ҳал қилиниши бевосита жиноятлар ва жиноятчилар ҳақидаги маълумотларнинг мавжудлиги ва тўлиқлигигагина эмас, балки манфаатдор муассасалар ўртасида алоқанинг ташкил этилиш даражасига ҳам боғлиқ.

¹ Қаранг: *Стуруа М.* Тень ФБР над Америкой // Известия. — 1993. — 15 окт.

² Қаранг: *Использование разведывательной информации в борьбе с наркомафией // Борьба с преступностью за рубежом: Информ. бюл. ВИНТИ.* — М., 1993. — № 3. — С. 29–30.

Ушбу мақсадда мамлакатда қонунларга мажбурий риоя этириш органларининг миллий телетайп алоқа тизими (НСТСО) ташкил этилган.

Миллий марказ полиция органларининг талабномаларига мувофиқ жуда қисқа вақт ичида ахборот беради. Масалан, сўров бўйича чора кўра бошлаш 10—30 сонияни ташкил этади. Полиция телефон орқали 5 дақиқа ичида муайян штат, 24 соат мобайнида эса мамлакат доирасида қайд этилган ҳар қандай қамоққа олиш ҳақида маълумот олади. Полиция машиналарида ўрнатилган компьютерлар ҳисоблардаги ахборотни бир неча сония ичида олиш имконини беради.

Ҳозирги вақтда компьютер хотирасида кечаю кундуз ишловчи ўнлаб оператив тизимлар мавжуд. Улар орасида қуйидаги тизимлар алоҳида ўрин тугади: оператив бошқарув ва назорат; тергов қилинаётган энг хавfli жиноятлар ҳақидаги маълумотлар; суд маълумотлари; ўғирланган автотранспорт воситалари ва бошқалар. ФТБ монодактилоскопик тизимининг ўзида (худди шундай тизимлар бошқа мамлакатлар, масалан, Япония ва Швецияда ҳам мавжуд) 250 млн. атрофида бармоқ излари мавжуд бўлиб, бу ҳол ушланган инсон, топилган жасад ҳамда воқеа жойида бармоқ изларини қолдирган шахсларни воқеа жойини кўздан кечириш вақтидаёқ тезда аниқлашга имкон беради.

Яқинда истеъфога чиққан ФТБ директори В.Сестеонс ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда юз бераётган кўплаб ўзгаришлар ФТБ фаолиятига катта таъсир кўрсатишини таъкидлайди. Жумладан, бу қайта ишлаш ва таҳлил этишни талаб этаётган ва доимий равишда кўпайиб бораётган ахборот ҳажмига тааллуқлидир. ФТБ таркибий тузилмалари раҳбарларининг фаолиятнинг баъзи йўналишларига тегишли чоралар кўришлари ва янгича ёндашишлари зарурати юзага келмоқда.

Идоранинг Америка жамияти манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда маҳаллий, штат ва федерал даражалардаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг талаблари ва эҳтиёжларини сифатли таъминлаш борасидаги эски анъанасига риоя этган ҳолда, ФТБ ўз таркибида янги тузилма ташкил қилди. У Адлия вазирлиги ахборот хизмати (CJIS) деб номланди.

Ушбу хизматнинг ташкил этилишидан аввал қуйидаги улкан ахборот базалари ишлаб чиқилди ва ФТБ фаолиятига татбиқ этилди:

— Жиноятлар ҳақидаги ахборотлар миллий маркази (NCIC);

— жиноятларни ҳисобга олиш ва қайд этиш бўйича бирхиллаштирилган тизим (AFIS).

ФТБнинг собиқ директори ушбу тизимларни қисқача таснифлаб, жиноятлар ҳақидаги ахборот миллий маркази ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини жиноятлар ҳақидаги ҳужжатли маълумотлар билан таъминлаш ишида муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Манфаатдор идоралар талабларига биноан ўғирланган бойликлар, йўқолган, қидирувдаги ёки аниқланмаган шахслар, аниқ жиноятлар ҳақидаги ва бошқа маълумотлар тезлик билан етказиб берилади.

Жиноятларни ҳисобга олиш ва қайд этишнинг бирхиллаштирилган тизими маъмурий, тезкор ва бошқарув тузилмаларининг фаолият кўрсатиши, мамлакатдаги аҳволнинг энг муҳим ижтимоий кўрсаткичларидан бири сифатида жиноятчилик ҳолатини баҳолаш, унга қарши курашиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун зарур бўлган статистик маълумотларнинг кенг рўйхатини тузишга имкон беради.

Бармоқ изларини идентификация қилиш бўйича автоматлашган тизим бутун мамлакат миқёсида ушбу изларнинг марказлашган депозитарийи ҳисобланади. Тизим файлларида тўпланадиган ахборот жиноят ишларини текшириш ва қамоққа олиш чоғида ундан кенг фойдаланишга имкон беради.

Мавжуд база асосида ушбу тизимлар такомиллаштириб борилади. Масалан, NCIC — NCIC-2000 тизимига алмаштирилмоқда (модернизация қилинмоқда). Жумладан, полиция учун қисқа вақт мобайнида ҳар қандай инсон шахсини бевосита патруль машинасида аниқлаш имкони таъминланади. Бунинг учун ушланган (текширилаётган) шахсдан бармоғини махсус ўқиб олувчи қурилмага қўйиш талаб этилади. Бармоқ изи ҳақидаги ахборот кодлашган ҳолда ўз-ўзидан ФТБ қароргоҳидаги NCIC компьютерига юборилади. Бир неча дақиқа ичида полициячи текширилаётган шахс ҳақида маълумот олади. Патруль машинасидаги махсус қурилма унинг фотосурати, бармоқ изларининг намуналари, имзоси, татуировкаларининг нусхаларини олишга имкон беради. Шу билан бирга, жиноятларда гумон қилинаётган шахсларнинг рассом чизган суратлари, ўғирланган буюмлар ёки автомашиналарнинг тасвирлари ҳам юборилиши мумкин. Бу имкониятлар полицияга катта ёрдам беради ҳамда текширилаётган фуқароларнинг асосиз қамоққа олинишлари эҳтимоллигини камайтиради.

Бахтсиз ҳодисаларни қайд этиш миллий тизими (NIBPS)нинг ФТБ салоҳиятини кенгайтиришга имкон берадиган такомиллашган варианты ишлаб чиқилмоқда. NIBPS — қонун бузилишларига қарши кураш ишидаги яна бир қўшимча восита. Ушбу тизим жиноятлар, жумладан илгари учрамаган жиноятларнинг моҳияти ва хусусиятлари ҳақидаги ахборотни қайд этишга имкон беради. Бунда жиноятчиликка қарши курашнинг деярли барча соҳалари қамраб олинади. Ушбу тизим жиноятларнинг олдини олиш тадбирлари ва профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқишга масъул бўлган раҳбарлар учун замонавий ва тартиблаштирилган материаллар бериши мумкин.

Интеграциялашган (бирлашган) AFJS ФТБнинг жиноятчилар ва қидирувдаги шахсларни аниқлаш (идентификациялаш) борасидаги имкониятлари соҳасида «инқилоб» ясайди. Шу вақтгача шахсни таниб олиш асосан бармоқларнинг жиноят содир этилган жойдаги латент изларини таҳлил қилиш ва ўнта из туширилган стандарт карточкаларга ишлов бериш орқали амалга оширилади. Тизимнинг интеграциялашган варианты (1FF15)нинг асосий концепцияси бармоқ изларининг тасвирини ФТБнинг Идентификациялаш бошқармасига компьютер орқали (қоғозсиз) юборишдир. Анъанавий карточкалар асосан таниб олишнинг барча босқичларида йўқ қилинади. Келажакда бармоқ излари махсус электрон сканирлаш қурилмаси ёрдамида суратга олинади. Бармоқ излари сўралганида текширилаётган шахс ҳақидаги тегишли маълумотлар билан бирга маҳаллий даражадаги (шаҳар, графлик даражасидаги) тизимларнинг компьютер ҳисоблари ва штат идентификациялаш бюрolarига юборилади.

Агар ҳисобларда маълумотлар бўлмаса, сўров бундан кейин ФТБ қароргоҳига боради, бу ерда тез ишловчи компьютерда изланади. Сўровга жавоб уни сўраган шахсга ҳам электрон усулда юборилади.

Ахборот тизимларини такомиллаштириш ва модернизациялаш, замонавий технологияларни ривожлантириш борасидаги фаолият ФТБда келажакка йўл солмоқда.

Хуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ахборот тизимларининг тадрижий ривожланиши навбатдаги табиий қадамларнинг бирлашувидир. Бу ахборот хизмати кўрсатиш сифатини оширишга имкон беради. Ягона комплекс ишга туширилиши билан истеъмолчилар мажозий маънода «барча харидларни битта дўконда амалга ошириш» имконига эга бўладилар.

ФТБнинг Адлия вазирлиги ахборот хизматини яратиши ушбу федерал идора томонидан АҚШ хуқуқни муҳофаза қилиш тизимидаги барча тузилмаларни ахборот билан таъминлашга қаратилган стратегик мақсад билан боғлиқ. Умуман олганда, ушбу тизим халқаро, федерал, штат ва маҳаллий хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасига кирмайдиган ташкилотларни тегишли маълумотлар билан таъминлашга қаратилган. Унинг ишга туширилиши тезкор вакиллар ва бошқа ходимларга бевосита воқеа жойида зарур ахборотни олиш имконини беради. Бирлашган тизим таҳлилий усулларни ишлаб чиқиш ва қўллашда, ДНК тузилиши бўйича тестлар ўтказишда¹, хатти-ҳаракат хусусиятлари ҳақидаги фанда катта ёрдам беради. Кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини ҳамда фойдаланувчи учун қулайликни ошириш нуқтаи назаридан тизимни узлуксиз такомиллаштириш истиқболли назарда тутилган.

СКЮни яратиш ва ривожлантиришда ўнта истиқболли ва яқин келажакка қаратилган мақсадлар назарда тутилган. Уларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

- 1) идентификация жараёнини жонлантириш;
- 2) NCIC-2000 тизимини муваффақиятли ишлаб чиқиш (ривожлантириш);
- 3) NIBPS дастурини муваффақиятли яқунлаш;
- 4) фойдаланувчиларни таъминлаш режасини ишлаб чиқиш;
- 5) ахборот хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш бўйича аудиторлик стандартлари, сиёсати, тизимини ишлаб чиқиш;
- 6) жамоатчиликни таништириш дастурини ишлаб чиқиш. Уларнинг ФТБдаги автоматлашган тизимлар билан алоқаси масаласида штатдаги ва бошқа фойдаланувчиларни таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- 7) CJIS хизматларидан фойдаланувчи маҳаллий, штат ва федерал хизматлари учун техник таъминот ва кадрлар тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш;
- 8) истиқболли режа ишлаб чиқиш;
- 9) янги ташкилий тузилмалар учун истиқболдаги хизматлар бўйича стратегик режаларни ифодалаш, жумладан ДНК-тест, ўқотар қуролни қонунга хилоф тарзда қўллаш, VISAP маълумотлар базаси масалалари.

Шундай қилиб, ушбу шароитларда ривожланган давлатлар жиноий полицияси ишини ташкил қилиш шакллари ва усуллари ҳамда уларнинг энг самаралиларини Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тезкор аппаратларининг амалий фаолиятига жорий этиш учун диққат билан ўрганилиши лозим.

¹ Қаранг: *Хамдамов А.А., Арсланов Н.* Использование исследований ДНК в борьбе с преступностью. – Т., 2001. – С. 236–238.

Н. С. Нарматов*

**ҲОЗИРГИ ШАРОИТДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ
СОҲАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ**

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар оммавий ҳамда хусусий мулкчиликнинг ривожланишига тенг шароит яратилиши, тадбиркорликнинг барча соҳалари, жумладан хизмат кўрсатишда ҳам эркин фаолият юритилиши кафолатланганлиги билан ифодаланади. Чунки айнан хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса, унда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг иштироки яқин йиллар ичида нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда иқтисодий муносабатларда етакчи соҳалардан бирига айланиши муқаррар. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этиш шароитида мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш каби чора-тадбирларни амалга оширишда хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш ва ривожлантириш, бунинг учун ушбу соҳани фуқаровий-ҳуқуқий тартибга солиш асосларини такомиллаштириш муҳим ўрин тутади. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, биз ҳозирданоқ тараққиётимизнинг инқироздан кейинги даври ҳақида чуқур ўйлашимиз, бу борада узоқ муддатга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш ҳақида бош қотиришимиз керак¹. Шу маънода 2009 йилда ҳам хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳаларини жадал ривожлантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланганлиги бежиз эмас. Чунки мазкур соҳа бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослашишда қулай ҳамда мақбул соҳалардан бири ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисидаги маърузасида таъкидланганидек, бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга нималар халақит бераётганини батафсил ва чуқур таҳлил қилиш ҳамда ушбу таҳлил асосида аниқ қарорлар қабул қилиш даркор.

Айниқса, хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш орасида амалга ошираётган ишларимизни чуқурлаштириш катта аҳамиятга эга².

Шу маънода хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти субъектларига яратилган кафолатлар тизимини, ўз навбатида, улар томонидан истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, мазкур соҳада шартномалар тузиш ва унга амал қилиш маданиятини юқори босқичга

* Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг гуруҳ раҳбари, юридик фанлар номзоди, доцент.

¹ Қаранг: *Каримов И.А.* Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т., 2009. — 36-бет.

² Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш — давр талаби //Халқ сўзи. — 2009. — 14 февр.

кўтариш, айниқса, вужудга келаётган янги хизматлар кўрсатишни тартибга солиш борасида зарур ҳуқуқий асосларни яратиш долзарбдир. Зеро, айтиш пайтда қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматларнинг ҳажми йилдан-йилга ўсиб бораётганига қарамай ҳали-бери паст даражада — бор-йўғи 26,8 фоиз бўлиб қолаётганига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айтиш керакки, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ҳам талаб даражасида эмас¹. Шу мақсадда, хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш орқали фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш устувор йўналиш бўлиб қолмоқда. Жумладан, илк бор Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига (бундан буён матнда ЎЗР ФК) «Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш» номли алоҳида боб киритилди, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари, стандартлаштириш, маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш, банкротлик, суғурта фаолияти, аудиторлик фаолияти, баҳолаш фаолияти, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси, техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-640-сонли қарори асосида «Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2007—2010 йилларда ривожлантириш дастури»нинг мавжуд эҳтиёжларни ҳисобга олиб аниқликлар киритилган ҳамда тўлдирилган асосий йўналишлари ҳамда тадбирлари маъқулланиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Албатта, қонун ҳужжатларини тизимли таҳлил қилиш баробарида истеъмолчиларга хизматлар кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш, тадбиркорлик фаолияти субъектлари иштирокида тузиладиган хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг намунавий моделлари, энг асосийси, мавжуд нормаларни халқаро ҳуқуқнинг тегишли нормалари, шунингдек ривожланган чет мамлакатлар қонунчилик тажрибаси асосида уйғунлаштириш (яхлитлаштириш) нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш фуқаролик ҳуқуқи фани олдида турган долзарб вазибалардандир. Зеро, мазкур масалаларнинг ҳал этилиши миллий қонунчилик тизимини такомиллаштириш билан бирга, юридик фанда мавжуд бир қатор тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил этиш ва уларга янгича илмий ёндашувлар асосида таърифлар бериш имкониятини ҳам яратади. Бундан ташқари, «хизмат» категориясини фуқаровий-ҳуқуқий жиҳатдан талқин қилиш, унинг фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатидаги хусусиятларини аниқлаш, тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг ижтимоий тузилмалар томонидан кўрсатиладиган хизматлар (давлат органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар, халқаро ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар)дан фарқли жиҳатларини очиб бериш, илмий таҳлил қилиш ва бу борада тадбиркорлик фаолияти субъектлари иштирок этадиган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларини тартибга солишнинг фуқаролик-ҳуқуқий асосларини вужудга келтириш ва такомиллаштиришга доир илмий-назарий ҳамда илмий-амалий хулоса, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш зарур.

Шунингдек, фуқаролик қонунчилигида товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш, ишларни бажариш соҳасида халқаро ҳужжатлар асосида мукамал ишлаб чиқилган ҳуқуқий нормалар тизими мавжуд. Бироқ хизмат кўрсатиш соҳасида муайян ҳуқуқий

¹ Қаранг: *Каримов И. А.* Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш — давр талаби // Халқ сўзи. — 2009. — 14 февр.

бўшлиқлар борлиги кузатилмоқда. Мазкур ҳолат эса ҳар доим ҳам ўз натижасини бераётгани йўқ. Чунончи, ЎзР ФКнинг 38-бобида «хизмат» категорияси халқаро стандартларга нисбатан тор доирада ифодаланган. Шу боисдан, бу йўналишда фуқаролик қонунчилиги такомиллашувининг концептуал асосларини ишлаб чиқишни илмий таъминлаш вазифаси мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар билан узвий боғлиқ ҳолда, иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш инфратузилмасини барпо этиш асосида ҳал этилиши лозим.

Республика ҳўжалик судларида кўриб чиқиляётган хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ ишларнинг сони муттасил ошиб бормоқда. Хусусан, 2006 йилда етказиб берилган маҳсулот, товар ва кўрсатилган хизмат учун ҳисоб-китоб қилишга оид ҳал этилган ишлар сони 40049 тани, суғурта хизматини кўрсатиш билан боғлиқ кўрилган ишлар сони 149 тани, ҳуқуқий хизмат кўрсатишга оид кўрилган ишлар сони 30 тани ташкил этган бўлса¹, 2007 йилда эса етказиб берилган маҳсулот, товар ва кўрсатилган хизмат учун ҳисоб-китоб қилишга оид ҳал этилган ишлар сони 48994 тани, суғурта хизматини кўрсатиш билан боғлиқ кўрилган ишлар сони 130 тани, ҳуқуқий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ кўрилган ишлар сони 41 тани ташкил этган². 2008 йилда бу кўрсаткичлар янада ошган. Хусусан, етказиб берилган маҳсулот, товар ва кўрсатилган хизмат учун ҳисоб-китоб қилишга оид ҳал этилган ишлар сони 79594 тани, суғурта хизматини кўрсатиш билан боғлиқ кўрилган ишлар сони 254 тани ташкил этган³. Мазкур ҳолатлар ҳам хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини фуқаровий-ҳуқуқий тартибга солиш асосларини янада такомиллаштириш, бу борада хизмат кўрсатиш шартномаларининг намунавий моделларини ишлаб чиқиш каби долзарб масалаларни илмий нуқтаи назардан тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

Назаримизда, хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

1. Фуқаролик қонун ҳужжатларида хизмат кўрсатишга оид ҳуқуқий қоидаларни ривожлантириш ва уни такомиллаштириш истиқболларини белгилаш мақсадида ЎзР ФКдаги «Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш» деб номланадиган 38-бобнинг хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда вужудга келадиган бўшлиқларни тўлдирадиган «навбатчи боб» сифатида эмас, балки тўлақонли норматив-ҳуқуқий база сифатида ифодаланишини таъминлаш лозим. Мазкур юридик конструкцияни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мумкин:

биринчидан, ЎзР ФКнинг 38-бобида «Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш тўғрисидаги умумий қоидалар» номли алоҳида параграф бўлиши ва унда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларининг умумий хусусиятларини акс эттирувчи нормаларни ифодалаш керак;

иккинчидан, фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида хизматларнинг туркумланишидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг алоҳида турларини (масалан, маиший хизматлар, алоқа хизмати, тиббиёт, аудиторлик, маслаҳат, ахборот хизматлари, таълим бериш, сайёҳлик, маркетинг, маклерлик хизмати, сотишдан сўнг техник воситаларга кўрсатиладиган хизматлар ва бошқалар) кўрсатиш ҳақидаги шартномалар тўғрисидаги алоҳида параграфларни баён этиш зарур;

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг «Республика ҳўжалик судлари томонидан 2006 йилнинг 12 ойида (январь–декабрь) амалга оширилган ишларнинг статистик маълумоти». – Т., 2007. – 21–22-бетлар.

² Ўша манба.

³ Ўша манба. – 11–12-бетлар.

учинчидан, «Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш» ҳуқуқий институтини такомиллаштириш профессионал асосда кўрсатиладиган хизматлар ҳамда профессионал бўлмаган хизматларнинг махсус ҳуқуқий тартибга солинишини шакллантириш орқали амалга оширилиши зарур. Мазкур ҳуқуқий тартибга солишда тўпланган тажрибадан келиб чиққан ҳолда, норматив-ҳуқуқий базанинг такомиллаштирилиши профессионал хизматларни ҳақ эвазига кўрсатиш шартномасида иқтисодий натижага эришишни ҳуқуқий кафолатлаш тизимини янада кучайтиришга хизмат қилади. Бу эса, мамлакатимиздаги мавжуд хизматлар бозорида соғлом рақобатнинг янада такомиллашувига, профессионал хизмат кўрсатувчиларнинг ўз фаолиятлари стратегиясини қайта кўриб чиқишига, пировардида буюртмачилар эҳтиёжларини янада тўлиқ қондиришга олиб келади;

тўртинчидан, хизмат кўрсатиш шартномаларини тартибга солувчи умумий қоидаларни такомиллаштиришда улар мазмунида кўрсатиладиган хизматларнинг сифати билан шартларини белгилаш зарур. Зеро, бир қатор хизматларда (масалан, «илмий тусга эга хизматлар») уларнинг сифати билан боғлиқ шартлар муҳим аҳамиятга эга ва шу боис, уларни аниқ белгилаш лозим.

2. Мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси, соҳанинг глобаллашуви, объектив равишда, *биринчидан*, хизматлар бозорини халқаро даражада ҳам ҳуқуқий тартибга солишни тақозо этади, *иккинчидан*, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги жараёнлар халқаро ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари билан уйғунлаштириш йўналишида амалга оширилиши лозим. Бутунжаҳон Савдо ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги Шартноманинг (1993 йилнинг 15 декабрида Уругвайда тузилган) тўртта иловасидан бири ҳисобланган хизматлар савдосини тартибга солишнинг умумий қоида ва принципларини, алоҳида сервис соҳалари учун қулай бўлган махсус келишувлар, шунингдек хизматлар соҳасидаги чекловларни бартараф этишга доир, ҳукуматларнинг мажбуриятларини белгилаб берувчи «Хизматлар савдоси тўғрисида»ги Бош келишув (ГАТС — 1Б-илова) ҳамда Хусусий ҳуқуқни бирхиллаштириш халқаро институти — УНИДРУА Кенгашининг 2004 йилда бўлиб ўтган 83-сессиясида қабул қилинган янги таҳрирдаги «Халқаро тижорат шартномалари принциплари»ни (УНИДРУА принциплари) босқичма-босқич миллий қонунчиликка имплементация қилиш зарур. Бу ўринда «Хизматлар савдоси тўғрисида» Бош келишувдаги «хизматлар» тушунчаси, хизматларни кўрсатишнинг очиқлиги, иқтисодий ҳамкорлик, хизмат кўрсатиш муносабатларини ички тартибга солиш, хизматлар монополияси, субсидиялар билан боғлиқ қоидалар, «Халқаро тижорат шартномалари принциплари»даги шартнома тузиш жараёнида инobatга олинishi лозим бўлган ҳолатлар, тизимли шарҳлаш, инobatга олинмаган шартларни ифода этиш, муайян натижага эришиш мажбурияти, ижронинг сифатини аниқлаш, даъво муддатларини камайтириш ёки кўпайтириш мезонлари каби қоидалар муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, ривожланган давлатларнинг қонунчилигидаги ижобий жиҳатлар, хусусан Франция, Германиянинг фуқаролик қонунчилигидаги ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг шакли, тўлов ҳақини амалга ошириш тартиби, учинчи шахсларни хизматларни кўрсатишга жалб этиш ҳолатлари, муддатларни белгилаш тартиби каби муҳим қоидаларни миллий қонунчиликда ифодалаш зарур.

3. Фикримизча, тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳисобланган профессионал хизмат кўрсатувчи муайян номоддий натижага эришишга қаратилган мажбуриятни ўз зиммасига олиши мумкин. Шу боисдан, «номоддий натижага эришишнинг кафолатланмаганлиги» белгиси профессионал хизмат кўрсатувчи иштирок этадиган барча ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларига хос эмас. Бинобарин, хизматларнинг айрим турларини

кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларда тадбиркорлик фаолиятининг субъекти ҳисобланган профессионал хизмат кўрсатувчи номоддий натижага эришиш таваккалчилиги мажбуриятини ўз зиммасига олса, у ҳолда ушбу қонидани мазкур шартномаларнинг муҳим шарти сифатида белгилаш зарур. Бу эса ўз навбатида, тадбиркорлик фаолияти соҳасида хизмат кўрсатиш бўйича шартномаларнинг предмети сифатида буюртмачи ва ижрочи ўртасидаги хизматлар (хизмат)ни кўрсатишга йўналтирилган муносабатларни ҳақ эвазига номоддий натижага эришиш нуқтаи назаридан белгилашни тақозо этади.

4. Маълумки, оммавий хизматлар билан бир қаторда, тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини аниқлаш мураккаб ҳисобланиб, у нафақат Ўзбекистон, балки айти пайтда бутун дунё мамлакатлари олдида турган долзарб масаладир. Назаримизда, мазкур муаммони ҳал этиш учун «Давлат хизматларининг стандартлари тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш, кейинчалик эса тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини аниқлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш зарур. Бунгача эса кўрсатилиши лозим бўлган давлат хизматларининг турларини аниқлаш, у асосида номенклатурани шакллантириш ва рўйхатга киритилган хизматларга нисбатан стандартларни ишлаб чиқиш лозим.

Бу ўринда, давлат хизматларининг стандартлари республиканинг бутун ҳудудида кўрсатиладиган хизматларнинг ҳажми, сифати ва шартларига қўра ягона талабга жавоб бериши, бир сўз билан айтганда, универсаллик хусусиятига эга бўлиши лозим. Номенклатурани аниқлаш, стандартларнинг тегишли мезонларини ишлаб чиқишда эса АҚШ, Буюк Британия, Германия каби ривожланган давлатларнинг тажрибасидан фойдаланиш зарур. Хизматларга стандартларнинг белгиланиши, ўз навбатида, уларнинг тез ва сифатли кўрсатилишига, шунингдек мазкур соҳада вужудга келиши мумкин бўлган маъмурий тўсқинликлар ҳамда кўрсатилган сифатсиз оммавий хизматлар тўғрисида шикоят қилиш имконияти вужудга келишига асос бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги қоидаларни (хусусан, тегишли хизмат турларини кўрсатиш қоидаларини, стандартларни) белгилаш, профессионал хизмат кўрсатувчиларнинг фаолиятини лицензиялаш, хизматларни сертификатлаш тизимини қайта кўриб чиқиш каби йўналишларга доир қонунчилик асосларини ҳам такомиллаштириш лозим. Бунда мазкур жараён ихтиёрий равишда сертификатлаштиришнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, мажбурий сертификатлаштириш зарур бўлган хизматларнинг объектларини кенгайтириш борасида амалга оширилиши зарур.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, оммавий хизматларни фуқаровий-ҳуқуқий асосларда кўрсатишни ҳуқуқий тартибга солиш ва тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни ҳуқуқий тартибга солиш алоҳида-алоҳида тарзда, қонунчилик асосларининг тизими сифатида ривожлантирилиши лозим. Аммо, уларнинг ўзаро боғлиқлигини инобатга олиб, тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни тартибга солишнинг мақбул фуқаровий-ҳуқуқий нормаларини оммавий хизматларга доир норматив ҳуқуқий базага, ўз навбатида, оммавий хизматларни тартибга солувчи ва амалиётда ўзини оқлаган баъзи нормаларни фуқаролик қонунчилигига имплементация қилиш лозимлиги доимий равишда қонун чиқарувчининг диққат марказида туриши зарур.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунида хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларнинг ўзига хос хусусиятлари батафсил ўз ифодасини топмаган. Шу боисдан ҳам, ушбу қонуннинг нормаларини мазкур йўналишни, жиҳатни ҳисобга олиб, янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

5. Муайян хизмат турларини тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ФКда тўғридан-тўғри назарда тутилган қонун ҳужжатларини қабул қилиш юзасидан тегишли ҳавола нормаларни инвентаризациядан ўтказиш ва шу орқали қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар рўйхатини аниқлаш зарурияти мавжуд. Масалан, ФКда бевосита икки томонлама суғурта хизматини кўрсатиш ҳақида фақатгина битта, яъни 960-модда мавжуд. Унда фуқаролар ва юридик шахслар ўз мол-мулкларини ва бошқа мулккий манфаатларини икки тарафлама асосда, яъни икки томонлама суғурта қилиш жамиятларидан зарур маблағларни бирлаштириш йўли билан суғурта қилишлари мумкинлиги қайд этилган бўлса-да, мазкур жамиятларнинг фаолиятини тартибга солувчи махсус қонун мавжуд эмас. Аммо, хорижий давлатлар тажрибасидан маълумки, уларда суғурта бозорида мазкур жамиятларнинг улуши кундан-кунга ўсиб бормоқда. Бундан ташқари, МДХнинг айрим давлатларида ҳам ушбу жамиятлар фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунлар мавжуд. Шу боисдан, мамлакатимизда икки томонлама суғурта қилиш жамиятларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш мақсадида «Икки томонлама (ўзаро) суғурта қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарур. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг юқорида таъкидлаб ўтилган моддасидаги ҳавола норманинг ижтимоий ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайди.

6. Хизмат кўрсатиш соҳасини тартибга солувчи фуқаролик қонун ҳужжатлари тизимини янада соддалаштириш мақсадида ФК умумий қоидаларининг талаблари асосида хизматларнинг муайян турларини мустаҳкамловчи қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш зарур. Чунки улар сонининг йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги фуқаролик қонунчилиги «дифференциациялашуви»ни янада мураккаблаштиради ҳамда мазкур ҳуқуқий нормаларни нафақат хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари, балки ҳуқуқни қўллаш ваколатига эга бўлган давлат органлари томонидан ўрганиш ва амалда қўллаш жараёнини ҳам қийинлаштиради. Бунинг учун эса, уларни хизматларнинг умумий хусусиятларига хос нормаларини ФКнинг тегишли қоидалари асосида уйғунлаштириш лозим, уларнинг айримларини бирлаштириш ҳамда ягона қонун сифатида қабул қилиш зарур. Бунда МДХ давлатларининг тажрибасини (масалан, «Интернет хизматлари кўрсатишни ҳуқуқий тартибга солиш тўғрисида», «Давлат хизматларининг стандартлари тўғрисида», «Молиявий хизматлар ва уларни давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида», «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги каби қонунлар) ўрганиш фойдадан холи бўлмайди. Бундан ташқари, алоқа хизматлари кўрсатишни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг «Алоқа тўғрисида» ҳамда «Почта алоқаси тўғрисида»ги қонунларини ягона қонун сифатида қабул қилиш ҳамда унда тегишли алоҳида бўлимларни баён этиш лозим.

7. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида хизматларнинг янги-янги турлари (маслаҳат, консалтинг, мураккаб ашёлар, техник воситаларни сотиб олингандан сўнг кўрсатиладиган хизматлар, сервис хизматлари ва ҳ.к.) вужудга келаётганлигини инобатга олган ҳолда, мазкур хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиб турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни (қоидаларни) ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш керак.

Хулоса қилиб айтганда, хизмат кўрсатиш соҳасида фуқаролик-ҳуқуқий нормаларни ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш истиқболлари билан боғлиқ юқоридаги мулоҳазалар бугун долзарб бўлган масаланинг айрим жиҳатларидир. Уни ижтимоий ҳаёт талабларига мос ҳолда доимий ўрганиб бориб, қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурдир.

*Ш. О. Мамадалиев****ВАТАНПАРВАР МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ
ТАЙЁРЛАШ — МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАЛАБИ**

Ўзбекистон халқи ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўлга киритиб, давлат ҳокимиятининг эгаси ва халқаро сиёсатнинг субъектига айланди. Бу эса энг олий сиёсий-ҳуқуқий қадриятдир. Эртанги кунимиз ушбу қадриятдан нечоғли фойдалана олишимизга боғлиқ. Шу маънода мустақиллик — бу ривожланиш имконияти демакдир.

Мустақиллигимизнинг 18 йиллик тарихига теран нигоҳ ташласак, мамлакатимизда бир неча асрларга тенг сифатий ўзгаришлар содир этилганини эътироф этамиз. Ушбу сифатий ўзгаришлар ва ривожланиш асосида Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбек модели» ривожланиш концепциясининг ҳаётийлиги ва меҳнат-каш халқимизнинг саъй-ҳаракатлари ётибди.

Аммо олдимизда ўз ечимини кутаётган вазифалар ҳозиргача ҳал этилганларидан анча бисёр. Шу маънода, бугуннинг вазифаси эришилган ютуқларимизга маҳлиё бўлиб, «Орзу-умидларимиз ушалди, энди оқимга қараб сузиш керак» қабилида иш юритишми ёки дунё ҳамжамияти оқимини ўзгартиришми? Агар биринчи позицияда фикр юритилса, Ўзбекистон ташқи вазиятлар босимида қолиши ва охир-оқибат мустақил тараққиёт йўлини бой бериши мумкин. Шу боисдан ҳам юртбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли борлиги ва у ҳеч бир давлатдан нусха олмаслигини таъкидлаб келмоқда. Дарҳақиқат, дунёда мутлақ ўхшаш ҳеч бир нарсанинг ўзи йўқ. Йўқ нарсани йўқ жойдан қидириш эса ақлсизликдир. Ёки дарё оқими бўйлаб «Мен сузаяпман», дея ўйлаш ҳам хаёлпарастликдир. Ҳозир оқимда оқиб кетаётиб, «Мен мустақилман», дея фикрлаётган кишилар оз эмас.

Дунёда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга синчков назар солинса, барча давлат, миллат ва халқлар манфаатларига хизмат қиладиган «умумий оқим»нинг йўқлиги англанади. Аммо ҳар бир давлат ўз манфаатларига мос келадиган йўлни умуминсоният йўли дея кўрсатишга ҳаракат қилмоқда.

Ҳозирги замон тилида бу жараён «геосиёсат» деб аталмоқда. Моҳиятига кўра, жаҳонда «демократия», «инсон ҳуқуқлари», «тенглик» учун эмас, манфаатлар учун курашлар кетмоқда. Бундай вазиятда ўз манфаатларини англаб етмаган субъект (шахс, халқ, давлат) ўзга манфаатлар таъсирига тушиб қолиши муқаррар. Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ «ўзликини англаш», «мустақил фикрлаш», «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз», «Ўзбекистон халқи манфаати, ва яна бир бор Ўзбекистон халқи манфаати» каби шиорларга айланган фикрларнинг мазмун-моҳияти ҳам огоҳлик ва ҳушёрликка даъватдан иборат. Шак-шубҳасиз, Ўзбекистон демократия,

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедрасининг бошлиғи, фалсафа фанлари доктори.

инсон ҳуқуқларини таъминлашга содиқдир, шунингдек у демократия, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш «байроқлари остида» халқ манфаатларига хиёнат қилинишига қарши. Инсон демократия ва ҳуқуқларга эмас, аксинча, демократия ва ҳуқуқлар инсонга хизмат қилиши шарт. Ушбу ғоя Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадрқиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», — дея мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистонда халқ манфаатларини аниқлаш вазифаси сиёсий партияларга эмас, балки фан зиммасига юклатилган. Бунга сабаб, *биринчидан*, ҳар қандай давлат ва нодавлат ташкилотининг ўз манфаатлари мавжуд бўлиб, ушбу манфаатлар халқ манфаатларини аниқлашда субъективизмга йўл қўяди.

Иккинчидан эса, ҳеч бир ташкилот фанчалик оламни билишнинг илмий методологияси билан қуролланмаган. Фаннинг билиш имкониятлари бошқа субъектнинг билиш имкониятларидан кенгдир.

Учинчидан, халқ манфаатлари ижтимоий муносабатлар тизимида яширинган бўлиб, уни аниқлаш илмий тадқиқотни талаб этади. Чунки ҳар қандай манфаат ҳодисалар орқали содир бўлса-да, моҳиятан мавжуддир. Моҳият, ҳақиқат, қонун ва изланиш эса ҳар қандай фаннинг мавжудлик шартидир.

Тўртинчидан, фаннинг мақсади битта — ҳақиқатни излаш. Бошқа субъектлар эса, хусусан, сиёсий партиялар ҳокимият учун, яна бошқа ташкилотлар ўз манфаатларини қондириш учун қурашадилар. Фаннинг манфаати эса ҳақиқатдир, фойда ёки ҳокимият эмас.

Ўзбекистоннинг халқ манфаатларини аниқлашда фанга мурожаат қилиши дунё ҳамжамияти, хусусан, дунё парламентаризми учун ўрганишга арзигулик янгилик. Маълумки, дунё парламентлари, жумладан БМТ каби нуфузли халқаро ташкилотда ҳам инсониятнинг келажагига боғлиқ қарорлар кўпчиликнинг овоз билан қабул қилинади. «Кўпчилик ҳамиша ҳақ» принципи дунё парламентларининг субстанционал, мутлақ ҳақиқатига айланган ва ушбу ҳақиқат (кўпчилик ҳокимияти ёки большевизм) демократия деб аталмоқда.

Фандан маълумки, ҳақиқатни кўпчилик ёки озчиликнинг эътирофи билан аниқлаб бўлмайди. Фанда ҳақиқат деб, билиш предметига адекват фикр ва ғояга айтилади. Агар фикр ёки ғоя акс эттирилувчи предметга мос келмаса, у кўпчилик ёки озчилик томонидан эътироф этилишидан қатъи назар, ёлғон бўлади. Бундан хулоса шуки, дунё парламентаризмининг ҳақиқатга, фанга «қулоқ тутиш» вақти етди. Агар дунё ёлғон эмас, балки ҳақиқат «измида» бўлишни истаса, фанга қулоқ солишга мажбур. 2008 йилдан бошланган молиявий-иқтисодий инқирознинг сабаби ҳам аслида утопик, эгоцентрик ғоялар, пухта ўйланмай қабул қилинган қарорларнинг натижасидир. Бу инқироз аслида, дунёни ҳақиқат томон юз ўгиришга мажбур қиладиган огоҳлан-тиришдир.

Ўзбекистонда миллий ғоя фанига бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президент Ислом Каримовнинг 2001 йил 18 январдаги «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ҳамда республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги фармойишига асосан миллий

ғоя фани республика таълим тизимига киритилди. Юртбошимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорига асосан эса Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил этилди. Ушбу тадбирлардан кўзланган асосий мақсад битта — у ҳам бўлса, фуқароларимизни ҳақиқатни ёлғондан фарқлашга, илмий тафаккур юритишга ўргатишдан иборат.

Ўзбекистон халқи манфаатларини илмий асослашни мақсад қилган миллий ғоя фани мутахассислар, хусусан ёш мутахассисларга қандай талабларни қўяди, деган савол туғилади. Мамлакатимиз олий ўқув юртларида 850 дан ортиқ йўналишларда мутахассислар тайёрлашдан кўзланган асосий мақсад юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашдан иборат. Агар мутахассис ўз қорнини тўйдиришни асосий мақсад қилиб қўйса, унга «юрт тинчлиги», «Ватан равнақи», «халқ фаровонлиги» тушунчалари бегона ва келгусида нима юз бериши мумкинлигини тасаввур қилиб кўринг! Бу давлат ва жамият учун маънавий таҳдид, халқ учун фалокатдир. Халқимизнинг «Бўлинганни бўри ер», «Ёлғиз отнинг чанги чиқса ҳам, донғи чиқмас», «Куч — бирликда» каби бебаҳо ҳикматлари шундай фожиаларнинг олдини олишга қаратилган.

Дунёда фақат «Мен» мавжуд, «Мен эмас» мавжуд эмас қабилдаги дунёқараш, яъни замонавий сиёсат тилидаги «эгоцентризм» — бу маънавий худбинлик ва қашшоқлик белгиси. Бундай дунёқараш билан яратувчанликка хизмат қилиб бўлмайди, ушбу дунёқарашнинг оқибати фақат бузғунчиликдир. Фараз қилайлик, худбин мутахассисда ядро энергиясидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди, хўш, бундай шароитда у нимани фикр қилади? Ундан тинчлик, бунёдкорлик йўлида фойдаланишними ёки дунё устидан ҳукмронлик қилишни? Жавоб битта, у албатта ҳукмронликни танлайди. Агар худбин кишига ҳокимият берилса-чи? Албатта, у халққа хизмат қилишни эмас, ўз манфаатларини ўйлайди. Ҳокимиятни бойлик орттириш манбаига айлантиради.

Бундайлар учун Ватан, миллат ва халқ манфаатлари бегонадир. Ҳаётда яхши мутахассис, яхши шифокор ёки муҳандис бўла туриб, «халқ», «Ватан» тушунчаларининг мазмун-моҳиятини тушунмайдиганлар оз эмас. Халқимизда «Олим бўлма, энг аввало, одам бўл» деган пурмаъно ҳикмат бор. У барча мутахассисликларга тааллуқли.

Хўш, Ўзбекистон халқи манфаатлари йўлида қандай мутахассисларни тайёрлаш зарур?

Бизнингча, ҳозирги замон мутахассиси қандай соҳада ва ким бўлиб меҳнат қилишидан қатъи назар, учта талабга жавоб бериши керак.

Биринчи талаб — мутахассис юксак маънавиятли бўлиши шарт.

Юксак маънавиятли инсон — виждонли, иродаси бақувват, ҳақиқатгўй, меҳнатсевардир. Бундай инсонлар ўз куч ва имкониятларига таянадилар. Мустақил тафаккурли шахсларни қўрқитиш, зўрлаш, босим ўтказиш орқали бошқариб бўлмайди. Уларни ишонтириш, ўткир тафаккур билангина ҳаракатга келтириш мумкин. Бундайларга тобелик, қуллик руҳияти ётдир. Айнан шундайлардан буюк кашфиётчилар, халқ қаҳрамонлари етишиб чиқади. Шундай инсонлари бор халқни, давлатни ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди. Мустақил Ўзбекистоннинг келажагини айнан юксак маънавиятли инсонлар белгилайди. Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида

маънавиятнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти илмий асослаб берилган. Маънавият — буюк яратувчанлик кучидир. Маънавият чекинган жойда бузгунчилик бошланади. Аслида ҳам, маънавият чегарасидан чиқиш жиноят йўлига кириш демакдир. Маънавият — инсоният томонидан яратилган барча яхшиликлар, фазилатлар мажмуидир. Маънавиятли инсоннинг тафаккури яхши фикр, яхши сўз ва яхши амалга асосланади. Ёмон фикрли, ёмон сўзли кишидан фақат ёмон амалларни кутиш мумкин. Шу боис, ички ишлар идораларининг ходимлари ёмон фикрли ва сўзли шахсларни аниқлаб, улар билан алоҳида маънавий-маърифий ишларни олиб боришлари зарур. Чунки улар реал имкониятдаги жиноятчилардир. Жиноятнинг манбаини йўқотиш эса унинг олдини олишдир. Шу сабабли қонун ҳимоячилари жиноят аввало фикрда туғилишини унутмасликлари шарт. «Камикадзе» деб аталувчи террорчилар аслида махсус дастур асосида ёмон сўзларни гапиришга, ёмон ҳаракат қилишга ўргатилган кимсалардир. Она қорнидан ҳеч ким жиноятчи, «камикадзе» бўлиб туғилмайди. «Нимани эксанг, шуни ўрасан» деганларидек, ёмонликдан яхшилик униб чиқмайди. Яхшилик фақат яхшиликдан туғилади. Шундай экан, ҳар ким ҳар куни хоҳ фикрда, хоҳ сўзда, хоҳ амалда бўлсин, яхшилик уруғини экиши керак. Шундагина дунёда яхшилик кўпаяди, жиноят камаяди. Урушларнинг олови сўнади.

Маънавият — инсоният излаётган, истаётган тинчлик ва ривожланиш асосидаги бойликдир. Дунёда ўзаро ишонч ва ривожланиш бўлмас экан, тинчлик ва осойишталикни таъминлаб бўлмайди. Демак, тинчлик ва фаровонликнинг калити қуролланиш, қўрқитиш ёки зўрликда эмас, маънавиятдадир. Маънавиятнинг гултожи — ватанпарварлик. Шу боис ҳозирги замон мутахассисига қўйиладиган иккинчи талаб ватанпарварликдир. Ватанпарварлик ўз-ўзидан шаклланмайди, у ўзликни, Ватанни, халқни севишни англашдан бошланади. Инсон ўзини ҳурмат қилишга ўрганмай, халқига, Ватанига муҳаббат қўймай ватанпарвар бўлолмайди. Ватанпарварлик ўз халқи ва Ватани учун ҳеч иккиланмасдан жон беришга тайёр туришдек руҳий ҳолатдир. Ватанпарварлик ҳар бир инсондан халқ ва давлат манфаатларини ўз манфаатлари билан уйғунлаштириб боришни талаб этади. Ватанпарварлик халқ олдидаги масъулият ҳам демак.

Инсон фарзанди дунёга ўзи келиб, ўз-ўзидан тарбияланиб, бирон-бир касб эгаси бўла олмайди. Фарзандни ота-она дунёга келтиради, жамият, давлат унга тарбия ва таълим беради, уни касб-корга ўргатади. Демак, ҳар бир мутахассисда ота-она, давлат ва жамиятнинг маънавий ҳақи бор. *«Бунни чуқур англаб олган давлат, бундай хулосани чиқарган, халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиши учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун, энг улуғ, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади»*¹. Ватанпарвар ўз халқининг яхши ва ёмон кунларида у билан бирга бўлади. «Бойлигинг бўлса, ватанимсан, бўлмаса, душманимсан» қабилида ўзга юртларда яшаб, унга таълим-тарбия берган, касб-ҳунар ўрганган юртга «нодемократ», «инсон ҳуқуқларини бузувчи» деб қарамайди. Балки ўз

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир // Халқ сўзи. — 2009. — 8 дек.

иқтидори, касб-кори билан Ватанини янада ривожлантиришга кўмаклашади. Ўз бойлигини Ватан бойлигидан излайди.

Миллий гоё айнан шундай ватанпарварларни тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб кўяди. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросини ҳақиқий ватанпарварга айлантириш миллий гоёнинг тарихий миссиясидир. Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангубердидек халқ қаҳрамонларининг руҳлари бу йўлда мадақкордир.

Ва ниҳоят, миллий гоёнинг замонавий кадрларга кўяётган учинчи талаби ҳақиқий мутахассисларни тайёрлашдан иборат. Бу талаб мутахассисларнинг «қоғозда» эмас, амалда етишиб чиқишини англатади. Сир эмаски, мутахассисликни эгаллашнинг ягона йўли — билим олиш. Билим эса китоб мутолаасини талаб этади. Инсон китоб ўқиш, уқиш ва ундан ҳаётда фойдаланишни ўрганмас экан, ҳеч қачон улғаймайди, мутахассисликни мукамал эгаллай олмайди. Сир эмаски, айримлар, айниқса, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшлар «Китобсиз, амалиётнинг ўзи билан мутахассисликни эгаллаш мумкин, китоб бошқа, ҳаёт бошқа» каби янглиш тушунча билан яшайдилар. Бундай янглиш фикр мутахассисликни эгаллаш йўлидаги маънавий ғовдир. Бундай фикрлаш жамиятнинг номутахассислашувига (депрофессионализациясига), истеъмолчилар жамиятига айланишига олиб келади. Демак, китобга нисбатан нигилистик муносабатни маънавий таҳдид сифатида қараб, унга қарши курашиш зарур.

Инсониятнинг яратувчанлик фаолиятдан маълумки, ҳаётдаги ҳеч бир кашфиёт амалиётнинг ўзида пайдо бўлган эмас. Кашфиёт илмий лабораторияларда туғилади. Дейлик, эргалабдан кечгача киракашлик қилиб юрган таксичи ҳеч қачон янги русумдаги машинани ихтиро қилолмайди. Аммо машина ҳайдашда кам тажрибага эга бўлган конструктор (кўп китоб ўқигани, илмий методология асосида амалий тажрибаларни умумлаштиргани учун) янги машинани ихтиро қилади. Бу — илмий ҳақиқат. Ушбу ҳақиқатни қанча тез англаб етсак, шунча яхши. Тўғри назарияни амалиётга қарама-қарши қўйиб бўлмайди. Чунки назария умумлаштирилган амалиётдир. Халқ ибораси билан айтганда, «Назариясиз амалиёт кўр, амалиётсиз назария чўлоқдир». Жамиятда таълим муассасаларининг мавжудлиги, уларнинг давлат томонидан молиялаштирилишидан мақсад ҳам даставвал назарияни ўрганишдан иборатдир.

Шундай экан, таълим муассасаларида назариянинг чуқур ўргатилишига эришиш лозим. Ҳозирги таълим муассасаларида амалиётга урғу берилаётганини назарияга бўлган эҳтиёжнинг камайиши, деб изоҳлаб бўлмайди. Назарияни кучли эгаллаган шахс учун синов майдони бўлган амалиёт керак, билимсиз амалиёт ҳеч қандай наф келтирмайди. Шу боис «Амалиётда ишлаган мингни билади, назарияда ишлаган бирни» қабилида фикр юритиб бўлмайди.

Демак, яхши мутахассис бўлиб етишиш учун биринчи галдаги вазифа — китобхонлик маданиятини ошириш. Ҳозирги замон ахборот технологиялари, жумладан Интернет китобхонликка салбий таъсир кўрсатмаслиги лозим. Ҳақиқат Интернетда эмас, илм-фандадир. Интернетга мутлақ ҳақиқатлар макони эмас, билим олиш воситаси деб қараш керак.

Хулоса қилиб айтганда, миллий гоёмиз замонавий кадрларнинг юксак маънавиятли, ватанпарвар ва етук мутахассис бўлишларини объектив заруриятга айлантиради.

Э. К. Арифджанов*

КУЛЬТУРА ОБЩЕНИЯ СОТРУДНИКОВ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ – ВАЖНЫЙ ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИХ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Сотрудники органов внутренних дел в повседневной жизни и профессиональной деятельности по обеспечению правопорядка в обществе, предотвращению правонарушений, борьбе с преступностью сталкиваются с различными экстремальными ситуациями. Они должны быть готовы успешно выйти из них, не теряя самообладания, не ущемляя права и свободы граждан. Граждане в сотрудниках органов внутренних дел видят представителей власти, по их поведению и умению общаться, принятым ими решениям судят об уровне состояния справедливости в обществе, в государстве.

В процессе общения происходит обмен информацией, опытом, способностями, умениями и навыками. Общение является одним из необходимых условий формирования и развития личности. Уровнем культуры и цивилизованности общения определяется успех решения многих социально-политических задач и проблем, стоящих перед обществом.

Культура общения не только нравственная, философская категория, данное понятие имеет политические и правовые аспекты, включая в себя общечеловеческие, нравственно-этические, правовые нормы, ведомственные правила и инструкции.

Сотрудники органов внутренних дел в своей повседневной деятельности вступают в общение с различными категориями граждан, представителями трудовых коллективов, государственных учреждений, общественных формирований, организаций зарубежных стран. И всегда они должны проявлять высокий уровень культуры, компетентность, строго соблюдать правила этики общения.

Важность вопроса соблюдения норм культуры общения сотрудниками органов внутренних дел определяется и тем, что они в процессе своей повседневной профессиональной деятельности сталкиваются с антиобщественными элементами, грубостью, жестокостью, подозрительностью. В связи с этим важно формировать у каждого сотрудника «иммунитет» против такого рода негативных явлений.

Культура общения включает в себя не только правила этики общения, в том числе профессиональной. Она предполагает умение четко и ясно, доходчиво излагать мысли и суждения, убеждать в своей правоте, компетентность, способность анализировать конкретные процессы, явления, объективно оценивать позицию собеседника, давать квалифицированные советы и наставления. Иначе говоря, сотрудник органов внутренних дел должен овладеть всеми формами и методами культуры общения с конкретными категориями граждан. При формировании культуры общения, в том числе сотрудников органов внутренних дел, прежде всего следует обратить внимание на бесценное наследие наших предков. Проблемы культуры общения и этики поведения рассматривались в трудах

* Начальник кафедры истории Узбекистана Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат исторических наук, доцент.

таких великих мыслителей, как Абу Наср Фарабий, Бахавиддин Накшбандий, Алишер Навои, Жалалиддин Даваний, Ахмад Дониш, Абдулла Авлоний, Махмудходжа Бехбудий и многих других просветителей. Считая слово главным средством общения, они уделяли особое внимание правильному и точному его употреблению. Например, Абу Наср Фарабий пишет, что слова необходимо произносить четко, выражать мысли понятно и последовательно, любить правду и ненавидеть ложь¹.

Говоря о значении слова, Алишер Навои подчеркивает, что грубое и жесткое слово может сильно «ужалить» душу человека, душевную рану ничем нельзя поправить, ее можно вылечить «бальзамом», состоящим из хорошего и доброго слова, способного превратить варвара в друга. Абдулла Авлоний пишет, что слово является мерой, свидетельствующей об образованности и духовном совершенстве человека. Если слова не соответствуют разуму и мудростям, не помогают слушателю чем-то, нечего их произносить². Арабская поговорка гласит: «Лучший язык — тщательно сдерживаемый, лучшая речь — тщательно обдуманная. Когда ты говоришь, слова твои должны быть лучше молчания (ведь известно, что молчание — золото)».

Эти нормы культуры общения людей в течение тысячелетий постоянно обогащались, совершенствовались и оттачивались. Они всегда служили важнейшим средством поддержания благоприятного морального климата и нравственного здоровья общества.

Сотрудники органов внутренних дел являются полноправными гражданами общества и поэтому должны соблюдать общепризнанные нормы поведения и общения завоевывать уважение и доверие среди населения, повышать престиж органов внутренних дел, что в конечном итоге будет способствовать успешному выполнению ими своих профессиональных обязательств и задач. Наследие мыслителей Востока сформировало и продолжает влиять на духовно-нравственный уклад жизни нынешнего поколения. Президент И.А.Каримов подчеркивает, что «нормой межличностных отношений является почитание старших, забота о семье и детях, открытость, доброжелательное отношение к людям независимо от национальности, чувство сострадания к чужой беде и взаимопомощи», отмечает необходимость учета исламского фактора, который проявляется в укладе жизни, психологии людей, формировании духовно-нравственных ценностей³.

Сотрудники органов внутренних дел должны соблюдать те нормы и правила общения, которые предусмотрены законами, ведомственными положениями и инструкциями.

Сотрудник, вступающий в общение, должен помнить конституционные положения о том, что все граждане имеют одинаковые права и обязанности и равны перед законом без различия пола, расы, национальности, языка, религии, социального происхождения, убеждений, личного и общественного положения, что каждый обвиняемый в совершении преступления считается невиновным, пока его виновность не будет установлена судом, что каждый имеет право на свободу мысли, слова и убеждений, что не могут быть ущемлены права, свободы и достоинство лиц (ст. ст. 18, 26, 29, 34 Конституции Республики Узбекистан).

¹ См.: *Абу Наср Фарабий*. Фозил одамлар шаҳри. — Т., 1993. — 186-бет.

² См.: *Абдулла Авлоний*. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. — Т., 1992. — 33-бет.

³ См.: *Каримов И.А.* Узбекистан: свой путь обновления и прогресса // *Узбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология*. Т.1. — Т., 1996. — С.41.

Соблюдение сотрудниками органов внутренних дел этих конституционных положений имеет принципиальное значение, поскольку органы внутренних дел входят в систему правоохранительных органов, и нарушение, неадекватное поведение, игнорирование установленных правил общения сотрудниками, которые призваны защищать права и свободы граждан, способны нанести ущерб доверию к органам государственной власти.

Кроме Конституции есть также ряд законов Республики Узбекистан, указы Президента, его труды, постановления и распоряжения Кабинета Министров, ведомственные инструкции, имеющие в той или иной степени отношение к культуре общения. В частности, Министерством внутренних дел Республики Узбекистан изданы ряд приказов, разработаны положения и инструкции. К их числу относятся приказы МВД об организации уроков просвещения и социально-политических занятий, наставничества, индивидуальной воспитательной работы в органах внутренних дел и другие документы. Особое место в рассматриваемом аспекте занимает Дисциплинарный устав Министерства обороны, которым руководствуются и в системе МВД Республики Узбекистан.

Отдельно следует выделить «Правила профессиональной этики сотрудников органов внутренних дел» («Касб одобномаси»), которые утверждены Приказом МВД в 1993 г. Остановимся лишь на некоторых моментах профессиональной этики сотрудника, закрепленных в документе. В частности, сотрудник, осуществляя свою профессиональную деятельность, входя в контакт с гражданами и своими коллегами, должен соблюдать следующие правила:

- быть примером в соблюдении законности;
- уважать политические взгляды и религиозные убеждения, права граждан;
- проявлять высокую культуру;
- не унижать честь и достоинство человека;
- быть уравновешанным, разумным и объективным;
- соблюдать культуру общения.

Таким образом, культура общения состоит из: во-первых, общепризнанных норм этики — уважения чести и достоинства человека, свободы убеждений и жизненной позиции; во-вторых, национальных правил поведения, предусматривающих приоритет общественного мнения, уважительное отношение к суждениям старшего поколения, рассудительность; в-третьих, этических норм, содержащихся в законах Республики Узбекистан, указах Президента, постановлениях правительства; в-четвертых, ведомственных положений, регламентирующих правила поведения и общения.

Правила профессиональной этики, культуры общения одинаково касаются сотрудников всех уровней. Они должны соблюдаться сознательно. Однако было бы не совсем верно думать, что достаточно лишь определить нормы профессиональной этики. Для того, чтобы они превратились в убеждения сотрудника, необходима последовательная, систематическая, воспитательная работа.

подавляющее большинство сотрудников органов внутренних дел имеют высшее и среднее специальное образование. Но, вполне естественно, что основной формой обучения должно быть самостоятельное повышение своего культурного и профессионального уровня. Сегодня в республике успешно функционирует система инфор-

мационного обеспечения, в том числе и по проблемам культуры общения. Существует целая сеть СМИ, успешно действует Интернет, работают многочисленные библиотеки.

При всей важности самостоятельной работы сотрудников органов внутренних дел необходимо также функционирование организационной системы, обеспечивающей комплексное, целенаправленное повышение культурного и духовного уровня сотрудников.

Если призыв к высокой духовности, теоретические рассуждения о ней, как подчеркивает Президент И.А.Каримов, не будут подкреплены системной, повседневной, всесторонне обдуманной организаторской работой, то они не дадут ожидаемых результатов, не найдут путь к душе человека¹. Данная установка полностью относится и к формированию у сотрудников органов внутренних дел культуры общения, поскольку она является одним из показателей высокой духовности личности.

В органах внутренних дел сложилась определенная система обучения и воспитания сотрудников органов внутренних дел. Важнейшей формой воспитания сотрудников органов внутренних дел является действие принципа «руководитель – воспитатель». Воспитательная работа в органах внутренних дел в соответствии с Приказом МВД «О совершенствовании индивидуальной воспитательной работы с личным составом в органах внутренних дел Республики Узбекистан» возлагается непосредственно на руководителей, т.е. каждый из них должен воспитывать своих подчиненных.

Единоначалие в воспитании не означает, что руководитель может заниматься самоуправством, нарушать установленный порядок. Руководитель, осуществляя воспитательную работу со своими подчиненными, должен, прежде всего, сам соблюдать правила профессиональной этики и положения вышеуказанного Приказа, в частности, беречь свой авторитет и авторитет подчиненного, советы и указания давать спокойно, стоять выше личных амбиций, корыстных целей, не допускать родственных отношений, в то же время не либеральничать и др. Руководитель в соответствии со служебными обязанностями может потребовать от подчиненного своевременного и качественного выполнения заданий, поручений, критиковать его, призывать к порядку, объявить порицание и т.д. При этом необходимо отметить, что, во-первых, критика, требование должны быть в рамках функциональных обязанностей сотрудника; во-вторых, термин «критика» означает не только негативное отношение к тому или иному явлению, но и включает в себя анализ деятельности. Поэтому было бы правильным утверждать, что критика (т.е. анализ) должна быть направлена не только на выявление недостатков, упущений и ошибок, но и характеризовать положительное в деятельности сотрудника. Она должна быть конструктивной, доброжелательной, раскрывать истинные причины недостатков, пути и методы их устранения, учитывать уровень квалификации сотрудника (это особенно важно по отношению к молодым специалистам, не искушенным опытом практической деятельности).

Иногда встречаются такие работники, которые пытаются, так сказать, поставить на место строптивного подчиненного, указывая на то, что решение задачи – это его проблема и необходимо выполнить ее любым путем, даже противозаконным. Обвинение сотрудника без оснований, крики, угрозы, а тем более незаслуженное наказание

¹ См.: Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т., 2008. – 129-бет.

вызывают у него недовольство, раздражительность. А от этого страдает работа. У сотрудника во время беседы с руководителем должна быть возможность высказать свое мнение, он должен быть убежден, что его критиковали обоснованно, что он получил необходимые советы, инструкции для успешного решения поставленных задач. Сотрудник, получивший дополнительный положительный «заряд», энергично приступит к работе.

Культура общения сотрудников — это не только красивые слова, душевная беседа, уважительное отношение к человеку. При всей их важности — это не самоцель. Культура общения должна способствовать успешному решению задач, стоящих перед органами внутренних дел. Смысл культуры общения руководителя и подчиненного заключается, прежде всего, в целенаправленности беседы, ясности и понятности установок, задач, целей.

Любой руководитель, независимо от ранга, будучи воспитателем, должен владеть рядом элементов педагогической науки. В частности, он должен придерживаться таких эффективных принципов, как: концентрировать внимание собеседника на обсуждаемой проблеме; глубоко, грамотно и логически обоснованно ставить задачи; учитывать квалификацию и интеллектуальные возможности сотрудника; увязывать решение вопроса с социально-политической обстановкой в обществе; всесторонне поддерживать активность подчиненного в обсуждении проблемы и т.д. Эти приемы, проверенные на практике в системе образования, непременно дадут положительные результаты.

К формам обучения и воспитания сотрудников органов внутренних дел относятся система повышения квалификации, социально-политическая учеба, уроки просвещения, семинары-совещания, тренинги, различные конференции и другие мероприятия, которые призваны также формировать у сотрудников органов внутренних дел умения вести себя в различных ситуациях профессиональной деятельности.

На наш взгляд, в повестку дня этих мероприятий следует чаще включать вопросы, касающиеся роли повышения культурного и профессионального уровня сотрудников. По этим вопросам должны выступать квалифицированные педагоги, психологи, социологи, умудренные опытом ветераны органов внутренних дел. В связи с этим приведем конкретный пример. Будучи свидетелем выступлений председателя Совета ветеранов МВД Республики Узбекистан генерала Г.Р. Рахимова, его заместителя генерала Э.Н. Норгитова перед слушателями Академии МВД Республики Узбекистан, курсантами Высших курсов по подготовке сержантского состава, неоднократно убеждался в том, что молодые сотрудники слушают их с огромным вниманием, задают им множество вопросов, а в последствии долго и заинтересованно их обсуждают. Нет сомнения в том, что добрые советы, данные ветеранами, навсегда запомнятся молодежи.

Формы и виды общения сотрудников органов внутренних дел могут быть разнообразными: в рамках выполнения служебных обязанностей, оперативных совещаний, служебной подготовки, часов «Маърифат», встреч в трудовых коллективах, общественных, негосударственных организациях, махаллях и др. Каждая форма общения имеет свою специфику, цели и задачи. Достижение цели общения главным образом обеспечивается тщательной подготовкой к ней. В этой связи уместно привести пословицу, гласящую: «Человек, готовящийся на рыбалку, должен думать не о том, чего сам хочет, а о том, на что будет клевать рыба». Поэтому любой человек, готовящийся к

какой-либо встрече, совещанию, мероприятию, в ходе которых он будет общаться с другими людьми, должен тщательно обдумать все детали того, о чем и в какой форме он будет говорить. Самое главное, он должен прогнозировать, чего от него ждут слушатели, ибо взаимопонимание — основное условие достижения намеченной цели.

В заключение хотелось бы вынести некоторые советы на суд читателей:

1. Уважайте своего собеседника — будете уважаемы.
2. Советы уважаемого обязательно будут восприняты.
3. Если Вы воспитаны, Вас будут уважать.
4. Ничто так хорошо не действует на подчиненного, как личный пример старшего.
5. Подчиненному сообщать только то, что нужно для его служебной деятельности.
6. Где присутствует месть, там нарушается право, портится «кровь».
7. Если Вы честны — Вам поверят.
8. Если Вы проявляете заботу о человеке, то тем самым создаёте возможность лучше использовать его потенциал.
9. Хотите добиться результата, узнайте, что интересует человека.
10. Ценные установки хороши, но научить, как найти рациональное и правильное решение — лучше.
11. Знать и уметь много — хорошо, а делиться ими еще лучше.
12. Честность и милосердие — гарантия безопасности и веры.
13. Критиковать легко, превратить же человека в своего единомышленника трудно, но почетно.
14. От мстительного человека нельзя ждать добра.
15. Всему нужно время, молодой специалист не сразу станет высококвалифицированным.
16. Попробуйте поставить себя на место того, кому устраиваете разнос.
17. Если кого-то публично хвалите, то обязательно сообщите, в чем и как он преуспел.

Таким образом, формирование культуры общения у сотрудников органов внутренних дел — важная и многогранная работа. В одной небольшой статье рассмотреть все аспекты, касающиеся этой проблемы, невозможно. Думается, что было бы полезным чаще освещать эти вопросы в периодической печати, прежде всего в наших ведомственных газетах и журналах, специальных передачах по телевидению, обсуждать на научно-практических конференциях, тренингах, проводить социологические опросы и научные исследования. Все это, естественно, будет способствовать дальнейшему повышению уровня культуры общения сотрудников органов внутренних дел, эффективности их профессиональной деятельности.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х. Т. Одилқориев, И. Т. Тультеев, А. А. Таджиев ва бошқ.; проф. Х. Т. Одилқориев таҳрири остида. — Т.: „Шарқ“, 2009. — 592 б.

Давлат ва ҳуқуқ узоқ тараққиёт босқичидан ўтган, ўта мураккаб, серқирра, кенг қамровли ва поғонали ижтимоий ҳодисалар бўлиб, кишилиқ жамияти ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Давлат ва ҳуқуқ барча ҳодисалар каби оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига томон умумий қонуниятлар асосида ривожланиб боради. Инсоният азалдан мазкур ҳодисаларнинг маъно-моҳиятини билишга интилгани туфайли давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги яхлит назарий таълимотлар шаклланган. Уларнинг вужудга келиши ва амал қилиши қонуниятлари англаб етилган.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда қарор топаётган миллий давлатчилик ва ҳуқуқий тизим давлат ва ҳуқуқ тараққиётининг умумий қонуниятлари асосида тараққий этади. Мамлакатда шакллантирилаётган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат ҳодисалари аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий савияси, ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда маданиятини юксалтиришни талаб этмоқда. Юксак малакали, чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш — даврнинг қатъий талабига айланиб бормоқда. Кенг қўламли ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнида янги демократик жамият барпо этишнинг моҳияти, мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ ва қонунчилик соҳалари ривожланишидаги устун тамойиллар, ҳуқуққа оид категория ва тушунчаларнинг асл маъно-мазмунини англаб етиш муҳим аҳамиятга эга. Профессор Х. Т. Одилқориевнинг умумий таҳририда, муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланиб, нашр этилган „Давлат ва ҳуқуқ назарияси“ дарслиги бу борада етакчи ахборот манбаи бўла олади.

Муаллифлар ушбу дарсликда ҳуқуқни ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувга асосланган тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситаси сифатида замонавий ёндашув асосида ёритганлар. Уни яратишда жаҳон сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари тарихи, давлатчилик ва ҳуқуқ тараққиёти тажрибасига мурожаат қилиб, унга кенг ўрин берганлар. Шунингдек, мустақиллик йилларида яратилган давлатчилик ва ҳуқуқ тажрибаси, умуминсоний ҳамда миллий маънавий қадриятлар, замонавий давлатчилик ва ҳуқуқ концепциялари, халқимизнинг бой ҳуқуқий меросига таянганлар.

Дарслик олий таълим муассасаларида ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган тингловчи, талаба, аспирант ва адъюнкт, докторант, илмий тадқиқотчилар ва ходимлар, ҳуқуқшунос педагоглар, қолаверса, давлат ва ҳуқуқ ҳодисалари билан қизиқувчиларга ҳуқуқ асосларига доир билимларга эга бўлиш, дунё юридик фанида яратилган ҳуқуқ институтлари ва таълимотларини ўзлаштиришга кўмаклашади.

Мазкур дарслик ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий билимларни юксалтиришга кўмаклашувчи зарурий манбадир.

Ж. Қ. Тошқулов,
юридик фанлар доктори, профессор